


Н.А.Ҳошимова, И.Э.Ивонина

**КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
ФАОЛИЯТИНИНГ ГРАДИЕНТЛАРИ ВА  
СКАЛЯР МУНОСАБАТЛАРИ**

**Н.А.Хошимова, И.Э.Ивонина**

**КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
ФАОЛИЯТИНИНГ ГРАДИЕНТЛАРИ ВА  
СКАЛЯР МУНОСАБАТЛАРИ**



**“Extremum-Press” нашриёти  
Тошкент – 2014**

КБК 65.29(5Ў)  
ЎУК: 336.1 (575.1)  
Х71

Ҳошимова Н. А., И.Э.Ивонина

Корхоналар молиявий-иқтисодий фаолиятининг градиентлари ва скаляр муносабатлари / Н. А. Ҳошимова, И. Э. Ивонина : Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат техника университети. – Тошкент : Extremum press, 2014. - 216 б.

КБК 65.29(5Ў)  
ЎУК: 336.1 (575.1)

**Тақризчилар:** Маҳкамova М.А. – иқтисод фанлари доктори,  
профессор;  
Мўминов Н.А. – иқтисод фанлари номзоди,  
доцент;

Иқтисод фанлари доктори, профессор – М.Л.Турсунхўжаев таҳрири остида нашрга тайёрланган.

Монографияда корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш давомида юзага келадиган градиент (даражаланиш) ва скаляр муносабатларни баҳолашнинг тизимлаштирилган методологияси, шунингдек, ушбу амалларни бажаришнинг асосий воситаси (маблағ, меҳнат қуроллари, дастгоҳлар ва ҳ.к.) ҳисобланган – ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш ва тизимнинг айни пайтдаги ҳолатини баҳолаш, мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимларини топиш, олинган натижалар асосида бизнес-режаларни ишлаб чиқиш жараёнлари ҳақида сўз юритилади.

Монография А.Р.Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети ҳузурдаги Илмий кенгаш томонидан чоп этишга тавсия этилган бўлиб, корхоналарнинг мутасадди ходимлари, иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларининг талабалари, шунингдек, бизнес жараёнларини муваффақиятли ва самарали бошқаришни ўрганиш истагидаги китобхонларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-4103-8-1

©Extremum-Press нашриёти, 2014 й.

©Н.А.Ҳошимова, И. Э.Ивонина, 2014 й.

## Кириш

Корхоналарни ривожлантириш жуда мураккаб ва кўп тизимли жараёндир. Бу жараён такрор ишлаб чиқариш ва эркин бозор муносабатлари шароитида ташкил этилган янги ишлаб чиқариш тизимларида ишлаб чиқариш ҳажмининг узлуксиз равишда ортиб боришини таъминлаш ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан рақобатга кириша оладиган даражадаги молиявий-иқтисодий фаолият юритишга асосланган.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналарни бошқариш жараёнларини мунтазам равишда назорат қилиш ва онгли равишда бошқариб бориш талаб қилинади. Мазкур жараён иқтисодий фаолият турлари орасида ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Фикримизни асослаш учун қуйидаги мулоҳазаларни келтириб ўтмоқчимиз. Биринчидан, корхона иқтисодий фаолиятини юзага келтириш ва ривожлантириш учун талаб этиладиган хилма-хил ресурслар орасида молиявий ресурслар устувор аҳамият касб этади. Иккинчидан, бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамма вақт муайян даражадаги ноаниқлик (мавҳумлик) шароитларида амалга оширилади. Учинчидан, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан мустақил фаолият юритувчи корхона раҳбарлари олдида турадиган асосий муаммолардан бири шуки, улар ҳамиша ўзининг хўжалик фаолиятини юритиши учун зарур молиявий маблағлар манбасини излаб топиши ва айтилган вақтнинг ўзида олиб борилаётган инвестицион сиёсатини оптималлаштириши зарур бўлади. Тўртинчидан, корхона раҳбари бирон-бир контрагент билан ўзаро тижорий муносабатларни ўрнатар экан, энг аввало, шерик сифатида танланаётган субъектнинг молиявий-иқтисодий ҳолати нечоғли барқарор эканини, унинг молиявий-иқтисодий лаёқатини тўғри ва объектив баҳолай билиши керак. Айтиб ўтилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадиган бўлсак, эътироф этишимиз жоизки, раҳбарнинг корхоналар иқтисодий фаолиятининг юзага келиши ва ривожлантирилишидаги ташқи ва ички муҳит шарт-шароитларини, қолаверса, фаолиятга алоқадор барча жараёнларни илмий жиҳатдан асосланган ҳолда таҳлил қила билиши ўз корхонаси ҳамда потенциал шеригининг молиявий-

иктисодий фаолияти самарали бўлишида бирламчи аҳамият касб этади.

Назарий жиҳатдан олганда, ҳар қандай ишлаб чиқариш тизимининг маълум даврдаги иқтисодий ҳолати корхона фаолиятининг турли жиҳатларини ифода этувчи абсолют ва нисбий характерга эга бўлган кўрсаткичлар воситасида таърифланади.

Демак, ҳар қандай хўжалик фаолияти юритувчи тизимнинг иқтисодий ҳолати назарий жиҳатдан қараганда, чексиз-чегарасиз сонларда акс этган абсолют (мутлак) ва нисбий кўрсаткичлардан иборат. Бу эса иқтисодий таҳлил ва ташхис (вазиятни баҳолаш, мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимини таклиф қилиш) амалиёти ортиқча шов-шувларга асосланган хабарлар оқимини бартараф этган ҳолда, диққат-эътиборни объектнинг айни пайтдаги иқтисодий ҳолатидан дарак берувчи маълумотларга қаратиш ва улар орасидан кераклисини ажратиб олишга имкон берувчи ахборот редукцияси тамойилларига асосланишни тақозо этади.

Ушбу талабдан келиб чиқиб, монография муаллифлари хўжалик фаолияти юритувчи субъектларнинг молиявий-иктисодий ҳолатини таҳлил қилиш, баҳолаш, мавжуд муаммоларни ўрганиш билан боғлиқ долзарб муаммоларни муҳокама этиш, уларнинг ечимини топишга қаратилган изланишлар жараёнида градиентлаш, яъни даражаланиш услубидан фойдаланишни мақбул топишди. Мазкур услуб умумий маълумотлар кўламини икки гуруҳга, яъни даражаланишга мойил ва мойил бўлмаган маълумотларга ажратилган ҳолда ўрганишни талаб этади.

Эконометрикада “градиент” тушунчаси муайян скаляр майдон параметрларининг юксалиш йўналиши қай даражада жадал суръатлар билан ўсиб боришини кўрсатувчи векторни англатади. Корхонанинг молиявий- иқтисодий фаолиятини ифода этувчи муҳим градиентлар мазмун-моҳиятига кўра, корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий потенциалини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаб олиш мақсадида вазиятни таҳлил қилиш учун жамланган маълумотларни редукциялаш жараёнини англатади. Муҳокама этилаётган масалага нисбатан бу

тарзда ёндашув таҳлил этилаётган вазиятни баҳолаш жараёнларида мақсадга эришишда фойдаси тегмайдиган айрим маълумотларни эътибордан четда қолдириш имконини беради.

Корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолиятини баҳолашда объект хусусиятларини скаляр шаклда тасаввур этадиган бўлсак, муҳим аҳамият касб этадиган параметрларни жамлаб, уларнинг қийматини биргина хақиқий сон ёрдамида ифодалаш мумкин. Шундай қилинса, у ёки бу скалярнинг жамланган (умумлаштирилган) қийматини биргина матрица шаклида ифодаласа бўлади. Корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолиятини ташкиллаштириш жараёнида кузатиладиган скаляр муносабатлар ўз моҳиятига кўра ташкилотнинг миқдор кўрсаткичлари ёрдамида акс эттириладиган ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодий потенциали ўртасидаги ўзаро муносабатларни ифода этади. Бу кўрсаткичлар одатда атрибутив ва вариацион шаклларда ифодаланади. Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш ва вазиятни баҳолаш, мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимини таклиф қилиш хўжалик юритиш билан боғлиқ фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришда градиент ва скаляр муносабатларни бевосита амалиётда қўллай билиш учун зарур бўлган воситалардан бири саналади.

Анализ, яъни иқтисодий таҳлил – иқтисодий тизимлар фаолиятини бошқариш жараёнида муҳим ўрин эгаллаган умумий функциялардан бири. Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, вазиятни таҳлил қилиш жараёнининг бошқарув фаолиятини ташкиллаштириш ва амалга оширишдаги аҳамияти жуда катта. Тор ёки кенг миқёсларда хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи ҳар қандай субъект албатта вазиятни таҳлил қилади. Шубҳасиз, хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий фаолият тури, кўламлари, корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, фаолиятдан кўзланадиган мақсадларига кўра бир-биридан фарқланади. Шу боисдан ҳам вазиятни таҳлил қилиш жараёнлари шаклан ва мазмунан бир-биридан анчагина фарқланиши мумкин. Демак, вазиятни таҳлил қилишга йўналтирилган жараёнлар қандай маъно-мазмун касб этиши ва фаолият субъектлари томонидан қандай талқин этилишидан қатъий назар комил ишонч билан бир нарсани эътироф этишимиз мумкинки, ҳар қандай

бошқарувчилик қарорини қабул қилишдан олдин, албатта, вазиятни таҳлил қилиш натижасида олинган маълумотларни умумлаштириш талаб этилади.

Вазиятни таҳлил қилиш жараёнлари билан бир вақтнинг ўзида корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини баҳолаш, мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимини таклиф қилиш ҳам керак бўлади. Таъкидлашимиз жоизки, диагностика қилиш–ташхислаш услубиёти анъанавий таҳлил жараёнларидан бир қанча ўзига хос жиҳатлари билан фарқланади. Қуйида уларга кискача таъриф ва тавсиф бериб кетмоқчимиз.

Биринчидан, вазиятни баҳолаш, мавжуд муаммоларни ўрганиб уларнинг ечимини таклиф қилиш жараёнларининг тартибини (кетма-кетлигини) таҳлил қилиш жараёнларидан фарқ қилади. Анъанага кўра, вазиятни таҳлил қилиш жараёнларини амалга оширишнинг мантиқий чизмаси бўйича тадқиқот объектига айлантирилган муайян тизим аввал таркибий элементларга ажратилади, шундан кейин тизимнинг фаолияти негизида кузатиладиган муаммолар ўрганиб чиқилади, ва ниҳоят, олинган натижалар умумлаштирилиб синтез қилинади. Вазиятни баҳолаш, мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимини таклиф қилиш учун эса таҳлил қилишнинг тамоман аксини бажариш, яъни даставвал, тадқиқот объектининг умумий ҳолатини, сўнгра унинг алоҳида элементларини баҳолаш керак бўлади.

Иккинчидан, вазиятни баҳолаш, мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимини таклиф қилиш учун молиявий-иқтисодий фаолиятнинг якуний натижалари (синтетик баҳолаш) ҳамда ишлаб чиқариш ресурслари (корхона ихтиёридаги капиталлар)дан фойдаланишнинг самарадорлигини акс эттирувчи ҳаракат (ривожланиш) параметрларини ўрганиб чиқиш талаб қилинади.

Учинчидан, вазиятни баҳолаш, мавжуд муаммоларни ўрганиб уларнинг ечимини таклиф қилишнинг асосий мақсади тизимнинг жорий пайтдаги ҳолатини идентификациялаш, тизим элементларининг функционал фаолиятида кузатилаётган бузилишларни аниқлаш ҳамда олинган натижалар асосида молиявий-иқтисодий тизимнинг фаолияти қай йўсинда

ривожланаётганлигидан дарак берувчи кўп сонли кўрсаткич (параметр)ларни мунтазам кузатиб боришга имкон яратиб беришга йўналтирилади.

Вазиятни баҳолаш, мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимини таклиф қилиш жараёни давомида синтетик баҳолаш кўрсаткичлари ёрдамида корхонанинг иқтисодий фаолиятига таъсир кўрсатаётган ташки ва ички муҳит шарт-шароитларининг таъсири ифодаланади.

## **1. КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ДАВРИЙЛИГИ**

Корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолиятини ўрганар эканмиз, мазкур туркумнинг мазмунини ташкил қиладиган ижтимаий таркибий қисмни – ресурслар ҳамда улардан амалда фойдаланиш натижаси (самараси)ни кўришимиз мумкин. Корхонанинг фаолияти тўлақонли амалга ошиши учун турли хил ресурслардан ташқари уларнинг трансформацияси, яъни амалий жараёнлар давомида ресурсларнинг ўз шаклини ўзгартириб, тамомила янги бир ҳосилани юзага келтириб чиқариш хусусиятларига эга бўлиши зарурлигини англаб етамиз. Бу ўринда ривожланиш корхонанинг объектив хусусияти ва бир вақтнинг ўзида унинг мавжудлиги учун зарур бўлган асосий шарт сифатида майдонга чиқади. Демак, корхона мавжуд бўлмоғи учун у албатта ривожланиши шарт. Ривожланиш эса фақат аниқ ва яхлит тизимлар воситасида амалга оширилади, ривожланиш жараёнининг мазмун-моҳияти ва асосий хусусияти шундаки, алоҳида шарт-шароитларда мавжуд бўлган яхлитлик, бутунликнинг муайян тартибда трансформацияланиши оқибатида янгидан бир бутунлик ҳосил қилинади.

Ривожланиш кўп йўналишли, кўп босқичли ва кўп даражали жараён. Шу билан бирга, ривожланиш жараёни ҳосила сифатида яраладиган тизимнинг дастлабки (пайдо бўлиш) ва энг сўнги (барҳам топиш, йўқ бўлиш) босқичларини ўз ичига олмайди. Юзага келиш, яралиш жараёни ўрганиш, ўзлаштириш жараёни билан уйғун ҳолда кечади ҳамда ривожланиш, юксалишни таъминлайди. Буюк немис мутафаккири, ривожланиш



диалектикасининг тизимлаштирилган назариясига асос солган Георг Вильгельм Фридрих Гегельнинг таъкидлашича, пайдо бўлиш (яралиш, юзага келиш) йўқлик ҳамда борликнинг оралигида мавжуд бўладиган ўзига хос феномен, аниқроқ қилиб айтганда, йўқлик ва борликнинг уйғун бирлиги бузилмаган алоҳида бир ҳолат ифодасидир. Яралиш жараёни негизда реал борлик найдо бўлади. Бу жараёнда юзага келиш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилган бирламчи ҳолат ўзлигини бевосита эмас билвосита намоён этади.

Ф.Гегель томонидан ишлаб чиқилган фалсафий концепцияни муҳокама этилаётган мавзуимиз доирасига кўчириб таъкидламоқчимизки, корхонанинг иқтисодий фаолият бошлаши учун муҳим саналган ресурслар генерация жараёнлари учун асос бўлиб хизмат қиладиган бирламчи ҳолат вазифасини ўтайди ва шу тариқа ривожланиш жараёнига асос солади. Муҳокама этилаётган мавзуимизга ушбу нуктаи назардан ёндошадиган бўлсак, биз замонавий назариянинг бошқа бир муаммосига дуч келамиз. Гап шундаки, замонавий назарияга кўра, ривожланиш “яралиш жараёнининг табиати билан боғлиқ шундай бир ҳолатки, унда барча ўзгаришлар қандайдир бирламчи ҳолатнинг барқарор сақланиб қолиш эҳтимоли мавжуд бўлсагина рўй бериши мумкин. Барча ўзгаришларнинг асосини ташкил қилувчи бирламчи яралиш ҳолатининг мавжудлиги пировард натижада ривожланиш қонуниятларининг амал қилиши учун шароит туғдиради”<sup>1</sup>. Бундан келиб чиқадики, корхоналарнинг молиявий-иқтисодий фаолиятини кўриб чиқиш (ўрганиш, таҳлил қилиш)га тўғри келганида “ривожланиш жараёнларининг юзага келиши (генерация)” деган тушунчадан фойдаланиш зарур бўлади. “Генерация” тушунчаси немисча (Generation) ва лотинча (generatio) сўзлардан ҳосил қилинган бўлиб, “пайдо бўлиш”, “яратилиш” деган маъноларни англатади. Ҳозирги замон мутахассис олимларининг талқин қилишича, “генерация” тушунчаси пайдо бўлиш, такрор яралиш, ишлаб чиқариш, юзага келтириш (кўзғотмоқ) каби маъноларда қўлланилади. Бундан

---

<sup>1</sup> Гегель В. Наука логики. Т. I. М., Наука. 1970. 170.с.

ташқари. “генерация” тушунчаси пайдо бўлган янги авлодни ҳам англатиши мумкин.<sup>2</sup>

Корхоналар молиявий-иктисодий фаолиятининг юзага келиши (яралиши) ўз моҳиятига кўра тўлиқ яқунланган ривожланиш жараёни сифатида намоён бўлади. Шу боисдан генерация жараёнларини кузатиш тизимнинг пайдо бўлишидан бошлаб тизимнинг ривожланиши давомида такрор ва такрор юзага келаётган янги ҳодисаларни ҳам ўрганиш имкониятини беради.

Корхоналарнинг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги билан бевосита боғлиқ. Мавжуд ресурслардан мақсадли фойдаланиш жараёнида молиявий-иктисодий фаолият генерацияси юз беради. Схематик тарзда буни қуйидагича ифодалаш мумкин: ресурслар – ресурслардан мақсадли фойдаланиш – натижа.

Умуман олганда, бу корхоналар молиявий-иктисодий фаолияти юзага келиши жараёнининг биргина цикли. Унинг кетидан иккинчиси, учинчиси ва узлуксиз равишда навбатдаги цикли давом этаверади (1-расмга қаранг).



**1-расм. Корхоналар молиявий-иктисодий фаолиятининг юзага келиши схемаси.**

<sup>2</sup> Свидерский В. И. О некоторых особенностях развития // Вопросы философии. 1985. № 7. С. 27-28.

Корхоналар молиявий-иктисодий фаолияти юзага келиши жараёнининг ҳар бир циклида сифат, миқдор жиҳатидан баҳоланиши мумкин бўладиган туб, ортга қайтмас ўзгаришлар рўй беради. Умумлаштириб айтганда, генерациянинг асосий аломатлари ана шундай. Уларни бирма-бир санаб чиқадиган бўлсак, биринчидан, тизимнинг юзага келиши ва ривожланиши жараёнлари негизида сифат ва миқдор кўрсаткичлари воситасида белгиланиши мумкин бўлган ўзгаришлар рўй бериши, иккинчидан, юз бераётган ўзгаришларни ортга қайтариб бўлмаслиги, учинчидан, генерация жараёнлари узлуксиз ва аниқ мақсадга йўналтирилгани аниқланади.

Юқорида айтиб ўтилган аломатларнинг муҳим белгиси шуки, уларнинг ҳар бирини алоҳида тадқиқ этиш, генерация жараёнини муфассал ўрганиш учун етарли бўлмайди. Генерация жараёни ҳақида атрофлича маълумот олиш учун юқорида санаб ўтилган ҳар иккала аломатни ўрганиш ҳам қутилган натижани бермайди. Ҳарҳолда, айтиб ўтилган аломатларни ўрганиб чиқиб, корхоналар молиявий-иктисодий фаолиятининг генерацияси ижобий кечяптими ёхуд унинг негизида турли хил салбий (тартибсиз) ўзгаришлар кузатиляптими, деган саволга асосли жавоб олиш мумкин.

Аслида генерация жараёнлари мунтазам равишда кузатиб борилиши зарур. Бунинг учун корхоналар молиявий-иктисодий фаолиятининг генерациясини мониторинг қилиш, жараёни баҳолаш учун талаб этиладиган ҳар томонлама мукамал мезонлар тизими яратилиши керак. “Корхоналар молиявий-иктисодий фаолиятининг генерацияси” категориясидан ўринли ва унумли фойдаланиш оқибат натижада корхонани иктисодий ривожлантириш жараёнларига сифат жиҳатидан анча юқорирок мазмун бағишлайди. Чунки бу категория ишлаб чиқариш жараёнларининг барча элементларини бирлаштириб қутилган натижага эришишга ёрдам қилади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчимизки, генерация моҳиятан объектив хусусиятли ҳодисадир. Табиатан у ўзида ҳам моддий, ҳам маънавий борлиқни мужассам этади. Маълум маънода, генерация феномени корхонанинг молиявий-иктисодий фаолиятига боғлиқ эмас. Моҳиятан олганда, ишлаб чиқариш ўз-

Ўзича унинг негизида рўй бераётган генерация жараёнларини юзага келиши ва ривожланишини ўрганиб, баҳолаб бораверади. Генерация жараёнларининг ўта мураккаблиги ва бошқа бир қатор сабаблар таъсири туфайли мазкур тушунчанинг мазмунини назарий жиҳатдан шарҳлаш бирмунча қийин кечади. Амалиётда иқтисодий фаолият субъектлари бирон-бир жараён қандай кечаётганлиги билан унчалик кизикиб ўтиришмайди. Назарияда вазият бошқача. Тадқиқот объектига айлантирилган ҳар қандай жараённи илмий жиҳатдан ўрганиш давомида, албатта, унинг юзага келиши, ривожланиши ёхуд генерацияси қандай рўй берганини аниқлаш керак бўлади. Корхона молиявий-иқтисодий фаолияти генерациясининг турини аниқлаш пировард натижада мазкур тизимни бошқариш жараёнлари қанчалик муваффақиятли ва самарали кечаётгани, ривожланиш истикболлари қанчалик юксак эканини баҳолашга имкон туғдиради.

Муайян бир корхона молиявий-иқтисодий фаолияти генерациясининг ўзига хос аломатларини аниқлаш учун турли хил ривожланиш моделларидан фойдаланилади. Биз тақлиф этмоқчи бўлаётган услубнинг бошқа услублардан афзал жиҳати нимада эканлигини аниқлаш учун турли ривожланиш моделларига қисқача таъриф ва тавсиф бериб кетмоқчимиз. Шокотерапия ва градуализм моделлари ўтиш даври иқтисодиётига асосланган давлатларда қўлланиладиган иқтисодий ривожланишнинг кенг тарқалган моделларидан ҳисобланади. Социалистик тузум барҳам топганидан кейин ёппасига амалга оширилган иқтисодий ислохотлар даврида иқтисодий мавзуларга бағишланган илмий, илмий-оммабоп адабиётларда шокотерапия ва градуализм моделларининг амалий жиҳатдан қўлланилиши натижаларига бағишланган мақолалар жуда кўп чоп этилганди. Аксарият ҳолларда ушбу адабиётларда турли давлатларда эркин бозор муносабатларининг шаклланиши қандай кечаётгани ёритилган.

Иқтисодий масалаларга бағишланган адабиётларда генерация моделига атрофлича таъриф ва тавсиф берилмаган. Бизнинг назаримизда, муҳокама этилаётган мавзуга нисбатан кенг қўламли ёндашувни фалсафа соҳасида кузатишимиз мумкин. Эътироф этишимиз жоизки, фалсафада генерация жараёнларини

акс эттирувчи модель ҳар томонлама, комплекс тарзда ўрганилган. Фалсафий нуқтаи назардан яралиш жараёнларига нисбатан турли хил қарашлар орасида генерация моделининг тутган ўрнини аниқроқ ифодалаш учун ҳар бир фалсафий қарашга қисқача тўхталиб, таъриф бериб кетмоқчимиз.

Энг аввало, фалсафага оид ўқув адабиётларда ривожланиш жараёнларига берилган таъриф, яъни “диалектика моделлари”га тўхталмоқчимиз. Бу каби фалсафий қарашлар даставвал XVIII – XIX асрларда шаклланган. Бу қарашларнинг шаклланиши ва ривожланишига буюк немис мутафаккирлари Кант, Фихте, Шиллинг, Гегель кабилар катта ҳисса қўшган. Бу модель рационалистик, диалектиканинг мантикий-гносеологик модели деган ном олган.

Кейинчалик ривожланишнинг диалектик-материалистик, градуалистик ва сциентистик (натурал) моделлари шаклланган. Ривожланишнинг диалектик-материалистик концепциясига алоҳида тўхталмоқчи эмасмиз, чунки, бу моделнинг абстрактлашув – мавҳумлик даражаси шунчалик кенги, уни корхоналарнинг молиявий-иқтисодий фаолияти генерациясига нисбатан амалий жиҳатдан татбиқ қилишнинг иложи йўқ.

Бизнинг назаримизда, ривожланишнинг градуалистик модели нисбатан соддароқ ва ундан амалиётда фойдаланиш нисбатан осонроқ. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб кетмоқчимизки, “градуализм” деб ном олган тушунча асосан фалсафада қўлланилган ва фақатгина сўнги ўн йиллар ичида иқтисодий соҳада қўлланила бошлаган. Шундай қилиб, иқтисодиётга оид замонавий илмий адабиётларда “градуализм” тушунчаси воситасида ривожланишнинг тадрижийлиги (жараённинг аста-секин, босқичма-босқич давом этиши)ни ифодалашади. Мутахассислар ушбу моделнинг асосий камчилиги ривожланиш жараёни негизида кескин ўзгариш (бирдан ўсиш) ҳолатлари юз бериши, бошқача айтганда, қутилмаганда сифат ўзгаришлари юз бериши эҳтимолини инкор этишида намоён бўлади, деб уқдиришади. Градуалистик моделнинг бир тури бўлган эволюционизм назариясининг тарафдорлари ривожланиш тадрижий характер касб этади, аммо бу жараён сифат ўзгариши билан якун топади, деб таъкидлашади. Эволюционизм

назариясининг тарафдорлари жараён сифат ўзгариши билан яқун топишини эътироф этсалар ҳамки, портлаш каби кучли сифат ўзгаришлари рўй бериши мумкинлигини инкор қиладилар. Қисқа қилиб айтганда, юқорида таърифи келтирилган моделларнинг ҳаммаси ривожланиш жараёнлари аста-секинлик билан давом этади, деган умумий ақида (догма)га асосланади.

Ривожланишнинг умумий назариясида анча илгари эмергентизм (emergence – инглизча сўз бўлиб, юзага келиш, юзага қалқиб чиқиш, пайдо бўлиш маъноларини англатади) гоёси ишлаб чиқилгандики, унга кўра ривожланиш жараёнларида портлаш каби кучли сифат ўзгаришлари рўй бериши мумкинлиги эътироф этилади. Қисқаси, градуализм концепциясининг негизида ривожланиш жараёнлари вақти-вақти билан узлуксиз ва узук-юлуқ тартибда амалга ошади, деган концептуал ғоя ётади.


Сциентистик (натурал) ривожланиш концепциясига кўра, табиатдаги ривожланиш (динамик ўзгаришлар) турли хил шаклларда ифодаланиши мумкин. Иқтисодий соҳада сциентистик (натурал) ривожланиш концепциясининг барқарор мувозант-интеграцион шакли кўпроқ қўлланилади. Бу ғояга асосан иқтисодий тизим табиатан барқарор мувозанатли бўлиб, унинг негизида кечадиган барча жараёнлар ўзаро мувозанатланган ва ҳар қандай ички зиддиятлардан холи ҳисобланади. Аммо бу фикр конфликт (ихтилоф)лар назарияси нуктаи назаридан унчалик тўғри ва асосли эмас. Ихтилофлар назариясида айтилишича, ривожланиш жараёнлари турли хил зиддиятларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг енгиб ўтилиши ҳисобига амалга ошади. Бундан ташқари, мавжуд ихтилофлар айна тизимнинг ички (ривожланиш билан боғлиқ) эҳтиёжларини қондириш учун зарур, деб таъкидланади.

Илмий адабиётларда биз юқорида қисқача таърифлаб берган асосий ғояларнинг турли хил кўринишлари ҳақида жуда кўп фикрлар билдирилган. Масалан, “мунтазамлик, пропорционаллик” принциплари асосида давом этадиган ривожланиш, программалаштириладиган ривожланиш, кластерли ривожланиш, тўлқинсимон ривожланиш ва ҳоказо. Уларни амалий жиҳатдан қўллаш услублари ҳам хилма-хилдир.

Алоҳида бир жараён сифатида олиб қаралса, корхоналар молиявий-иқтисодий фаолиятининг генерацияси муайян макро-ва микроиқтисодий тизимлар доирасида кечади. Шу боисдан у ушбу тизимларнинг ривожланиш динамикасини белгилаб берувчи умумий концептуал асосларга таянади ва корхоналар иқтисодий-молиявий фаолиятининг табиатидан келиб чиқадиган ўзига хос характерли хусусиятларни касб этади. Буни амалда кузатиш осон, чунки ишлаб чиқариш жараёнлари бир қанча босқичда амалга оширилади. Ишлаб чиқариш жараёнларини энг содда кўринишда тасаввур этмокчи бўлсак, қуйидаги босқичларни кузатишимиз мумкин: ресурсларнинг яралиши, улардан мақсадли фойдаланиш ва кутилган (режалаштирилган) натижага эришиш. Ривожланиш жараёнининг сўнгги босқичида инвестицион ресурслар қайтадан вужудга келади. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида янги натижаларга эришилиб, янги инвестицион ресурслар пайдо бўлаверади. Бундан чиқди, корхоналар молиявий-иқтисодий фаолияти айланма ҳаракатга асосланган бўлиб, жараённинг ҳар бир цикли якунлангач, ҳаммаси янгидан бошланаверади. Бундай жараёнлар циклик (такрорланиш хусусиятига эга бўлган) жараён деб аталади. Циклик жараён негизида кечадиган ҳодисалар, муайян ишлар ўзаро алоқадорликда бўлиб, уларнинг тўлиқ айланмаси ривожланиш циклининг якуни билан тугайди. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмокчимизки, корхоналар иқтисодий-молиявий фаолиятининг генерациясини иқтисодий ривожланиш цикллари билан айнан ўхшаш ҳодиса, деб қабул қилиш мумкин эмас. Моҳиятан олганда, иқтисодий ривожланиш цикли иқтисодий фаолликнинг тўлқинсимон амплитуда бўйича такрорланиб туришидир. Бу деган сўз, ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг ўсиши бир текис давом этмасдан, маълум даврларда пасайиб туриш хусусиятига эга бўлади. Классик нуқтаи назардан олганда, иқтисодий ривожланиш инкироз, депрессия (стагнация), жонланиш ва юксалиш каби фазалардан иборат бўлса, корхоналар молиявий-иқтисодий фаолиятининг генерацияси принципиал жиҳатдан қуйидаги учта компонентдан таркиб топади: ресурсларнинг юзага келиши, уларнинг мақсадли ишлатилиши, кутилган (режалаштирилган) натижага эришиш.

Таъкидлашимиз жоизки, бу циклик схема универсал характер касб этади. Ривожланиш жараёнлари биз юқорида таърифлаган циклик схема бўйича идеал даражада давом этса, у ҳолда сўнгги босқичда дастлабки босқичда сарфланган молиявий ресурслар кўпайиб (ортиб) қайтадан пайдо бўлади. Бу ишлаб чиқаришга сарфланган дастлабки капиталнинг бирламчи ўсишини акс эттиради. Шунга мос равишда, такрор ишлаб чиқариш жараёни қайтадан бошлаш чоғида бирламчи капиталнинг ҳажми анча кўпайган бўлиб, ривожланишнинг янги цикли охирида аввалгисидан кўпроқ маҳсулот олинади. Шундай қилиб, корхоналар молиявий-иқтисодий фаолиятининг генерацияси трансформацияланиб айланма ҳаракат ўрнига спиралсимон ривожланишда давом этади. Буни куйидагича ифодалаш мумкин:


$RO - IO - RO - R1 - \dots$ , бу формулада  $RO$  – бирламчи инвестицион ресурсларни,  $IO$  – бирламчи ресурсларнинг сарфланишини,  $RO$  – бирламчи натижани,  $R1$  – биринчи цикл якунидаги ресурсларни англатади (2 - расмга қаранг).



**2-расм. Корхоналар молиявий-иқтисодий фаолияти генерациясининг спиралсимон ҳаракати схемаси.**




Умуман олганда, юқорида таърифланган чизма идеал ҳисобланади, аммо амалиётда бунга эришишнинг ҳеч иложи йўқ. Аслида корхоналар молиявий-иктисодий фаолияти генерациясининг спиралсимон ҳаракатида доимий равишда турли омилларнинг таъсири остида идеал ҳолатдан чекиниш, оғиш ҳоллари кузатилади. Идеал ҳолатдан чекиниш жараёнлари маҳаллий хусусият касб этиши (3-расмга қаранг). инкирозли вазиятларда турли омилларнинг таъсири остида ўзининг спиралсимон ҳаракат йўналишини кескин ўзгартириши ҳам мумкин (4- расмга қаранг).



**3-расм. Корхоналар молиявий-иктисодий фаолияти генерациясининг спиралсимон ҳаракатида кичик (қундалик, одатдаги) оғиш ҳолатларининг схемаси.**

Шунга қарамасдан, корхоналар молиявий-иктисодий фаолияти генерациясини нисбатан узоқроқ вақт давомида ўрганадиган бўлсак, у ҳолда жараёнлар спиралсимон йўналишда давом этишига гувоҳ бўлаемиз. Айни вақтнинг ўзида генерация жараёнларининг турли даврларида иқтисодий ривожланиш цикллари, сиёсий ёхуд макроиктисодий ўзгаришлар, бошқа сабаблар туфайли идеал ҳолатдан чекиниш ҳоллари ҳам кузатилади.




**4-расм. Корхоналар молиявий-иқтисодий фаолияти генерацияси циклларида кузатиладиган инкирозли даврларда рўй бериши мумкин бўлган турли хил таъсирлар туфайли спиралсимон ҳаракатнинг ўзгариш схемаси.**

## **2.ГРАДИЕНТЛАР ВА КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ НЕГИЗИДАГИ СКАЛЯР МУНОСАБАТЛАР**

Ҳар қандай тизим каби корхоналар молиявий-иқтисодий фаолияти ҳам сифат ва миқдор кўрсаткичлари ёрдамида ўлчаниши мумкин бўлган характеристикаларига эга. Корхоналар молиявий-иқтисодий фаолияти генерациясининг алоҳида олиб қараладиган ҳар бир таркибий қисми унинг таркибига кирувчи турли элементлар мажмуи сифатида ифодаланиши мумкин. Ушбу кўп сонли элементларнинг умумий йиғиндиси (жамланган ифодаси), уларнинг векторли ва аниқ мақсадли йўналиши корхоналар молиявий-иқтисодий фаолиятининг ўзига хос модели сифатида ўрганилади. Принципиал жиҳатдан олиб қаралса, тадқиқот объектини анъанавий иқтисодий-статистик ва таҳлилий

услуглар ёрдамида ҳам ифодалаб бериш мумкин, аммо замонавий тадқиқот ва илмий таҳлил ишларини олиб бориш услубиёти шунчалик юксак даражада шакллантирилганки, тадқиқот натижаларини мутлақо янги, илгаригидан анча юксак даражада шарҳлаш имкониятини беради. Замонавий тадқиқот услублари ёрдамида корхоналарнинг молиявий-иқтисодий фаолиятида кузатиладиган боғланишларни муайян тарзда тизимлаштирилган турли хил маълумотлар асосида жуда содда ва қисқа (лўнда) қилиб таърифласа бўлади. Бу ўринда тадқиқот объектига тааллуқли тизимлаштирилган маълумотларни тегишли матрицалар сифатида ўрганиш мумкин. Ушбу матрицалар корхоналар молиявий-иқтисодий фаолиятининг турли компонентлари генерацияси қай даражада самарали кечаётганини акс эттиради (5-расмга қarang).




**5-расм. Корхоналар молиявий-иқтисодий фаолияти генерацияси компонентларининг тузилиши.**

Корхоналар молиявий-иқтисодий фаолияти генерациясининг ҳар бир компоненти бир қанча элементлардан таркиб топган. Ушбу элементларни технологик ёки натижавийлик нуқтаи назаридан ўрганиш мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам олинadиган натижалар ўзаро боғланишли ривожланиш вектори доирасида аниқланади. Бунда корхонанинг иқтисодий фаолияти натижаларига кучлироқ таъсир кўрсатаётган векторларни тўғри аниқлай билиш жуда муҳим. Шунинг учун биз, молиявий-иқтисодий фаолият ривожланишининг жами йўналишларини, шунингдек, уларга хос бўлган ривожланиш

векторларини ҳам алоҳида гуруҳларга ажратиб. “корхона молиявий-иктисодий фаолиятининг градиенти” масаласига алоҳида тўхталишга қарор қилдик. Бу ўринда “градиент” тушунчаси билан айна вақт (давр)да объект сифатида олиб қаралаётган скаляр майдоннинг энг жадал (максимал) суръатлар билан ўсиш йўналишини кўрсатувчи вектор ифодаланади. Ушбу ҳолатда корхона молиявий-иктисодий фаолиятининг градиентлари корхонанинг ривожланишини (яқуний натижани, ишлаб чиқариш самарадорлигини) максимал даражада таъминлашга ёрдам қилувчи векторлар синфини ифодалайди.


Фаолият йўналишларини градиентланган ва градиентланмаган қисмларга ажратиш моҳиятан редукция жараёнини акс эттиради. Бу ўринда таҳлил жараёнларини бажариш учун муҳим бўлган маълумотларни редукциялаш жараёнида молиявий-иктисодий фаолият генерациясининг устувор саналадиган йўналишлари белгилаб олинади. Шундай йўл билан вазиятни ташхис қилиш жараёнларида қўйилган мақсад(лар)га эришишга сезиларли даражада ёрдам қилмайдиган маълумотларни саралаб чиқариб ташлаш мумкин бўлади.

Корхона молиявий-иктисодий фаолияти генерациясини таҳлил қилиш жараёнида ресурслардан фойдаланиш йўналишларининг градиентли тузилмаси қатта аҳамият касб этади (6-расмга қаранг).



**6-расм. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш йўналишларининг градиентланган тузилмаси.**

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш йўналишларининг юқорида қайд этилган тўртта йўналиши орасида ишлаб чиқаришда банд бўлган одамлар сони (айниқса, уларнинг квалификацион таркиби) ҳамда меҳнат унумдорлиги алоҳида градиент характер касб этади, чунки максимал даражадаги иқтисодий самара олиш учун айнан шу икки кўрсаткич жуда муҳимдир. Қолган кўрсаткичлар ёрдамчи вазифасида келади. Бу ривожланиш йўналишларини турли хил гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин. Мазкур гуруҳлар молиявий-иқтисодий фаолиятнинг генерациясини амалга ошириш давомида эришилиши кўзда тутилаётган мақсадларга мос равишда тузилади. Градиентлаштирилган гуруҳларнинг навбатдаги муҳим йўналиши ишлаб чиқариш воситалари (маблағ, меҳнат қуроллари) ҳисобланади. Уларнинг тузилмаси 7-расмда келтирилган (расмга қаранг).




**7-расм. Ишлаб чиқариш воситалари (маблағ, меҳнат қуроллари)дан фойдаланишнинг градиентлаштирилган тузилмаси.**

Корхоналар молиявий-иқтисодий фаолиятини самарали йўлга қўйишда ишлаб чиқариш воситалари (маблағ, меҳнат қуроллари), яъни асосий воситалардан оқилона фойдалана билиш жуда муҳим. Бу масалада асосий фондларнинг актив (ишлаб чиқаришга алоқадор) ва пассив (ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган) қисми ўртасидаги ўзаро нисбатни тўғри танлай билиш ўта аҳамиятлидир. Таъкидлашимиз жоизки, асосий фондларнинг


актив қисмига (ишлаб чиқаришга алоқадор) жойлаштириладиган маблағларгина сўнги натижаларга таъсир кўрсатиши мумкин.

Муҳокама этилаётган масалада меҳнат предметлари (моддий ресурслар)дан фойдаланишнинг градиентлаштирилган тузилмаси ҳам катта аҳамият касб этади (8-расмга қаранг).



**8-расм. Мехнат предметлари (моддий ресурслар - T)дан фойдаланишнинг градиентлаштирилган тузилмаси.**

Корхоналар молиявий-иқтисодий фаолиятини самарали йўлга қўйишнинг сўнги йўналиши молиявий-иқтисодий фаолият натижалари ҳисобланади (9- расмга қаранг).



**9-расм. Корхоналар молиявий-иқтисодий фаолияти якуний натижаларини баҳолашнинг градиентлаштирилган тузилмаси.**

Жамланган градиентлар ривожланишнинг ҳар бир йўналишига мос келадиган матрицалар шаклини олади. Бу матрицаларнинг принципиал кўриниши қуйидагича бўлади:

$$W = \begin{bmatrix} w_{11} & w_{12} & \dots & w_{1n} \\ w_{21} & w_{22} & \dots & w_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ w_{m1} & w_{m2} & \dots & w_{mn} \end{bmatrix}$$

Ушбу матрицанинг элементлари ривожланиш йўналишларининг градиентларини ташкил қилади. Моҳиятан олганда, бу градиентлар корхоналар молиявий-иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш ва диагностика қилишнинг устувор йўналишлари ҳисобланади. Градиентлар тизими ва тузилмаси фаолият мақсадлари ҳамда ташқи, ички шарт-шароитлар таъсири остида шаклланадиган иқтисодий вазият билан белгиланади.

Корхоналар молиявий-иқтисодий фаолиятининг аксарият параметрлари миқдор кўрсаткичлари, яъни сон кўринишида ифодаланиши мумкин бўлган ўлчам (катталиқ, қиймат) ёрдамида белгиланади. Бу параметрлар мутлақ ёки нисбий маъно, ўсиш суръатлари, коэффициентлар ва ҳоказолар кўринишини олиши мумкин. Уларнинг умумий хусусияти шуки, улар вақт ўлчамлари ёрдамида ўлчанадиган (динамик, даврийлик хусусиятига эга) жараёнларда поғона-поғона шаклда тасаввур этилади. Бундай хусусиятга эга катталиқлар скаляр (лотинчадан олинган сўз бўлиб, “поғона-поғона” деган маънони беради) катталиқлар деб аталади. Бундай катталиқларнинг қиймати биргина сон ёрдамида ифодаланиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқаришда банд бўлган ходим(ишчи)лар сони, ишлаб чиқаришга сарфланадиган материал ҳамда фондлар сифими ва ҳоказо катталиқлар.

Юқорида айтиб ўтилган катталиқларнинг жамланган ифодаси бир-бири билан ўзаро мазмунан боғлиқ бўлган кўрсаткичларнинг скаляр тизимини (корхоналар молиявий-иқтисодий фаолиятининг скаляр муносабатларини) ифода этади.

Жамланган скаляр муносабатлар моҳиятан корхоналар молиявий-иқтисодий фаолиятининг юзага келишини мониторинг, таҳлил ва таҳхис қилишнинг миқдор кўрсаткичлари воситасида ифодаланувчи характеристикаларини акс эттиради.

Скаляр муносабатлар одатда турларга ажратилади. Корхоналар молиявий-иқтисодий фаолиятининг скаляр муносабатларини акс эттирувчи биринчи тури молиявий-иқтисодий фаолиятга дахлдор бўлган барча маълумотларни атрибутив ва вариацион туркумларга ажратилиши билан характерланади. Бу дегани, скаляр муносабатларнинг биринчи тури атрибутив ва вариацион гуруҳлар ёрдамида яратилиши, скаляр муносабатларнинг вариацион кўрсаткичлари дискрет ёхуд интервал шаклда қурилиши мумкин. Бу хилдаги жараёнлар негизида медиал характеристикаларни кузатиб бўлмайди. Инвестицион потенциалнинг юзага келиши жараёнларини гуруҳларга бўлиб баҳолашнинг вариацион модели ёрқин ифодаланган атрибутив характер касб этади. Бундай ёндашувни биз Ўзбекистон Республикасида чоп этиладиган статистик тўпламларда кўришимиз мумкин<sup>3</sup>. Корхонанинг инвестицион потенциалини баҳолаш мақсадида қўлланиладиган градиент таҳлил жараёнида ҳам худди шундай ёндашув талаб этилади.

Корхоналар молиявий-иқтисодий фаолиятини акс эттирувчи иккинчи турдаги скаляр муносабатлар кенг қўламдаги нисбий катталиклар ёрдамида ўлчанади. Улар инвестицион потенциал генерациясини миқдор кўрсаткичлари воситасида ифодаловчи кийматларнинг аввалдан белгилаб берилган индикаторлар ёки аввалроқ олинган ривожланиш кўрсаткичлари қаторидан коэффицентли ёхуд фоизли шаклларда оғиши даражасини кўрсатади. Корхоналар молиявий-иқтисодий фаолиятининг ўзгаришларини акс эттирувчи ва ўзаро солиштирилиши мумкин бўлган динамик кўрсаткичлардан фойдаланишнинг ўзига яраша қулайликлари бор. Жумладан, улар ёрдамида доимий ва ўзгарувчан индексларнинг катта қўламлардаги умумий синф ва

---

<sup>3</sup>Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2010 год. Ташкент, Госкомстат Республики Узбекистан. 2011.



гуруҳларини тузиш, индивидуал ва агрегатли индексларнинг занжирли ва базисли тизимларини қуриш мумкин.

Вариацион, корреляцион ва регрессион моделларидан фойдаланилганда корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолияти негиздаги ўзига хос скаляр муносабатларни шакллантириш мумкин бўлади. Фойдаланиш учун қулай бўлган Excel-муҳитнинг пайдо бўлишига қадар бу хилдаги баҳолаш тамойили асосан илмий изланишлардагина қўлланилганди. Аммо ҳозирги вақтга келиб, бу услуб ишлаб чиқаришнинг ўсиш жараёнлари генерацияси амалиётида жуда кенг қўлланиладиган бўлди.

Юқорида санаб ўтилган ҳамма турдаги скаляр муносабатлар корхоналар молиявий-иқтисодий фаолияти генерациясининг барча компонентларида мавжуд. Бироқ, скаляр муносабатларнинг сўнгги циклида алоҳида турдаги боғланишлар ҳосил бўлади. Улар корхона молиявий-иқтисодий фаолияти самарадорлигининг параметрларини ифодалайди. Бу иқтисодий фаолиятнинг якуний натижасини кўрсатиб турувчи ўзига хос кўрсаткичлар тизимидир. Шу ўринда бир нарсани эътироф этмоқчимизки, ишлаб чиқариш фаолиятининг нечоғли яхши натижа беришини, унумдорлигини молиявий-иқтисодий фаолиятнинг айрим элементларига асосланиб баҳолаш унчалик тўғри эмас. Корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолиятини унинг натижаларига доир параметрлар бўйича баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки мавжуд шарт-шароитларда меҳнат унумдорлигини максимал даражада ошириш имкониятлари билан пировард натижанинг самарадорлигини уйғунлаштиришга эришилгандагина мазкур фаолиятга ҳар томонлама тўғри баҳо берса бўлади. Корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини скаляр муносабатлар тизими ёрдамида ҳам баҳолаш мумкин.

Скаляр катталиқ (ўлчам)лар билан скаляр муносабатларни бир-биридан фарқлаш керак. Скаляр катталиқ (ўлчам)лар деганда, миқдор кўрсаткичлари назарда тутилади. Скаляр муносабатлар деганда эса, иқтисодий объектнинг ҳолатини, ривожланиш (ҳаракат, фаолият)нинг вақт параметр(ўлчам)лари билан ифодаланувчи қонуният ва тамойилларини, шунингдек, корхонанинг иқтисодий-молиявий фаолиятига таъсир қилаётган

омиллар, сабаб ва натижаларни кўрсатувчи алоҳида белгилар тушунилади.

Корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолиятини акс эттирувчи миқдор ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш, тизимнинг жорий пайтдаги ҳолатини баҳолаш, мавжуд муаммоларни ўрганиб уларнинг ечимини таклиф қилиш скаляр муносабатларни шакллантиришнинг асосий воситаларидир.

### **3.КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ТАШХИСЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Диагностика – ташхис (тизимнинг жорий пайтдаги ҳолатини баҳолаш, мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимини таклиф қилиш) асосида умумийликдан хусусийлик томонга ҳаракатланиш жараёни ётади. Шунга кўра, тизимнинг жорий пайтдаги ҳолатини баҳолаш, мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимини таклиф қилиш механизми тизимлилиқ, интеграллашганлик, комплекслилиқ, мослашувчанлик, мақсадга йўналтирилганлик каби методологик тамойилларга асосланади. Қўйида биз ҳар бир тамойилга қисқача тавсиф бериб ўтмоқчимиз.

*Тизимлилиқ тамойили* корхона молиявий-иқтисодий фаолиятини ташхислашнинг ҳар бир алоҳида йўналишини умумий ривожланиш йўналишлари билан ўзаро боғлаш (мувофиқлаштириш)ни тақозо этади. Бошқача қилиб айтганда, тизимнинг жорий пайтдаги ҳолатини баҳолаш, мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларнинг ечимини таклиф қилиш учун, албатта корхонанинг умумий ривожланиш тамойиллари натижаларни ўрганиб чиқиш керак бўлади. Нега деганда, ривожланишнинг бирон-бир параметрида юз берадиган ўзгаришлар пировард натижада бошқа кўрсаткичларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун диагностика натижалари иқтисодий жараён (элементлар)ларни ўзаро алоқадорликда ўрганиб, уларнинг бир-бирига кўрсатадиган таъсири самарасини эътиборга олиши зарур.

*Интеграллашганлик тамойили* корхона молиявий-иқтисодий фаолиятига алоқадор бўлган турли маълумотларни


корхонани ривожлантиришнинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш учун турли муқобил вариантлардан фойдаланиш имкониятини берувчи модификацияни танлаб олиш мақсадида умумлаштирилишини англатади.

**Комплекслилик тамойили** корхона молиявий-иқтисодий фаолиятига миқдор ва сифат кўрсаткичлари ёрдамида тавсиф беришнинг ўзига хос механизмини ифода этади ва моҳият негизига кўра, корхонанинг самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатаётган кўпчилик омилларни, шу жумладан, хусусий омилларни ҳам эътиборга олишга имкон беради.

**Мослашувчанлик тамойили** ривожланишнинг стратегик режаси ва бошқарув қарорларини вазиятга мос равишда ўзгартириш имкониятини қўлга киритиш мақсадида, корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолиятини ташхислаш ҳамда олинган натижаларни умумлаштириш жараёнларининг мунтазам равишда мониторинг қилинишини англатади. Бошқача қилиб айтганда, диагностикалаш жараёнида масалага алоқадор бўлган маълумотлар банкини шакллантириш давомида иқтисодий тизим амал қилаётган ташқи муҳитдаги ўзгаришларни эътиборга олиш талаб қилинади.

**Мақсадга йўналтирилганлик тамойили** амалда диагностикалаш объектини аниқ чегаралашни, фаолиятнинг конкрет мақсадга йўналтирилишини, чиқариладиган хулосаларнинг аниқ ва лўнда бўлишини таъминлашни англатади. Бир сўз билан айтганда, диагностикалаш аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши лозим.

Шу ўринда муҳим бир масалага эътиборингизни жалб этмоқчимиз. Иқтисодий диагностика моҳиятан иқтисодий таҳлилга яқин туради, аммо улар айнан ўхшаш эмас, уларнинг ўртасида ўзига хос фарқлар мавжуд. Ҳар икки жараён бир-биридан мақсади, вазифалари, қўлланиладиган воситалари билан фарқланади. Иқтисодий таҳлил операцияси объектнинг ривожланишида миқдор кўрсаткичлари воситасида ўрганилиши мумкин бўлган параметрларни, шу билан бирга турли параметрларнинг меъёридан оғиши даражаси ва хусусиятларини аниқлашга йўналтирилган.



**10-расм. Корхона молиявий-иқтисодий фаолиятини диагностикалашнинг мақсад ва услублари ҳамда корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш схемаси.**

Диагностикалаш деганда, илмий жихатдан ўрганилаётган объектнинг ҳолати ҳақидаги умумлаштирилган хулоса тушунилади. Бундай хулоса объектга алоқадор бўлган турли хил маълумотларни тўплаш, уларни таҳлил қилиб, сўнгра синтезлаш ҳамда ўзаро таққослаш асосида чиқарилади. Шундай қилиб, айтишимиз мумкинки, фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида амалга ошириладиган диагностикалаш жараёнининг асосида барча жараён ва ҳодисаларни илмий жихатдан ўрганиш учун хизмат қиладиган таҳлил қилиш услуби ётади. Бундан чиқди, корхона молиявий-иқтисодий фаолиятини диагностикалаш — таъхислашнинг асосини иқтисодий таҳлил услуби ташкил қилади.

Илмий таҳлил услуби моҳиятан серқирра жараён бўлиб, ундан амалий фаолиятнинг турли соҳаларида, шу жумладан, молиявий-иқтисодий соҳада ҳам бирдек фойдаланиш мумкин. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб жоизки, бизнес юритиш соҳасида айнан молиявий масалалар билан боғлиқ вазиятларни ва бошқарув қарорларининг қабул қилиниши жараёнларини таҳлил қилиш ўта муҳимдир.

Иқтисодий таҳлил иқтисодий тизим(лар) фаолиятини йўлга қўйиш жараёнларининг устувор ва муҳим элементи ҳисобланади. Бизнес фаолиятини бошқариш эҳтиёж (мақсад)ларидан келиб чиқиб, иқтисодий таҳлилнинг қуйидаги шакллари фарқлаш мумкин (1-жадвалга қаранг).

Амалиётда иқтисодий таҳлилнинг алоҳида олинган услубларидан фойдаланиш ҳоллари кам учрайди. Корхона фаолиятини амалга ошириш давомида қабул қилинаётган бошқарувчилик қарорларини асослаш учун иқтисодий таҳлилнинг турли усулларидан фойдаланилади. Масалан, эркин бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг иқтисодий фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ички ва ташқи муҳит шарт-шароитлари жуда тез ўзгариб туради. Шунинг учун бундай шароитларда оператив таҳлил услубидан фойдаланиш тўғрироқ ҳисобланади.

## Иқтисодий таҳлил услубларининг таснифи

Таснифлаш учун хизмат қилган белгилари	Иқтисодий таҳлил шакли
<b>Таҳлил қилиш услубларининг бошқарув функцияларига кўра таснифланиши</b>	
Информацион таъминот даражаси бўйича	- ички фаолият (бошқарув) учун зарур таҳлил - ташқи (молиявий) таҳлил
Бошқарув фаолиятининг мазмун-моҳиятига алоқадорлиги бўйича	перспектив (олдиндан қилинадиган) таҳлил; ретроспектив (кейинчалик қилинадиган) таҳлил; оператив таҳлил; яқиний таҳлил.
Бошқарув объектларининг характери бўйича:	кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни босқичларига қараб, гармоқлар бўйича қилинадиган таҳлил; корхоналарнинг фаолияти бўйича қилинадиган таҳлил; ишлаб чиқариш жараёни ва ишлаб чиқариш мусобабатларининг таркибий элементлари бўйича қилинадиган таҳлил.
<b>Таснифлашнинг бошқа хиллари</b>	
Таҳлил жараёнининг субъектлари бўйича	Қорхона раҳбарияти ва иқтисодий хизмат бўлимларининг топшириғи бўйича қилинадиган таҳлил; Мулк эгалари ва бошқарув органларининг топшириғи бўйича қилинадиган таҳлил; Контрагентлар (таъминотчи, харидор, кредит ва молия органлари) топшириғи бўйича қилинадиган таҳлил
Даврийлиги бўйича	йиллик таҳлил; чорак бўйича таҳлил; ойлик таҳлил; декада бўйича таҳлил; кундалик таҳлил.
Таҳлил қилиш жараёнида урганиладиган масалаларнинг мазмун-моҳияти ва тўлиқлиги даражаси бўйича	тўлиқ (асосли) таҳлил; локал таҳлил; мавзуй таҳлил
Объектни ўрганish (кузатиш) услублари бўйича	комплектланган (жамланган) таҳлил; тизимлаштирилган таҳлил; ўзаро таққослаш принципіга асосланган таҳлил; объектлар ёппасига олиб қилинадиган таҳлил; объектлар танлаб олиб қилинадиган таҳлил.
Жараёнларнинг автоматлаштирилганлик даражаси бўйича	компьютер технологияларидан фойдаланиб қилинадиган таҳлил; компьютер технологияларидан фойдаланмасдан қилинадиган таҳлил.

Бу услубнинг фарқи жиҳатлари жумласига комплекслилик, тезкор маълумотлар оқимини компьютер техникаси воситасида қайта ишлаш, натижалардан корхонанинг алоҳида ўзига хос вазифа бажарувчи ҳар бир йўналиши доирасида мақсадли фойдаланиш киради.

Иқтисодий таҳлил услубининг ўзига хос характери белгилари қуйидагилардан иборат:

-корхоналарнинг хўжалик фаолиятини ҳар томонлама тавсифлаб берадиган кўрсаткичлар мажмуини аниқлаб олиш;

-белгиланган мақсадга эришиш йўлида фаолиятнинг натижасига таъсир кўрсатувчи жами омилларни ва уларга таъсир кўрсатувчи асосий ҳамда қўшимча омилларни белгилаб олиш ва шу асосда турли кўрсаткичларни бир мақсадга бўйсундириш;

-турли омиллар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик кўринишларини аниқлаб олиш;

-ўзаро алоқадорлик муносабатларини ўрганиш йўллари ва услубларини танлаб олиш;

-умумлаштирилган (жамланган) кўрсаткичга таъсир этувчи омилларни миқдор кўрсаткичлари ёрдамида белгилаш (ифодалаш).

Жаҳон иқтисодий амалиётида корхоналарнинг хўжалик юритиш фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишнинг турли услубларидан фойдаланилади. Айтайлик, ишлаб чиқариш турли хом ашёлар билан қай даражада таъминланганлигини аниқлаш зарур бўлса, уларга нисбатан қандай эҳтиёжлар мавжудлигини ва ушбу эҳтиёжларни қондириш учун қандай манбалар борлигини ифодаловчи, яъни, баланслаштирилган кўрсаткич (у зарур хомашёнинг камомади ёхуд аксинча, унинг керагидан ортиқлигини кўрсатади) аниқланади. Баланслаштириш услуби иқтисодий таҳлилнинг асосий бўлмаган, яъни қўшимча воситаси ҳисобланади. Амалиётда ундан иқтисодий фаолиятнинг якуний натижасини акс эттирувчи умумлаштирилган (жамланган) кўрсаткичга таъсир қилувчи турли омилларнинг таъсир самараси билан боғлиқ ҳисоб-китобларни текширишда фойдаланилади.

Агар иқтисодий фаолиятнинг якуний натижасига турли омилларнинг таъсири туфайли юзага келган қиймат асос ҳисобланган қийматдан ўзгарганлиги аниқланса, демак, ҳисоб-

китоблар тўғри амалга оширилган ҳисобланади. Ҳар иккала кўрсаткич ўртасидаги тенгсиз ифода иқтисодий фаолиятнинг якуний натижасига таъсир кўрсатаётган турли омиллар яхши ўрганилмагани ёхуд ҳисоб-китобларда қандайдир хатоликка йўл қўйилганидан дарак беради.

Баланслаштириш услуби якуний натижа кўрсаткичларининг ўзгаришига таъсир этган алоҳида омилларнинг таъсир кўламини, миқдорини аниқлаш мақсадида ҳам қўлланилади.

Масалани график йўл билан ечиш услуби иқтисодий таҳлил тизимида мустақил элемент сифатида эмас, балки амалга оширилган ҳисоб-китобларга ёндошувнинг кўшимча шакли тарзида ишлатилади.

Индексларни қайта ҳисоблаш ёки иқтисодий фаолиятнинг бирон-бир кўрсаткичини, масалан, тайёр маҳсулот ҳажмини қиймат шаклида ифодаловчи вақт ўлчамларини белгилаш орқали ҳам фаолиятнинг динамик хусусиятли жараёнларини таҳлил қилиш мумкин.

Корхонанинг ҳўжалик юритиш фаолияти билан боғлиқ барча кўриниш ва жараёнлар ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд. Бу ҳилдаги муносабатларнинг баъзилари бир-бири билан бевосита, бошқалари эса билвосита боғлангандир. Бундан шу нарса келиб чиқадики, методологик нуқтаи назардан олганда, иқтисодий таҳлил жараёнларида аниқланиши лозим бўлган иқтисодий кўрсаткичлар қийматига таъсир этувчи турли омилларнинг таъсир самарасини ўрганиш ва ҳисоблаб чиқариш жуда муҳим.

#### **4. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МАҲСУЛОТНИ СОТИШ ҲАЖМИНИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ**

Ишлаб чиқариш дастурини иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш жараёнлари қуйидаги схема бўйича амалга оширилади:

- таҳлил қилинаётган даврдаги асл, ҳақиқий кўрсаткичларни белгиланган режадаги ёхуд ўтган даврлардаги худди шундай кўрсаткичлар билан ўзаро таққослаш;



-бажарилган ишларнинг сифати (даражаси)га алоҳида омилларнинг таъсирини ҳамда объектдаги ўзгаришларни келтириб чиқарган шарт-шароитлар, сабабларни аниқлаш;

-аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаб олиш.

Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларининг қандай бораётганидан дарак берувчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш схемаси II-расмда кўрсатилган (расмга қаранг).

Ишлаб чиқариш дастурини иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш жараёнлари одатда, қуйидаги кўрсаткичлар воситасида амалга оширилади:

-ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жорий давр учун белгиланган ва ўзаро таққослаш мумкин бўлган нархларда ифодаланувчи ҳажми;

-ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг натурал кўринишда ифодаланувчи ҳажми;


-реализация қилинган тайёр маҳсулотларнинг ҳажми;

-ишлаб чиқаришда банд бўлган персонал, шу жумладан, ишчиларнинг сони.

-меҳнат унумдорлиги.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини таҳлил қилиш учун одатда №1 “Корхонанинг бухгалтерлик баланси” (1-илова), №2 “Молиявий фаолият натижалари бўйича ҳисобот” (2-илова), №5с “Корхонанинг иқтисодий сарф-харажатлари бўйича ҳисобот” (4-илова), шунингдек, тайёр маҳсулотларнинг ҳаракатланишини (уларни жўнатиб юбориш, реализация қилиш, омборхонада сақланаётган тайёр маҳсулотларни қайд этиб бориш ва ҳоказо операцияларни) ҳисобга олувчи бухгалтерлик ва статистик ҳисоботлардан олинадиган маълумотлардан фойдаланилади.

Умуман олганда, корхоналар ўзининг иқтисодий фаолияти йўналишини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг истеъмолчилари, моддий-техник ресурсларни етказиб берувчилар билан тузиладиган шартномалардан келиб чиқиб мустақил равишда белгилашади. Корхонанинг ривожланиш истиқболларини ҳам худди шундай мустақил равишда, ишлаб



**11-расм. Ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш схемаси.**

чиқарилаётган маҳсулот (хизмат, иш)ларга нисбатан мавжуд талабдан келиб чиқиб режалаштиради. Нима бўлганида ҳам, корхоналар ўзининг иқтисодий фаолиятини олиб бориши давомида потенциал истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва товар (хизмат)ларнинг сифатига нисбатан илгари суриладиган асосий талабларни эътиборга олишга мажбурдирлар. Шу сабабдан

саноат корхоналарининг иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш жараёнларини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўрсаткичларини ўрганишдан бошлайдилар. Бу каби операциялар қуйидаги тўрт босқичдан иборат бўлади:

1. Ишлаб чиқариш дастурининг шакллантирилиши ва амалда бажарилишини таҳлил қилиш. Бунинг учун, ўз навбатида қуйидаги шартлар бажарилиши керак: маҳсулотлар ҳажмини, ассортиментини ва тузилишини таҳлил қилиш.

2. Маҳсулотлар сифатини таҳлил қилиш.

3. Ишлаб чиқариш жараёнининг бир маромда кечиши ё кечмаслигини.

4. Шартномавий муносабатларнинг бажарилиши ҳамда тайёр маҳсулотларнинг реализациясини таҳлил қилиш.

Энди ушбу босқичларни бирма-бир кўриб чиқамиз.

#### **4.1. Ишлаб чиқариш жараёни ҳамда тайёр маҳсулотларнинг реализациясини таҳлил қилиш**

##### ***4.1.1 Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг таҳлили***

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажми натурал, шартли-натурал ва статистик кўрсаткичларда ифодаланиши мумкин. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг умумлаштирилган кўрсаткичларини қиймат кўрсаткичлари ёрдамида, одатда улгуржи нархларда белгилашади. Товар ва ялпи маҳсулотлар кўрсаткичлари ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини ифода этувчи асосий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг динамик ўзгаришларини таҳлил қилиш жараёнида натурал (дона, метр, тонна ва ҳоказо), шартли-натурал (шартли банклар миқдори, шартли равишда белгиланадиган таъмирлаш ишларининг миқдори ва ҳоказо), ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг қиймат ифодаси каби кўрсаткичлар қўлланилади. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг қиймат ифодаси кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқроқ, деб ҳисоблаймиз.

Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг қиймат ифодаси кўрсаткичларидан амалда фойдаланиш учун уларни ўзаро такқослаш мумкин бўладиган ҳолга келтириш зарур. Инфляция шароитларида нархлар ўзгариши жараёнларини ёки "қиймат" омилини ҳолислаштириш (нейтрал ҳолга келтириш) қиймат ифодаси кўрсаткичларидан амалда фойдаланиш учун уларни ўзаро такқослаш имкониятини яратиб беради. Бухгалтерия ҳисоботининг объектларини баҳолаш натижасида кўрсаткичларни ўзаро такқослаш мумкин бўлади. Бунда турли кўрсаткичлар бир хил харид қувватига эга бўладиган пул бирликларида ифодаланиб, улар миллий валюта инфляциясининг умумий индексига мос равишда ёхуд муайян товар ёки товарлар гуруҳига нисбатан белгиланадиган индивидуал нархлар индексини қўллаш ҳисобига бухгалтерия ҳисоботи объектларининг қиймат ифодасини жорий даврдаги нархларга мослаштириш орқали белгиланади. Иккинчи услубдан фойдаланилганида жорий ҳисобот йили давомида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳажмининг қиймат ифодасини бошланғич даврда тайёрланган худди шу турдаги маҳсулотларнинг нархларига ёки режага мувофиқ белгиланадиган нарх кўрсаткичларига (масалан, нисбатан кам ҳажмли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилганида) тенглаштириш керак бўлади.

## 2- жадвал

### Товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича тузилган режанинг бажарилиши

Ишлаб чиқарилган маҳсулот	Ишлаб чиқариш ҳажми (млн.сўмда)			Белгиланган режанинг ўтган йилги кўрсаткичлардан олтин даражаси (млн.сўмда)		Амалда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг олтин даражаси			
	ўтган йилда	жорий ҳисобот йилида		суммаси	%	режадан		ўтган йилги кўрсаткичлардан	
		вазифа (режа)	амалда			суммаси	%	суммаси	%
А	1558.3	1584.0	1386.0	+25.7	101.6	-198	87.5	-172.3	88.9
Б	2150.8	2217.6	2195.4	+66.8	103.1	-22.2	99.0	+44.6	102.1
С	1562.7	1641.6	1982.2	+78.9	105.0	+340.6	120.7	+419.5	126.8
Жами.	5271.8	5443.2		-171.4	103.3	+120.4	102.2	+291.8	105.5

Товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича тузилган режанинг бажарилишини таҳлил қилиш операцияси юқорида келтирилган 2-жадвалдаги тартиб бўйича амалга оширилади (жадвалга қаранг).

Келтирилган мисолда амалда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг оғиш даражасини ифода этувчи кўрсаткич билан режалаштирилган кўрсаткич унчалик фарқланмайди (5.5% ва 2.2%). Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини оператив тарзда таҳлил қилиш жараёнлари бир кунлик. Ун кунлик, бир ойлик, уч ойлик (чорак) маълумотлар асосида тайёрланиб, шу тарика йилнинг бошидан бошлаб даврийлиги ўсиб бораверади.

#### **4.1.2. Маҳсулотлар номенклатураси ва ассортименти таҳлили**

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажмини ассортиментга қараб баҳолаш номенклатурага киритилган асосий маҳсулотлар турларининг режага кўра ва амалда бажарилишини ифода этувчи кўрсаткичларни ўзаро солиштириш асосида бажарилади. Буни куйида келтирилган 3-жадвал маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.

#### **3-жадвал**

#### **Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажмини ассортиментга қараб баҳолаш (натурал бирликларда)**

Ишлаб чиқарилган маҳсулот	Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш		Режанинг бажарилиши (%да)	Ассортимент бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳисобига ёзилган товарлар		
	режа бўйича	амалда		миқдори	бир дона маҳсулотнинг нархи (сўмда)	жами маҳсулотларнинг умумий қиймати (млн. сўмда)
А	28800	25200	87,5	25200	55	1386,0
В	33600	33264	99,0	33264	66	2195,4
С	19200	23176	120,7	19200	85,5	1641,6
Жами:	81600	81640	100,05	77664		5223,0

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажмини ассортиментга қараб баҳолаш операцияси қуйидаги усуллар ёрдамида бажарилиши мумкин:

- энг кам фоиз кўрсаткичини аниқлаш орқали (биз кўриб чиқаётган ҳолатда бу кўрсаткич 87.5% ни ташкил қилади);
- тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш режасига кўра амалда бажарилган ишлар ҳажмига қараб, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар умумий рўйхатидаги солиштирма оғирлик кўрсаткичи бўйича ( $23176 \times 100 : 81640 = 28.4\%$ );
- қуйидаги формулада келтирилган ўртача фоиз қийматини аниқлаш усули ёрдамида:

$$ВП_a = ВП_n : ВП_o \times 100\%, \quad (1)$$

бу формулада  $ВП_a$  – фоиз кўрсаткичларида ассортимент бўйича режанинг бажарилишини,  $ВП_n$  – ҳар бир турдаги тайёр маҳсулотнинг амалда ишлаб чиқарилган йиғиндисини (режада кўрсатилган кўрсаткичлардан ошмаслиги лозим),  $ВП_o$  – маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича режа кўрсаткичларини ифодалайди.

Биз юқорида кўриб чиққан мисолга қайтадиган бўлсак,

$$ВП_a = 77664 : 81600 \times 100\% = 95.2\% \text{ ҳосила чиқади.}$$

Шу ўринда таъкидлашимиз жоизки, режадан ташқари ишлаб чиқариладиган ёхуд режага киритилмаган маҳсулотлар ассортимент ҳисобига киритилмайди. Ассортимент бўйича иш режаси бажарилган ҳисобланиши учун режада кўрсатилган барча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиши шарт.

Ассортимент бўйича белгиланган режа-вазифалар ташки (масалан, бозор конъюнктурасининг, алоҳида турдаги товарларга нисбатан талабнинг ўзгариши, объектив сабабларга кўра ишлаб чиқариш қувватларининг ўз вақтида ишга туширилмаслиги) ва ички (масалан, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш тизимида аниқланадиган камчиликлар, техник ускуналарнинг ишга яроқсиз ҳолга келиши ва ҳоказо) шарт-шароитлар туфайли бажарилмай қолиши мумкин.

### 4.1.3. Тайёр маҳсулотнинг таркибини таҳлил қилиш

Тайёр маҳсулотларнинг таркибий тузилиши бўйича иш режасини бажариш деганда, ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тузилиши (ассортименти)да белгиланган айрим турдаги товарлар гуруҳи ўртасидаги ўзаро нисбатни таъминлаш тушунилади. Режада белгиланган айрим турдаги товарлар гуруҳини ишлаб чиқариш топшириқларининг бир текисда бажарилмаслиги товарлар структурасининг бузилишига олиб келади. Оқибатда, бу ҳол барча иктисодий кўрсаткичларни бири-бирига ўзаро таққослаш имконини йўққа чиқаради.

Тузилмавий ўзгаришларнинг турли иктисодий кўрсаткичларга таъсирини бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни барча кўрсаткичлар бўйича тўғридан-тўғри (бевосита) ҳисоб-китоб қилиш, ўртача нархларни аниқлаш ва бошқа шу каби услублардан фойдаланилади.

Ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотлар кўрсаткичлари бўйича тўғридан-тўғри (бевосита) ҳисоб-китоб қилиш операцияси қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$ВП_c = ВП_1 : ВП_{1,0} \quad (2)$$

бу формулада  $ВП_c$  – тузилмавий ўзгаришлар туфайли ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар ҳажмининг ўзгаришини,  $ВП_1$  – аниқ тузилмавий шароит ҳолатида ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини,  $ВП_{1,0}$  – режалаштирилган тузилмавий шароит мавжуд бўлган ҳолатда ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини ифодалайди.

Белгиланган режага мувофиқ, ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми маҳсулотларнинг ҳар бир турига, гуруҳига доир алоҳида тузилган режа кўрсаткичларини маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўртача фоизли кўрсаткичига кўпайтириш орқали ҳисобланади (4-жадвал).

## Маҳсулотлар структурасини таҳлил қилиш

Маҳсулот	1 дона гайер маҳсулотнинг нархи (сўм)	Нагунал кўрсаткичларда инфодаланган ишлаб чиқариш ҳажми		маҳсулот ишлаб чиқаришнинг режада кўрсатилган нархлар буйича белгиланган ҳажми (млн.сўмда)			тузилмавий ўзгаришлар сабабли ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмининг ўзгариши
		режа буйича	ҳақиқатан бажарилган	режа буйича	режадаги вазифа нисбатан факт буйича қайта ҳисоблаб чиқилган миқдор (киймат)	ҳақиқатан бажарилган	
1	2	3	4	5	6	7	8= 7-6
A	55	28800	25200	1584,0	1584,8	1386,0	-198,8
B	66	33600	33264	2217,6	2218,7	2195,4	-23,3
C	85,5	19200	23176	1641,6	1642,4	1982,2	+339,8
<i>жами:</i>		81600	81640	5443,2	5445,9	5563,6	-117,7

Иш режасининг ошириб бажарилиш коэффициенти 1,0005 (81640:81600)га тенг бўлса, у ҳолда А гуруҳидаги тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқатан ишлаб чиқарилган умумий ҳажми режалаштирилган структурага мослаб қайта ҳисоблаб чиқилганида 1584,8 (1584,0:1,0005) млн. сўми, В гуруҳидаги тайёр маҳсулотларники – 2218,7 млн.сўми, С группасидаги тайёр маҳсулотларники – 1642,4 млн.сўми ташкил қилади. 4-жадвал маълумотлари кўрсатишича, тузилмавий ўзгаришлар сабабли ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмининг ўзгариши 117,7 млн.сўми ташкил қилгани аниқланади.

#### 4.1.4. Маҳсулотлар сифатининг таҳтили

Таҳлил жараёнида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатини таърифловчи кўрсаткичлар (масалан, режаланган топшириқлар уларнинг даражасига қараб бажарилиши, ўзгаришлар сабабларини ўрганиш ва ҳоказо) динамикаси ўрганилади.



Маҳсулотлар сифатини таҳлил қилиш жараёнлари билан боғлиқ режа топшириқларнинг бажарилишини умумлаштирилган тарзда баҳолаш учун турли услублардан фойдаланилади.

Сифатсиз, яъни қусурли маҳсулотлар ҳамда ҳаддан ортик реклама қилинган маҳсулотларнинг солиштирма оғирлигига қараб топшириқнинг қандай бажарилганини баҳолаш услуби кенг қўлланилади.

Яроқсиз маҳсулотларни саралаш чоғида уларни тузатса бўладиган ва тузатиб бўлмайдиган, шунингдек, ички (корхонада аниқланган) ва ташқи (товар истеъмолчига етказилганидан кейин аниқланган) шароитларда яроқсиз ҳолга келганига қараб гуруҳларга ажратилади. Яроқсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш пировард натижада товарлар таннархининг ошишига ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг, соф фойда ва рентабелликнинг камайиб кетишига олиб келади.

Маҳсулотлар сифатини таҳлил қилиш жараёнида яроқсизга чиқарилган маҳсулотлар динамикасини уларнинг абсолют суммаси (умумий сони) ҳамда ишлаб чиқарилган товарларнинг умумий ҳажмидаги солиштирма оғирлигига қараб ўрганилади. Шундан кейин яроқсиз маҳсулотларнинг умумий ҳажмига қараб кўрилган моддий талафотлар аниқланади.

Энди истеъмолга яроқсиз бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда қусурларни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ бўлган моддий талафотларни ҳисоблаб чиқиш учун нималар қилиниши лозимлиги ҳақида сўз юритамиз. Бунинг учун куйидаги маълумотларни аниқлаб олиш керак:

1. Яроқсиз деб топилган товарларнинг умумий таннархини аниқлаш. Айтайлик бу қиймат – 50 млн. сўмни ташкил қилди.

2. Яроқсиз маҳсулотларни тузатиш учун қилинадиган сарф-харажатлар қийматини аниқлаш. Айтайлик бу қиймат – 8.0 млн сўмни ташкил қилди.

3. Яроқсиз деб топилган товарларни тузатмасдан нисбатан арзон нархларда сотиш ҳисобига олинадиган пул миқдорини аниқлаш. Айтайлик бу қиймат – 15.0 минг сўмни ташкил қилди.

4. Яроқсиз маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишида айбдор, деб топилган шахслардан ундириб олинадиган қийматни аниқлаш. Айтайлик бу қиймат – 10 млн. сўмни ташкил қилди.

5. Яроксиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш туфайли кўриладиган моддий талафотлар қийматини аниқлаш. Бунинг учун куйидаги амалларни бажариш керак: 1 банд + 2 банд – 3 банд – 4 банд = 33 млн. сўмни ташкил қилади.

Яроксиз маҳсулотлар туфайли кўриладиган моддий талафотлар ҳажмини аниқлаш учун ҳолат бўйича аниқланадиган рентабеллик даражасини билиш зарур. Айтайлик, бизнинг ҳолатимизда ишлаб чиқарилган товар маҳсулотларининг умумий қиймати жорий давр учун белгиланган нархларда 5563.6 млн. сўмни, уларнинг тўлиқ таннархи эса 3471.5 млн. сўмни ташкил қилади. У ҳолда факт бўйича аниқланадиган рентабеллик даражаси  $(5563.6 - 3471.5) : 3471.5 \times 100 = 19.9$  млн. сўм бўлади.

Шундан кейин ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар сифатининг пасайиб кетиши сабаблари ўрганилади ва йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланади.

Истеъмолга яроксиз маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишига асосан сифатсиз хом ашёларнинг ишлатилиши, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш технологияси, ишчилар касбий малакасининг паст даражада бўлиши, техник ускуналар сифатининг пастлиги, ишлаб чиқариш жараёнларининг бир маромда эмаслиги каби шарт-шароитлар сабаб бўлади.

#### ***4.1.5. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларида иш маромини таҳлил қилиш***

Ишлаб чиқариш жараёнлари бир маромда кечмаса, бу ҳол барча иқтисодий кўрсаткичларга бирдек салбий таъсир кўрсатади. Жумладан, тайёр маҳсулотларнинг сифати пасаяди, тўлиқ тугалланмаган ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда омборхонада сақланаётган тайёр маҳсулотларнинг ҳажми кўзланганидан ортик даражада ошади, корхонанинг айланма маблағлари ҳаракатланиши анча сусаяди. Бундан ташқари, корхона тайёр маҳсулотларни ўз вақтида етказиб беролмагани учун жарималар тўлайди, тушумлар ўз вақтида тушмайди, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратиладиган маблағларнинг

салмоғи ошиб кетади, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг таннархи ошади. соф фойда камайиб кетади.

Ишлаб чиқариш жараёнлари бир маромда кечяптими ёки йўқми, буни билиш учун маромлилик коэффициенти кўрсаткичидан фойдаланилади (Крит.) Уни аниқлаш учун ҳақиқатдан ишлаб чиқарилган (аммо, режаланган ҳажмдан ошмаслиги керак) маҳсулотларнинг умумий ҳажми (ёки унинг солиштирама оғирлиги)ни –  $ВВП_{1,0}$  режаланган тайёр маҳсулотлар ҳажми (уларнинг солиштирама оғирлиги)га –  $ВВП_0$  бўлиш зарур. Шунда қуйидаги формула ҳосил бўлади:

$$Крит. = \frac{ВВП_{1,0}}{ВВП_0} \quad (3)$$

Коэффициентни ҳисоблаб чиқариш учун 3-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланамиз. Олинган маълумотлардан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, ассортимент бўйича белгиланган режа ва мажбуриятларнинг бажарилиши ҳисобига киритилган кўрсаткич 77664 бирликни ташкил қилиши, режа бўйича эса 81600 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши лозимлиги маълум бўлади. 3-формулага мувофиқ маромлилик коэффициентини ҳисоблаб чиқарсак –  $77664:81600 = 0.95$  ҳосил бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг бир маромда кечишидан билвосита дарак бераётган бир қатор белгилар мавжуд. Улар жумласидан иш вақтидан ташқари бажариладиган ишлар учун қўшимча ҳақ тўланиши, корхона айби билан иш тўхтаб қолган вақтларда меҳнатга ҳақ тўланиши, яроксиз маҳсулотларнинг ўрни қопланиши, тайёр маҳсулотларни режаланган миқёсда етказиб бермаганлик ва тайёр маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бермаганлик учун жарималар тўланишига оид маълумотлар шундай маълумотлар жумласига киради.

Ишлаб чиқариш тизимининг маромини таҳлил қилиш жараёнида корxonанинг ишлаб чиқариш бўйича бой берилган имкониятларини ҳам ҳисобга олиш керак. Бунинг учун қуйидаги амалларни бажариш зарур:

а) режага кўра ишлаб чиқарилиши шарт бўлган маҳсулотлар қиймати билан режалаштирилган миқдор ҳисобига қўшиб ҳисобланадиган тайёр маҳсулотлар умумий қиймати ўртасидаги

тафовутни ҳисоблаб чиқариш. Бизнинг ҳолатимизда бу кўрсаткич  $5443.2 - 5223.0 = 220.2$  млн.сўмни ташкил қилади;

б) ҳақиқатан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий киймати билан кутилаётган натижаси ўртасидаги тафовутни ҳисоблаб чиқариш. Бу ўринда ишдан кутилаётган натижа ўрнида ўртача кунлик (ўртача ўн кунлик) ишлаб чиқариш жараёни давомидаги энг кўп миқдор ҳисобга олинади. Масалан, ўртача кунлик (ўртача ўн кунлик) ишлаб чиқариш жараёни давомидаги энг кўп миқдорли ишлаб чиқаришнинг режага кўра белгиланадиган умумий ҳажми 15.120 млн. сўмни (5443.2:360) ташкил қилади, дейлик. У ҳолда ҳақиқий аниқланган ўртача суткалик ишлаб чиқариш ҳажми 15.454 млн.сўмни (5563.6:360) ташкил қилиши маълум бўлади. Шундай қилиб, ўртача суткалик ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобига қўшимча равишда ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотларнинг умумий ҳажми 120.4 млн.сўмни ташкил қилиши (5.563.6-5443.2 ёки 15.454 - 15.120) аниқланади.

Демак, юқорида кўрсатилган ҳар икки омилнинг таъсири туфайли ишлаб чиқаришнинг бир маромда кечиши натижасида кузатиладиган ўзгаришлар туфайли кўриладиган моддий талафотлар 99.8 млн.сўмни (220.2-120.4) ташкил қилиши маълум бўлади.

Юқорида келтирилган мисолда корхонанинг умумий ишлаб чиқариш ҳажми 2.0 млн. сўмга пасайиб кетганлигини кўришимиз мумкин. Бунга куйидаги шарт-шароитлар сабаб бўлган:

- амалда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар ассортиментини режада белгиланган ассортимент тузилишидан фарқли ўлароқ ўзгартириб, ишлаб чиқариш ҳажмини 117.7 млн.сўмга оширилганлиги;

- яроқсиз деб топилган маҳсулотлар ҳисобига ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг умумий ҳажми 19.9 млн. сўмга камайиб кетганлиги;

- ишлаб чиқариш тизимининг фаолияти бир маромда кечмаганлиги боис ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг умумий ҳажми 99.8 млн. сўмга камайиб кетганлиги.

#### **4.1.6. Шартнома мажбуриятларини бажариш ва маҳсулотларни сотишни таҳлил қилиш**

Тайёр маҳсулотларни реализация қилиш, яъни сотишни таҳлил қилиш жараёни шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таҳлил қилиш жараёни билан узвий боғлиқдир. Шартнома мажбуриятларининг бажарилиши коэффиценти ( $K_{ш}$ ) куйидаги йўл билан аниқланиши керак:

$$K_{ш} = (ВП_0 - ВП_n) : ВП_0, \quad (4)$$

Бу формулада  $ВП_0$  – шартномалар тузилиши учун белгилаб олинган маҳсулотларнинг умумий ҳажмини,  $ВП_n$  – шартнома талабларидан келиб чиқиб етказиб берилмаган маҳсулотларнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

Мисол учун оладиган бўлсак, барча тузилган шартномалар бўйича ишлаб чиқарилиши лозим бўлган тайёр маҳсулотларнинг ҳажми 5443.2 млн. сўмни, айрим шартномалар бўйича етказиб берилмаган маҳсулотларнинг умумий ҳажми эса 340 млн. сўмни ташкил қилсин. У ҳолда 4-формула бўйича ҳисоблаб чиқариладиган шартнома мажбуриятларининг бажарилиш коэффиценти  $[(5443.2 - 340) : 5443.2 = 0.94]$  эканини аниқлаймиз.

Шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таҳлил қилиш жараёнлари алоҳида олинган шартномалар бўйича маҳсулотларнинг турлари, тайёр маҳсулотларни етказиб бериш нуқтаи назаридан амалга оширилади. Бунда шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таҳлил қилиш жараёнлари динамик тарзда, яъни ҳисобот йилининг бошидан бошлаб ўсиб боровчи қиймат бўйича баҳоланади.

Тайёр маҳсулотларнинг сотилишини таҳлил қилиш ойлик, уч ойлик (ҳар чорак), ярим йиллик ва йиллик ҳисоботлар тарзида амалга оширилади. Бу амалиётни бажариш давомида аниқ маълумотларни кўзда тутилган режалардаги ёки ўтган даврдаги кўрсаткичлар билан солиштириш керак. Бунда юз берган ўзгаришларнинг абсолют оғиш даражаси, ўсиш сурьятларининг фоззли қиймат ифодаси ҳисоблаб чиқилади.

Режаланган вазифаларнинг амалда бажарилиши ёки ўсиш (пасайиш) кўрсаткичларини ўтган йилдаги кўрсаткичларга нисбатан ўзгаришларини таҳлил қилиш корхонанинг молиявий барқарорлиги учун талаб этиладиган муҳим шартлардан биридир. Бу операцияларни амалда бажариш учун қуйида келтирилган 5-жадвалга муурожаат қилинг.

### 5-жадвал

#### Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш динамикаси

Кўрсаткичлар	Ҳисобот йили учун		Ўтган йилнинг худди шундай даври учун	Ўсиш суръатлари	
	Амалдаги нархларда	Ўзaro солиштириш мумкин бўлган нархларда		Амалдаги нархларда	Ўзaro солиштириш мумкин бўлган нархларда
Ҳисобот йилининг бошида омборхонада сақланаётган гайер маҳсулотларнинг коддиклари	405.8	344.7	277.0	146.5	124.4
Ишлаб чиқарилган гайер маҳсулот (бажарилган ишлар, хизматлар)нинг умумий ҳажми	5563.6	5186.3	3472.1	160.2	149.4
Ички истеъмол ҳажми	9.8	8.6	3.4	288.2	252.9
Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми	340.7	285.3	244.0	139.6	116.9
Товар маҳсулотларининг ҳажми (тугалланмаган ишлаб чиқаришдан тайёрланган ва ички эҳтиёжлар учун сарфланган товарлар ҳажми)	5213.1	4892.4	3224.7	161.7	151.7
Реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми	5563.6	5186.3	3472.1	160.2	149.4
Ҳисобот йилининг охирида омборхонада сақланаётган товарларнинг коддиги	55.3	50.8	29.6	186.8	171.6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ва ички истеъмол учун ишлатилган маҳсулотлар ҳажмининг ўсиш суръатлари тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатларига нисбатан юқори эканини кўрсатиб турибди.

#### ***4.1.7. Ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар сотиш ҳажмининг ўзгаришларига турли омилларнинг таъсирини ўрганиш***

Ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотишни таҳлил қилиш жараёнларини ўрганиш бўйича якуний хулосалар чиқариш чоғида таҳлил этилаётган давр мобайнида ишлаб чиқариш ва маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилаётган омилларни алоҳида ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчимизки, ишлаб чиқариш тизимида банд бўлган персоналнинг умумий сони ҳамда меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқаришнинг ҳажмига жиддий таъсир кўрсатувчи омиллардан саналади.

Ишлаб чиқариш тизимида банд бўлган ходимлар умумий сонининг ишлаб чиқаришнинг ҳажмига кўрсатадиган таъсирини аниқлаш учун ишчилар сонини меҳнат унумдорлигининг асосий (муҳим саналадиган) кўрсаткичига кўпайтириш лозим. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ўзгаришининг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини аниқлаш учун меҳнат унумдорлиги кўрсаткичининг режаланган кўрсаткичдан оғиш даражасини ҳисоблаб чиқиб, олинган натижани ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сонига кўпайтириш керак.

Ҳар икки омилнинг таъсир самарасини аниқлаш учун б-жадвалга қаранг.

**Ўтган даврга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилаётган омилларни ўрганиш (жорий нархларда, млн. сўм)**

№	Кўрсаткичлар	Маълумотлар манбаеси	Ҳисоб китоб шакли	Тахлил қилинаётган давр	Ўтган йилнинг худди шу даври	Режадан оғиш даражаси	Ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири
1	Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми	Форма 5-с Стр 1i		5563,6	3472,1	+2091,4	+2091,4
2	Ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сони	Форма 1-Г стр 10 и стр 15		708	715	-7	
3	Меҳнат унумдорлиги	расчет	Стр 1 / стр 2	7,858	4,856	+3,002	
4	Ишчилар сонини ўзгартириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажминини ўзгартириш	Ҳисоб-китоблар	Стр 2(5) х стр.3(4)				-34,0
5	Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажминини ўзгартириш	Ҳисоб-китоблар	Стр 3(5) х стр.2(3)				+2125,4

#### **4.2. Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш таҳлили**

Ишлаб чиқариш тизимининг самарадорлигини аниқлаш учун ҳам бир қатор иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш жараёнининг элементлари (ишчи кучи – меҳнат ресурслари, меҳнат восита (маблағ, меҳнат куrollари)лари – асосий фондлар, меҳнат буюмлари – моддий ресурслар) ўртасида муайян мутаносиблик мавжуд бўлиб, ушбу хусусият ишлаб чиқаришни ташкил қилишга сарфланган ҳаражатлар билан ишнинг якуний натижаларини ўзаро таққослашга имкон беради.



## *4.2.1. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш таҳлили*

Корхона ишчи-ходимлари салоҳиятидан мақсадга мувофиқ равишда фойдалана билиш ишлаб чиқаришнинг бир маромда кечишини таъминлайди ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ белгиланган режа ва топшириқларни бажаришга эришишда катта аҳамият касб этади. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш учун барча ходимларни икки гуруҳга – саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган ва саноат ишлаб чиқаришида банд бўлмаган ходимларга ажратиш керак. Саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган персонал (СИП) жумласига корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита алоқадор бўлган (асосий) ишчи-хизматчилар, саноат ишлаб чиқаришида банд бўлмаган персонал жумласига эса ишлаб чиқаришга бевосита алоқаси бўлмаган (корхона қошидаги маданий, ижтимоий, овқатланиш ва тиббий хизмат кўрсатувчи тузилмаларда меҳнат қилувчи ходимларни киритишади.

Саноат ишлаб чиқаришида банд бўлганлар ўз навбатида икки тоифага – ишчилар ва хизматчиларга бўлинади. Хизматчилар тоифасига ташкилий тузилмалар раҳбарлари, мутахассислар, бошқа турдаги хизматчилар (масалан, идора хизматчилар ва ҳоказо) киради. Ишчилар тоифасини асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш тизимларида банд бўлган ишчиларга фарқлашади. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги учта муҳим йўналиш мавжуд:

1. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш таҳлили:

1.1. Корхонанинг меҳнат ресурслари билан қай даражада таъминланганлиги таҳлили:

1.2. Персоналнинг касбий-малакавий салоҳияти таҳлили;

1.3. Персоналнинг ҳаракатланиш динамикаси таҳлили;

1.4. Иш вақтидан фойдаланиш таҳлили;

2. Меҳнат унумдорлиги таҳлили:

2.1. Меҳнат унумдорлиги даражасининг динамикасини ҳамда ушбу омилнинг таъсир самараси туфайли ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар ҳажмининг ўсиши (пасайиши) таҳлили;

2.2. Меҳнат унумдорлигига таъсир қилувчи омиллар таҳлили;

2.3. Меҳнат унумдорлигини оширишга имкон берувчи заҳира омилларни аниқлаш;

3. Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳолати таҳлили:

3.1. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг таркибий тузилиши ҳамда динамикаси таҳлили;

3.2. Меҳнатга ҳақ тўлаш жараёнларига турли омилларнинг таъсири таҳлили;

3.3. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш учун куйидаги маълумотлардан фойдаланилади: 1-Т шакл “Меҳнат фаолияти бўйича ҳисобот” (6-илова), 5-С шакл “Корхонанинг сарф-харажатлари бўйича ҳисобот” (4-илова), меҳнат топшириклари, ишчиларнинг ҳаракатланиши бўйича кадрлар бўлими тақдим этадиган статистик ҳисобот(лар) ва бошқа ҳужжатлар.

Корхонанинг меҳнат ресурслари билан қай даражада таъминланганлигини таҳлил қилиш давомида корхонада ишлаётган ходимларнинг умумий сони билан ўтган йилнинг худди шу давридаги кўрсаткич ва жорий ҳисобот йилидаги барча таснифланган гуруҳлар бўйича режаланган миқдор кўрсаткичи ўзаро таққосланади. Таҳлил қилиш жараёнида группалараро ўзаро нисбат ҳамда ушбу кўрсаткичлар динамикасида кузатилаётган ўзгаришлар ўрганилади. Ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг умумий сонида асосий ишчилар сонининг солиштирма оғирлигининг ўзгариши туфайли бир ишчи томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдоридан рўй берадиган ўзгаришларни аниқлаш учун куйидаги формуладан фойдаланилади:

$$CB = (УД_1 - УД_0) \times CB_0 \quad (5)$$

Бунда  $УД_1$ ,  $УД_0$  – режага кўра ёки асосий ҳисобот даври бўйича ишчиларнинг умумий сонидан асосий ишчиларнинг солиштирма оғирлигини ўзгаришини,  $CB_0$  – режа бўйича бир ишчининг ўртача йиллик иш маҳсулдорлигини ифода қилади.

Ишчиларнинг умумий сонидаги солиштирма оғирликнинг ўзгариши ишлаб чиқаришга қандай таъсир қилишини аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузамиз (7-жадвалга қаранг).

7-жадвал

**Ишчиларнинг умумий сонидаги солиштирма оғирликнинг ўзгариши йиллик ўртача иш маҳсулдорлигига қандай таъсир қилишини аниқлаш кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Аслида	Ўтган йилнинг худди шу даври	Оғиш даражаси
Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот, млн сўм	5563,61	3472,14	-2091,47
Ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сони, киши	708	715	-7
Шу жумладан, асосий ишлаб чиқаришда	694	699	-5
Асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг солиштирма оғирлиги, %	98,0	97,8	+0,2
Меҳнат унумдорлиги, млн.сўм	7,858	4,856	+3,002
Ўртача йиллик иш маҳсулдорлигига кўрсатиладиган таъсир	(98,0 – 97,8) x 7,858		+1,572

Хизматчиларнинг сонини аниқлаш учун корхонанинг ташкилий тузилмасидан келиб чиқиб, бошқарувчилик функциясини таъминлаш учун талаб этиладиган ходимларнинг рационал миқдорини ҳисоблаб чиқариш керак.

Ишчиларнинг профессионал ва малакавий даражасини аниқлаш учун турли мутахассислик ва разрядлар бўйича ишчилар сонини алоҳида участка, бригадалар ва корхона миқёсида талаб даражасидаги ишчилар сони билан таққослаш зарур. Шу билан бирга алоҳида касб (хунар) бўйича ишчиларнинг керагидан ортик ёхуд камлиги ҳам аниқланади.

Агарда ишчиларнинг ҳақиқий ўртача тариф даражаси ўртача тариф даражасидан паст бўлса, бу ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Демак, персоналнинг касбий малакасини ошириш чоратадбирларини кўриб қўйиш талаб этилади.

Агар ишчиларнинг ўртача тариф даражаси белгиланган ўртача тариф даражасидан юқори бўлса, у ҳолда ихтисослик

савиясига номувофиқ ишларга жалб қилинган ишчиларга қўшимча иш ҳақи тўланиши лозим.

Бошқарув тизимидаги ходимларнинг касбий малака даражасини аниқлаш учун ҳар бир ходимнинг илм даражаси эгаллаб турган лавозимига нечоғли мос эканини аниқлаш, кадрларни танлаб ва саралаб олиш, уларни касбий жиҳатдан тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ турли масалаларни ўрганиш керак бўлади. Ишчи-хизматчи ходимларнинг малакаси кўп жиҳатдан уларнинг ёши, меҳнат стажи, олган маълумоти ва бошқа шу каби омилларга боғлиқ. Шунинг учун таҳлил қилиш жараёнида ишчи-хизматчиларнинг таркибий тузилишида ёш, меҳнат стажи, маълумоти каби кўрсаткичлар бўйича юз бераётган ўзгаришларни ўрганиш керак. Таҳлил қилиш даврида ишчи-хизматчиларнинг меҳнат интизомини бузганлиги важи билан ишдан бўшатилиши ҳолларини алоҳида синчковлик билан ўрганиш зарур, чунки бундай ҳолатлар замирида кўпинча ечими топилмаган долзарб ижтимоий муаммолар ётади.

Шу ўринда муҳим бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимизки, ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотларнинг ҳажми ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг умумий сонига эмас, балки ишлаб чиқариш жараёнларида сарфланган меҳнат, иш соатларининг умумий қийматига боғлиқ бўлади. Шунинг учун иш вақтидан қай даражада ўринли ва унумли фойдаланилганини аниқлашга уриниш таҳлил қилиш жараёнларининг муҳим боскичларидан бири ҳисобланади.

Корхонада кадрлардан мақсадга мувофиқ фойдаланишни таҳлил қилиш жараёнида ишчи кучининг ҳаракатланишини ўрганиш жуда муҳим. Бу хилдаги таҳлилни амалга ошириш учун бир неча йиллик маълумотлардан фойдаланиш керак бўлади. Бунда қуйида келтирилган жадвалдаги кўрсаткич (коэффициент)ларни ишлатиш мумкин (8-жадвалга қаранг).

### Ишчи кучининг ҳаракатланишини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткич	Ҳисоб-китобни амалга ошириш формуласи	Иккинчидий маънос
Ходимларни ишга қабул қилиш оборотининг коэффициенти ( $K_{\text{иш.қ.к.}}$ )	$K_{\text{иш.қ.к.}} = \frac{\text{ишга қабул қилинган ходимларнинг сони}}{\text{руйхат бўйича ходимларнинг ўртача миқдори}}$	Муайян даврда ишга қабул қилинган ходимларнинг солиштирма оғирлигини белгилайди
Ишдан бўшаган ходимлар обороти коэффициентини ( $K_{\text{иш.б.ш.}}$ )	$K_{\text{иш.б.ш.}} = \frac{\text{ишдан бўшатишган ходимларнинг миқдори}}{\text{руйхат бўйича ходимларнинг ўртача миқдори}}$	Муайян даврда ишдан бўшаган ходимларнинг солиштирма оғирлигини белгилайди
Кадрлар кўнимсизлиги коэффициентини ( $K_{\text{кўнимсизлик}}$ )	$K_{\text{кўнимсизлик}} = \frac{\text{ишдан бўшатишган ходимларнинг миқдори}}{\text{руйхат бўйича ходимларнинг ўртача миқдори}}$	Салбий (нохуш) сабабларга кўра ходимларнинг ишдан бўшатиш даражасини белгилайди
Кадрларнинг доимий (ўзгармас)лик коэффициентини ( $K_{\text{доимий}}$ )	$K_{\text{доимий}} = 1 - K_{\text{доимий}}$	Ушбу корхонада узок йиллар давомида ишлаб келатган ходимларнинг даражасини белгилайди

## Ишчи кучининг ҳаракатланиш хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Айни даврда	Ўтган йилнинг худди шу даври учун
Ҳисобот йилининг бошида ҳисобга олинган ишчилар сони, киши	715	720
Ишга қабул қилинганлар, киши	5	8
Ишдан бўшаб кетганлар, киши	12	13
Шу жумладан, ўз ихтиёрига кўра ишдан бўшаганлар сони, киши	7	11
Шу жумладан, меҳнат интизомини бузганлар, киши	3	-
Бошқа ҳил омилар	2	2
Ҳисобот йилининг охирида ҳисобга олинган ишчилар сони, киши	708	715
Ишчиларнинг ўртача йиллик миқдори, киши	712	717
Ишга қабул қилиш бўйича айланма коэффициент	0,007	0,011
Ишдан бўшаганлар бўйича айланма коэффициент, киши	0,017	0,018
Кадрлар кўнимсизлиги коэффициенти	0,014	0,015
Кадрлар сонининг барқарор сақланиш коэффициенти	0,983	0,982

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари бўйича ишчи кучининг ҳаракатланиш хусусиятларидан дарак берувчи коэффициентларни ҳисоблаб чиқарамиз.

Меҳнат ресурсларидан қай даражада тўлиқ фойдаланилаётганини таҳлил этилаётган муайян давр мобайнида ишлаб чиқаришда банд бўлган битта ишчининг ишлаган кунлари ва соатлари, шунингдек, иш вақти фондидан қай даражада унумли фойдаланилганини аниқлаш орқали баҳолаш зарур. Бундай таҳлиллар ишчиларнинг ҳар бир категорияси, бўлинмалар ва ниҳоят, бутун корхона бўйича амалга оширилади.

Иш вақтидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш учун иш вақтининг баланс кўрсаткичларидан фойдаланилади. Ушбу баланс таркибининг асосий белгилари 10-жадвалда келтирилган (жадвалга қаранг).

**Битта ишчи иш вақтининг режалаштирилган баланси  
кўрсаткичлари**

Иш вақти фондининг кўрсаткичлари	Шартли белгилар	Ҳисоб-китоб қилиш услуби	Шловлар
Календарь иш кунлари	$T_k$	$T_k = 365$ кун	
Номинал (режим бўйича)	$T_{ном}$	$T_{ном} = T_k - t_{вых} - 308$ дн	$t_{вых}$ – дам олиш кунлари (52 кун) ва байрам кунлари (5 кун) = 308 кун
Ишчининг ишга келган кунлари	$T_{яв}$	$T_{яв} = T_{ном} - t_{неяв} - 293$ дн	$t_{неяв}$ – Ишчининг ишга келмаган кунлари: меҳнат гафтли, касаллиги сабабли, маъмуриятнинг қарорига мувофиқ, сабабсиз ишдан қолиш ва х. = 15 кун
Иш вақтининг фойдали фонди	$T_{п}$	$T_{п} = T_{яв} \cdot t - t_{вп} = (293 \times 8) = 2344$ часа	$T$ – иш вақтининг номинал давомийлиги, (8 соат) $t_{вп}$ – сменалар алмашуви оралиғида бекор ўтайдиган вақт = 0 соат

Иш вақти фонди (ФРВ) корхонадаги ишчилар сонига ( $Ч_n$ ), битта ишчининг йил давомида ишлаб берган иш кунларининг ўртача ҳисобига ( $D$ ), иш кунининг ўртача давомийлигига ( $t$ ) боғлиқ. Бу боғлиқликни қуйидаги формула ёрдамида ифодаласа бўлади:

$$ФРВ = Ч_p \cdot D \cdot t \quad (6)$$

Бизнинг ҳолатимизда корхонада ҳақиқатдан ишлаб турган ишчиларнинг умумий сони 708 кишини, иш вақтининг режалаштирилган фонди  $[(308-15-28) \times 708 \times 8] = 1500960$  киши/соатни ташкил қилади.

Агар битта ишчи бизнес-режада назарда тутилганидан кўра камроқ ишлаган бўлса, яъни ишлаган кунлари ва соатлари меъёрдагидан кам бўлиб чиқса, иш вақтининг ҳаддан ортик йўқотилгани маълум бўлади.

Иш вақтидаги йўқотишларни ҳисоблаб чиқариш учун алоҳида жадувал тузамиз (II-жадувал).

## Иш вақтидаги йўқотишлар

Кўрсаткичлар	Вазифа (тонширик)	Бажарилган иш	Режадан огиш даражаси
Ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сони	708	708	0
Битта ишчининг иш вақти бўйича белгиланган календарь фонди, кунларда	365	365	0
Ишлаб чиқаришда банд бўлган барча ишчиларнинг иш вақти бўйича белгиланган календарь фонди, киши/кунларда	258420	258420	0
Битта ишчининг иш вақти бўйича номинал (режим бўйича) фонди, кунларда	308	308	0
Ишлаб чиқаришда банд бўлган барча ишчиларнинг иш вақти бўйича номинал (режим бўйича) фонди, киши/кунларда	218064	218064	0
Битта ишчининг меҳнат таътилига ажратилган вақт, кунларда	15	15	0
Ишлаб чиқаришда банд бўлган барча ишчиларнинг меҳнат таътилига ажратилган вақт, киши/кунларда	10620	10620	0
Ишлаб чиқаришда банд бўлган барча ишчилар томонидан йўқотилган иш вақти – жами, киши/кунларда	19824	44728	+24904
Ишлаб чиқаришда банд бўлган барча ишчилар томонидан йўқотилган иш вақти ҳисоби, кунларда	28	63,2	35,2
- корхона маъмурияти руҳсати билан берилган меҳнат таътиллари, киши / кунларда	4956	9912	+4956
- касаллик тўғрисида индан қолган вақт ҳисоби, киши/кунларда	708	12744	+12036
- сабабсиз ишдан қолиш ҳоллари	0	1450	+1450
- бошқа ҳил сабаблар	14160	20622	+6462
Битта ишчининг ишга келиш (иш жойида ҳозир бўлиш) фонди, кунларда	265	229,8	-35,2
Ишлаб чиқаришда банд бўлган барча ишчиларнинг ишга келиш (иш жойида ҳозир бўлиш) фонди, киши/кунларда	187620	162716	-24904
Ишлаб чиқаришда банд бўлган барча ишчиларнинг ишга келиш (иш жойида ҳозир бўлиш) фонди, киши/кунларда	1500960	1261050	-239910
Сменалар алмашинуви вақтида йўқотилган вақт, киши/кунларда	0	42050	+42050
Ишлаб чиқаришда банд бўлган барча ишчилар иш вақтининг фойдали фонди, киши/кунларда	1500960	1219000	-197860
Иш вақтининг давомийлиги, соатларда	8,0	7,5	-0,5



Иш вақтидаги йўқотишларни таҳлил қилиш жараёнида режадан ортиқ даражада йўл қўйилган йўқотишларнинг сабабларини аниқлаш жуда муҳим. Аксарият ҳолларда бундай ҳолатларга қуйидаги шарт-шароитлар олиб келади: корхона маъмуриятининг рухсати билан ишчиларга кўшимча таътил берилиши, ишчиларнинг касаллиги туфайли, ҳеч бир сабабсиз ишга чиқмаслиги, ускуналарнинг носозлиги туфайли бекор қолиш, буюртма, хомашёлар, ёнилғи, электр қуввати йўқлиги туфайли ишсиз ўтириш ва ҳоказо.

Иш вақтида йўқотиш юз берган ҳар бир ҳолатни, айниқса бундай ҳолат корхонанинг айби билан юз берган бўлса, алоҳида ўрганиб чиқиб вазиятни баҳолаш зарур. Иш вақтини бекор ўтказмаслик меҳнат жамоасига боғлиқ бўлган ҳолларда иш соатларидан унумли фойдалана билиш тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг захира имкониятлари ҳисобланади. Бундан тўғри ва унумли фойдаланилса, ишлаб чиқаришга ортиқча капитал сарфламасдан кутилган самарага эришиш мумкин.

Иш вақтидаги йўқотишларни таҳлил қилиш жараёнида ишлаб чиқариш тизимининг самарасиз яқун топаётган соҳаларини (масалан, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, сўнгра уларни бартараф қилиш, технологик жараёнларни талаб даражасида бажармаслик ва ҳоказо) аниқласа бўлади. Иш вақтидан самарали фойдаланмаслик охир оқибат сарф-харажатлар қийматининг ошиб кетишига сабаб бўлади. Самарасиз кетган иш вақтининг миқдорини аниқлаш учун энг аввало, сифатсиз, ярқисиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳолатларини таҳлил қилиш керак. Шу тарика олинган маълумотлар асосида таҳлилий жадвал тузилади (12-жадвалга қarang).

**Самарасиз фойдаланилган иш вақтини ҳисоблаб чиқариш  
учун хизмат қилувчи бирламчи маълумотлар**

Кўрсаткич	Шартли белгилар	Сумма (млн.сўм)
Товарларнинг таннархи	$C_{пр}$	1928,3
Ишчиларнинг иш ҳақи	$ЗП_{р}$	1095,1
Ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақи	$ЗП_{пр}$	993,9
Моддий сарф-харажатлар	$MЗ$	257,0
Яроқсиз чиқарилган товарларнинг таннархи	$C_6$	50,0
Яроқсиз товарларни истеъмолга яроқли ҳолга келтириш учун сарфланган харажатлар	$З_6$	8,0

Яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва кейинчалик уларни тузатишга сарфланган самарасиз кетган иш вақтини ҳисоблаб чиқариш учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим:

- ишлаб чиқарилган товарларнинг таннархида ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар иш ҳақининг солиштирма оғирлиги қанча миқдорда эканини ҳисоблаб чиқиш. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш керак:

$$УД_{ЗП} = \frac{ЗП_{пр}}{C_{пр}} \cdot 100 \quad ; \quad (7)$$

Бизнинг ҳолатимизда бу кўрсаткичлар  $(993,9 \times 100 : 1095,1) = 90,8\%$  ни ташкил қилади.

- тузатиб бўлмайдиган яроқсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархида меҳнат ҳақининг миқдорини аниқлаш зарур. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш керак:

$$ЗП_{о6} = \frac{C_6 \cdot УД_{ЗП}}{100} \quad ; \quad (8)$$

Биз кўриб чиқаётган ҳолатда товарлар таннархида ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар иш ҳақининг солиштирма оғирлиги  $(50,0 \times 90,8 : 100) = 45,4$  млн.сўмни ташкил қилган.

- бунда товарларнинг ишлаб чиқариш таннархида ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар иш ҳақининг солиштирма оғирлиги қийматидан моддий сарф-харажатларни айириб ташлаш лозим:

$$УД_{3П} = \frac{ЗП_{пр}}{С_{пр} - МЗ} \cdot 100 \quad ; \quad (9)$$

Товарларнинг ишлаб чиқариш таннархида моддий сарф-харажатларни чегириб ташлагандан кейин қоладиган ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақи солиштирма оғирлигининг қиймати  $[993,9 : (1928,3 - 257,0)] = 59,5\%$  ни ташкил қилади. Бу ҳолатда яроқсиз маҳсулотни бартараф этишга қаратилган ишларни бажаришда қатнашган ишчиларнинг иш ҳақини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$ЗП_{иб} = \frac{З_б \cdot УД_{3П}}{100} \quad ; \quad (10)$$

Шундай қилиб, яроқсиз маҳсулотни бартараф этишга қаратилган ишларни бажаришда қатнашган ишчиларнинг иш ҳақи  $(8 \times 59,5 : 100) = 4,8$  млн. сўмни ташкил қилди.

-тузатиб бўлмайдиган, деб топилган яроқсиз маҳсулотлар таннархида ҳамда уларни тузатиш билан боғлиқ қўшимча сарф-харажатлар қийматида ишчиларнинг иш ҳақини аниқлаш лозим. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$ЗП_б = ЗП_{об} + ЗП_{иб} \quad (11)$$

Бизнинг ҳолатимизда тузатиб бўлмайдиган, деб топилган яроқсиз маҳсулотлар таннархида ҳамда уларни тузатиш билан боғлиқ қўшимча сарф-харажатлар қийматида ишчиларнинг иш ҳақи  $(45,4 + 4,8) = 50,2$  млн.сўмни ташкил қилди:

-шунга қараб қуйида келтирилган формула ёрдамида ишчиларнинг бир соатлик ўртача иш ҳақини аниқлаймиз:

$$ЗП_ч = \frac{ЗП_р}{ФРВ} ; \quad (12)$$

Ҳисоб-китоблардан маълум бўлишича, корхона ишчиларининг бир соатлик ўртача иш ҳақи (1095100 : 1219000) = 0,898 млн.сўмни ташкил қилади:

-қуйида келтирилган формула ёрдамида яроқсиз, деб топилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва кейинчалик уларни тузатишга сарфланадиган иш вақтини аниқлаймиз:

$$T_6 = \frac{ЗП_6}{ЗП_ч} . \quad (13)$$

Шундай қилиб, яроқсиз, деб топилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва кейинчалик уларни тузатишга сарфланадиган иш вақти (50,2 : 0,898) = 55,9 соатни ташкил қилади.

Самарасиз сарфланадиган иш вақти миқдорини камайтириш – ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар ҳажмини оширишнинг резерв имкониятларидан биридир. Бу кўрсаткични ҳисоблаб чиқиш учун корхона айби билан самарасиз сарфланган иш вақти қийматини ( $T_{пот}$ )тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга режа бўйича сарфланадиган ўртача вақт миқдорига ( $СВ_{пл}$ ) кўпайтириш лозим:

$$\Delta TП = T_{пот} \cdot СВ_{пл} . \quad (14)$$

II-жадвалдан кўриниб турганидек, ҳисобот йили давомида корхона миқёсида самарасиз сарфланган иш вақтининг жамланган қиймати 197860 киши/соатни, сифатсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва кейинчалик уларни тузатишга сарфланган иш вақти қиймати 55,9 киши/соатни, самарасиз кетказилган иш вақтининг умумий қиймати 197915 киши/соатни ташкил қилади. Сифатсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш сабабли, иш вақти самарасиз кетказилгани учун охир оқибатда кўрилган моддий талафотлар миқдори 902,5 млн. сўмни ташкил қилди.

Иш вақтини самарасиз кетказиш ҳамма вақт ҳам ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига сабаб бўлавермайди, чунки бундай йўқотишлар ўрнини меҳнат интенсивлигини ошириш ҳисобига қоплаш мумкин. Шунинг учун, корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш жараёнларида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларига алоҳида эътибор берилади.

#### ***4.2.2. Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш***

Меҳнат унумдорлигини баҳолашда умумлаштирувчи (жамланган), айрим ҳолларда учрайдиган (алоҳида олиб қараладиган) ва қўшимча (ёрдамчи) кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Умумлаштирувчи (жамланган) кўрсаткичлар жумласига қуйидагилар киритилади: бир ишчи томонидан ишлаб чиқариладиган йиллик, кунлик ва соатлик (ўртача) тайёр маҳсулот ҳажми, бир ишчи томонидан ўртача йиллик давр мобайнида ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулот ҳажмининг қиймат ифодаси.

Алоҳида олиб қараладиган кўрсаткичлар жумласига 1 киши/кунлик ёки киши/соатлик вақт давомида натурал шаклдаги тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга талаб этиладиган меҳнат қиймати(меҳнатнинг қай даражада оғирлиги)ни киритиш мумкин.

Қўшимча (ёрдамчи) кўрсаткичлар жумласига қуйидагилар киради: муайян турдаги иш(лар) бирлигини бажариш учун сарфланиши лозим бўладиган вақт давомийлиги, муайян вақт давомида амалда бажариладиган иш(лар) ҳажми.

Айрим олинган бир ишчининг ўртача йиллик даврдаги иш маҳсулдорлиги (ГВ) меҳнат унумдорлигини жамланган ҳолда ифода этувчи асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Буни қуйидаги формула ёрдамида кўрсатиш мумкин:

$$ГВ = ВП : Ч \quad (15)$$

Бунда ВП – ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳажмининг қиймат ифодасини, Ч – ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар умумий сонини англатади.

Бизнинг ҳолатимизда алоҳида олинган бир ишчининг ўртача йилик иш маҳсулдорлиги ( $5563,6:708$ ) = 7,858 млн.сўмни ташкил қилади.

Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга талаб этиладиган меҳнат қиймати (меҳнатнинг қай даражада оғирлиги) бир соат давомида аниқланадиган ўртача иш маҳсулдорлиги кўрсаткичининг тескари ифодаси бўлиб, бир дона ёхуд жами тайёр маҳсулот(лар)ни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган иш вақти қийматини ифодалайди. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:


$$TE_i = \frac{ФРВ_i}{VBP_i} \quad (16)$$

Бу формулада  $ФРВ_i$  –  $i$  турдаги бир дона тайёр маҳсулотни (ёки жами маҳсулотларни) ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган иш вақти фондини;

$VBP_i$  – бир турдаги тайёр маҳсулотнинг (ёки шартли бирликларда ифодаланадиган жами маҳсулотларнинг) натурал кўринишдаги умумий қийматини ифодалайди.

Ҳисобот йили давомида жами 81640 дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилган, уларни тайёрлаш учун жами 1219 минг киши/соат вақт сарфланган. Шундай қилиб, ушбу турдаги тайёр маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш давомида режадаги ( $1500960:81600$ ) = 18,4 киши/соат ўрнига ( $1219000:81640$ ) = 14,9 киши/соат миқдорида меҳнат талаб этилди.

Ишлаб чиқариш унумдорлигининг ўсиши биринчи навбатда, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат миқдорининг пасайтирилиши эвазига рўй беради. Бунга асосан ишлаб чиқаришни ва бажариладиган меҳнат жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, ишлаб чиқариш меъёрларни қайтадан кўриб чиқиш ҳисобига эришилади.



**12-расм. Корхона ишчисининг ўртача йиллик иш маҳсулдорлигини белгилаб берадиган турли омилларнинг ўзаро боғлиқлиги.**

Таҳлил қилиш жараёнларида тайёр маҳсулот(лар)ни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат миқдори кўрсаткичининг динамикасини, ушбу кўрсаткич даражасини ўзгартириш бўйича режанинг бажарилишини, меҳнат миқдори кўрсаткичи динамикасининг ўзгариб бориши сабабларини ва бу ўзгаришларнинг меҳнат унумдорлиги даражасига кўрсатадиган

таъсирини ўрганиш керак. Иложи бўлса, муайян турдаги тайёр маҳсулот(лар)ни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат миқдорининг солиштирама оғирлигини бошқа турдош корхоналардаги худди шундай кўрсаткичлар билан ўзаро таққослаб олиш керак. Олинган натижалар илғор иш тажрибасини ўрганиб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш имкониятини беради.

### 13-жадвал

#### Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат миқдори кўрсаткичининг динамикасини баҳолаш ва мазкур кўрсаткич бўйича режа вазифаларининг бажарилишини ўрганиш

Кўрсаткич	Ўтган йил	Ҳисобот йили		Кўрсаткичнинг ўсиши, % да		
		Режа бўйича	Ҳақиқатда	Ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан олинган режа	Ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан олинганда ҳақиқатда бажарилган	Режага нисбатан олинганда ҳақиқатдан бажарилган
Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, бирликда	80200	81600	81640	101,7	101,8	100,05
Корxonанинг барча ишчилари томонидан бажарилган иш ҳажми киши / соатларда	1727508	1500960	1219006	86,9	70,6	81,2
Бир дона тавер маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат ҳажмининг солиштирама оғирлиги, соатларда	21,54	18,39	14,93	85,4	69,3	81,2
Ўртача соатлик иш маҳсулдорлиги, бирликларда	0,046	0,054	0,067	117,4	145,7	124,1



Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат миқдори кўрсаткичининг динамикасини баҳолаш учун навбатдаги жадвални тузамиз (13-жадвалга қаранг).

Таҳлил натижаларининг кўрсатишича, корхонада тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат миқдори кўрсаткичини пасайтириш бўйича режалаштирилган топширик ортиғи билан бажарилган. Ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан олинган режа 85,4% ни ташкил қилган. Олинган натижаларни солиштираш 85,4% - 100% = -14,6% ҳосил бўлади. Ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат миқдори кўрсаткичини пасайтириш бўйича режалаштирилган вазифанинг ҳақиқатда бажарилиши – 69,3% бўлгани аниқланади. Олинган натижаларни солиштираш, 69,3% - 100% = - 30,7% ни ташкил қилгани маълум бўлади.

Режалаштирилганига кўра тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат ҳажмини камайтириш эвазига меҳнат унумдорлиги (бир соатлик ишлаб чиқариш маҳсулдорлиги)нинг ўсишини кўйидагича аниқлаймиз:

$$(14,6 \times 100) : (100 - 14,6) = 17,2\%$$

Ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат ҳажмини камайтириш эвазига меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича кўрсаткичнинг ўтган йилдаги худди шундай кўрсаткичга нисбатан олинган солиштирама натижасини ҳисоблаб чиқарамиз:

$$(30,7 \times 100) : (100 - 30,7) = 44,3\%.$$

Олинган натижалардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат ҳажмини камайтириш бўйича режа вазифаси амалда 16,1 % га (85,4% - 69,3%), бунинг ҳисобига бир соатлик ўртача ишлаб чиқариш маҳсулдорлиги 27,1% га (44,3% - 17,2%) бажарилгани маълум бўлади.

Бир соатлик ўртача ишлаб чиқариш маҳсулдорлиги кўрсаткичи қандай ўзгарганини эътиборга олиб, тайёр маҳсулот

ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат ҳажми кўрсаткичининг ўзгаришлари қандай бўлиши мумкинлигини билиш мумкин. Буни қуйидагича аниқлаймиз:

- режалаштирилган топшириққа кўра бажарилиши

$$(17,2 \times 100) : (100 + 17,2) = 14,7 \%$$

- ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан бажарилгани

$$(44,3 \times 100) : (100 + 44,3) = 30,7 \%$$

Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат ҳажми кўрсаткичининг ўзгаришлари билан ишлаб чиқариш маҳсулдорлиги ўртасида тескари пропорционал алоқадорлик мавжуд. Шунинг учун тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат ҳажми кўрсаткичи солиштирма оғирлигининг ўзгаришлари оқибат натижада ишчиларнинг ўртача соатлик иш маҳсулдорлигига таъсир қиладиган омилларга боғлиқ бўлади.

Таҳлил жараёнлари давомида худди шундай йўл билан алоҳида олинган товарларни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат ҳажмининг солиштирма оғирлигини ҳам аниқлаб олиш мумкин.

Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат ҳажми кўрсаткичининг ўзгаришларини ҳамма вақт бирдек баҳолаб бўлмайди. Муайян бир турдаги товарни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнат ҳажми кўрсаткичи бирон-бир янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга тўғри келганида ёхуд маҳсулотлар сифатини оширишга тўғри келганида, нисбатан юксалиши мумкин.

#### ***4.2.3. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фойдаланиш таҳлили***

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фойдаланишни таҳлил қилиш меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг абсолют ва нисбий кўрсаткичи (ўзгариши) далили бўйича жорий йил (давр)даги режаланган

кўрсаткичдан кай даражада фарқ қилишини аниқлашдан бошланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг абсолют кўрсаткичи (ўзгариши) ( $\PhiЗП_a$ ) бутун корхона, ишлаб чиқариш бўлини маси ёки алоҳида туркумга мансуб ишчиларга тўланадиган иш ҳақининг режалаштирилган миқдори ( $\PhiЗП_{от}$ ) ( $\PhiЗП_{ф}$ ) билан факт бўйича амалга оширилган тўловлар миқдорини ўзаро солиштириш орқали аниқланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг абсолют кўрсаткичинини аниқлаш вақтида тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш режасининг бажарилиш даражаси эътиборга олинмайди. Ушбу омилнинг таъсири меҳнат фондининг нисбий кўрсаткичинини ( $\PhiЗП_{от}$ ) аниқлаш вақтида ҳисобга олинади. Бунинг учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ўзгариб турадиган кўрсаткичи ( $\PhiЗП_{пер}$ ) тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича белгиланган режанинг ( $K_{пл}$ ) бажарилиш коэффициентига қараб тузатилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ўзгариб турадиган қисмига ишчиларга ишбай тарзида тўланадиган ойлик маош, ишлаб чиқариш натижаларига қараб ишчилар ва бошқарув тизими ходимларига тўланадиган мукофот пуллари, меҳнат таътили учун тўланадиган иш ҳақининг ўзгариб турувчи қисмига мос келувчи маблағлар суммаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондига тегишли бўлган, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмига пропорционал тарзда ўзгариб турадиган бошқа хил тўловлар қиради.

Ишчиларга тариф ставкалари бўйича тўланадиган ойлик маош, хизматчиларга тўланадиган маошлар, барча турдаги қўшимча тўловлар, саноатлашмаган ишлаб чиқариш тизимларидаги ишчиларнинг меҳнат ҳақи, меҳнат таътиliga чиқиш муносабати билан тўланадиган ойлик маошлар меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг доимий (ўзгармас) қисми ( $\PhiЗП_{пост}$ ) ҳисобланади. У ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришларига мос равишда ўзгармасдан барқарор сақланиб қолаверади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди кўрсаткичининг нисбий ўзгариши (оғиш даражаси)ни қуйидаги формула ёрдамида аниқласа бўлади:

$$\PhiЗП_{от} = \PhiЗП_{ф} - (\PhiЗП_{пер} \times K_{пл} + \PhiЗП_{пост}) \quad (17)$$

Кейинчалик тахлил қилиш давомида меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг режаланган кўрсаткичга нисбатан абсолют ва нисбий оғишини келтириб чиқарган турли омиллар таъсири ўрганиб чиқилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ўзгарувчан қисмига таъсир килувчи омиллар эътиборга олинган модель қуйидаги 13 - расмда келтирилган.



**13-расм. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ўзгарувчан қисмига таъсир кўрсатувчи омилларнинг схематик ифодаси.**

Келтирилган схема бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$\text{ФЗП}_{\text{пер}} = \text{ВП} \times \text{УД} \times \text{УТЕ} \times \text{О}_i\text{T} \quad (18)$$

Юқорида айтиб ўтилган омилларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди кўрсаткичининг абсолют ва нисбий оғиш даражасига кўрсатадиган таъсирини аниқлаш учун қуйида келтирилган маълумотларни ўрганиш керак (14-жадвалга қаранг):

**Меҳнатга ҳақ тўлаш фондини таҳлил қилиш учун асос қилиб  
олинган маълумотлар, млн. сўмда**

	Режалаштирилган вазифа	Факт бўйича	Оғиш даражаси
Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди – жами	1006,1	1095,1	108,8
Шу жумладан, фондининг ўзгарувчан қисми	935,9	993,9	106,2
Фондининг ўзгармас (доимий) қисми	70,2	101,2	144,2
Ишлаб чиқариш ҳажми	5443,2	5563,6	102,2
Бажарилган иш ҳажми киши/соатда	1500960	1219000	81,2
Режа бўйича белгиланган структурага мослаб қайта ҳисоблаб чиқилган ишлаб чиқариш ҳажми		5709,9	104,9
Режадаги топшириқни бажариш учун талаб этиладиган меҳнатнинг солиштирма оғирлиги	0,276	0,219	79,3
Ўртача соатлик иш маҳсулдорлиги	3,626	4,564	125,9
1 киши/соат меҳнат учун ҳақ тўлаш	0,623	0,816	131,0

1. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ўзгарувчан қисми бўйича:  
а) режа бўйича

$$\Phi ЗП_{\text{пер.пл}} = \text{ВВП}_{\text{пл}} \times \text{УТЕ}_{\text{пл}} \times \text{О}_1 \text{T}_{\text{пл}} \quad (19)$$

Бизнинг ҳолатимизда бу кўрсаткич қиймати  $(5443,2 \times 0,276 \times 0,623) = 935,9$  млн.сўмни ташкил қилади.

б) режа бўйича белгиланган структурага мослаб қайта ҳисоблаб чиқилган ишлаб чиқариш ҳажми:

$$\Phi ЗП_{\text{усл1}} = \Phi ЗП_{\text{пл}} \times \text{К}_{\text{пл}} \quad (20)$$

Бизнинг ҳолатимизда бу кўрсаткич қиймати  $(935,9 \times 1,022) = 956,5$  млн.сўмни ташкил қилади.

в) ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг факт бўйича аниқланган ҳажми ҳамда товарларнинг факт бўйича аниқланган тузилишига қараб қайтадан ҳисоблаб чиқилган режа кўрсаткичи бўйича:

$$\Phi ЗП_{\text{усл2}} = \text{ВВП}_{\text{ф}} \times \text{УТЕ}_{\text{пл}} \times \text{О}_1 \text{T}_{\text{пл}} \quad (21)$$

Бизнинг ҳолатимизда бу кўрсаткич қиймати  $(5563,6 \times 0,276 \times 0,623) = 956,7$  млн.сўмни ташкил қилади.

г) факт бўйича амалда муайян турдаги товарни ишлаб чиқариш учун сарфланиши лозим бўлган меҳнатнинг солиштирма оғирлиги ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг режалаштирилган даражасини ҳисоблаб чиқариш керак. Буни ушбу формула ёрдамида бажариш мумкин:

$$\PhiЗП_{\text{услз}} = \text{VВП}_{\text{ф}} \times \text{УТЕ}_{\text{ф}} \times \text{О}_1\text{T}_{\text{пл}} \quad (22)$$

Бизнинг ҳолатимизда бу кўрсаткич қиймати  $(5563,6 \times 0,219 \times 0,623) = 759,1$  млн.сўмни ташкил қилади.

д) факт бўйича:

$$\PhiЗП_{\text{ф}} = \text{VВП}_{\text{ф}} \times \text{УТЕ}_{\text{ф}} \times \text{О}_1\text{T}_{\text{ф}} \quad (23)$$

Бизнинг ҳолатимизда бу кўрсаткич қиймати  $(5563,6 \times 0,219 \times 0,816) = 993,9$  млн.сўмни ташкил қилади.

2. Режадаги топшириқдан оғиш:  
абсолют даражада:

$$\PhiЗП_{\text{а}} = \PhiЗП_{\text{ф}} - \PhiЗП_{\text{пл}} \quad (24)$$

Бизнинг ҳолатимизда бу кўрсаткич қиймати  $(993,9 - 935,9) = + 58,0$  млн.сўмни ташкил қилади.

нисбий даражада:

$$\PhiЗП_{\text{от}} = \PhiЗП_{\text{ф}} - (\PhiЗП_{\text{пер пл}} \times \text{К}_{\text{пл}}) \quad (25)$$

Бизнинг ҳолатимизда бу кўрсаткич қиймати  $(993,9 - (935,9 \times 1,022)) = -37,4$  млн.сўмни ташкил қилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ўзгарувчан қисмига турли омиллар кўрсатадиган таъсир самарасини қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисоблаб чиқариш мумкин:

- ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳажмининг таъсирига қараб:

$$V\Pi_{\text{влиян}} = \PhiЗ\Pi_{\text{усл1}} - \PhiЗ\Pi_{\text{пл}} \quad (26)$$

Бизнинг ҳолатимизда бу кўрсаткич қиймати  $(956,5 - 935,9) = 20,6$  млн.сўмни ташкил қилади.

- ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар тузилмасининг ўзгаришлари кўрсатадиган таъсир самарасига қараб:

$$У\Pi_{\text{влиян}} = \PhiЗ\Pi_{\text{усл2}} - \PhiЗ\Pi_{\text{усл1}} \quad (27)$$

Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар тузилмасининг ўзгариши кўрсатадиган таъсирлар оқибатида меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ўзгарувчан қисми  $(956,7 - 956,5) = 0,2$  млн. сўмга кўпайди.

Бу ҳолатда куйидаги формула асосида муайян омиллар таъсирида тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнатнинг солиштирма оғирлигида юз берган ўзгаришлар ҳисоблаб чиқилиши зарур:

$$УТЕ_{\text{влиян}} = \PhiЗ\Pi_{\text{усл3}} - \PhiЗ\Pi_{\text{усл2}} \quad (28)$$

Муайян омиллар таъсирида тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган меҳнатнинг солиштирма оғирлигида юз берган ўзгаришлар ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ўзгарувчан қисми  $(759,1 - 956,7) = 197,6$  млн.сўмга камайди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида юз берган ўзгаришларни аниқлаш учун ушбу формуладан фойдаланамиз:

$$ОТ_{\text{влиян}} = \PhiЗ\Pi_{\text{ф}} - \PhiЗ\Pi_{\text{усл3}} \quad (29)$$

Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш тартибида юз берган ўзгаришлар туфайли меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ўзгарувчан қисми  $(993,9 - 759,1) = 234,8$  млн.сўмга ошади.

Таҳлил жараёнларининг охирида бажарилган ҳисоб-китоб амалларини қайтадан текшириб кўриш зарур. Бунинг учун куйидаги формуладан фойдаланамиз:


$$\PhiЗП_a = \text{ВВП}_{\text{влиян}} + \text{УП}_{\text{влиян}} + \text{УТЕ}_{\text{влиян}} + \text{ОТ}_{\text{влиян}} \quad (30)$$

Юқорида кўрсатилган омилларнинг таъсир самараси туфайли меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ўзгарувчан қисмининг абсолют миқдордаги ўсиши  $[20,6 + 0,2 + (-197,6) + 234,8] = 234,8$  млн.сўмга ошгани аниқланади.

$$\PhiЗП_{\text{от}} = \text{УП}_{\text{влиян}} + \text{УТЕ}_{\text{влиян}} + \text{ОТ}_{\text{влиян}} \quad (31)$$

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ўзгарувчан қисмининг нисбий миқдордаги ўсиши  $0,2 + 0,2 + (-197,6) + 234,8] = 37,4$  млн.сўмга ошган.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ўзгармас (барқарор) қисмининг факторли модели 14-расмда кўрсатилган.



14-расм. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг факторли модели.



Бу схемага мувофиқ модель куйидаги формула шаклини олади:

$$\text{ФЗП}_{\text{пост}} = \text{Ч} \times \text{Д} \times \text{т} \times \text{ЧЗП}_p \quad (32)$$

Хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг факторли модели ҳам юқоридаги моделга ўхшаш бўлади.

#### ***4.2.4. Асосий воситалардан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш***

Асосий воситаларнинг тузилиши, ҳолатини, улардан фойдаланиш характерини таҳлил қилиш учун асосан бухгалтерия ҳисоботининг 11- сонли “Асосий воситалар ва бошқа хил номолиявий активларнинг мавжудлиги, уларнинг ҳаракати ҳақидаги ҳисобот” шаклидан фойдаланилади. Бундан ташқари, ўрнатилмаган ва ишлатилмайдиган ускуналарни аниқлаш, уларнинг жорий пайтдаги ҳолатини қайд этишга доир бухгалтерия ҳужжатлари ҳам ўрганиб чиқилади.

#### **15-жадвал**

#### **Асосий воситаларнинг тузилиши, ҳолатини, улардан фойдаланиш характерини таҳлил қилиш жараёнининг асосий йўналишлари**

<b>Таҳлил жараёнининг асосий йўналишлари</b>	<b>Таҳлил жараёнининг вазифалари</b>	<b>Таҳлил шакллари</b>
Асосий фондларнинг тузилиши ва динамикасини таҳлил қилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• асосий фондлар қийматининг характери ва ҳажмининг молиявий ҳолат ҳамда баланс тузилишига кўрсатадиган таъсири</li> <li>• асосий фондлар ҳаракатини таҳлил қилиш</li> </ul>	Молиявий таҳлил
Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигидан дарак берувчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш</li> <li>• ускуналардан фойдаланишни таҳлил қилиш</li> </ul>	Бошқарувчилик амалиётига оид таҳлил

Асосий воситаларнинг тузилиши, ҳолатини, улардан фойдаланиш характерини таҳлил қилиш жараёнлари бир вақтнинг ўзида бир канча йўналишларда олиб борилиши керак. Шундай қилинса, олинган ва жамланган маълумотлар асосий воситаларнинг тузилиши, ҳолатини, улардан фойдаланиш характерини баҳолашга имкон беради. Бу жараён давомида қилинадиган чора-тадбирлар юқорида келтирилган 15-жадвалда кўрсатилган.

Корхоналардаги асосий фондларнинг тузилиши ҳамда уларнинг жорий пайтдаги ҳолатини ўрганиш учун асосан қуйида келтирилган 16-жадвалдаги кўрсаткичлардан фойдаланилади.

### 16-жадвал

#### Асосий фондларнинг ҳолати, тузилиши ва ҳаракатини баҳолаш учун қўлланишга тавсия этиладиган асосий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Ҳисоб-китобни амалга ошириш формуласи
Корхонага асосий фондларнинг келиб тушиши коэффициенти	$K_{пос} = \frac{Пос}{Офк}$ , бунда $K_{пос}$ – асосий фондларнинг келиб тушиши коэффициенти, $Пос$ – келиб тушган асосий фондларнинг қиймати, $Офк$ – асосий фондларнинг йил охирида аниқланган қиймати
Корхонадаги асосий фондларнинг янгиланиш коэффициенти	$K_{об} = \frac{Воф}{Офк}$ , где $K_{об}$ – асосий фондларнинг янгиланиш коэффициенти, $Воф$ – янги келтирилган асосий фондларнинг қиймати, $Офк$ – асосий фондларнинг йил охирида аниқланган қиймати
Асосий фондларнинг ишга яроқсиз ҳолга келиши коэффициенти	$K_{выб} = \frac{Выб.оф}{Офн}$ , где $K_{выб}$ – асосий фондларнинг ишга яроқсиз ҳолга келиши коэффициенти, $Выб.оф$ – ишга яроқсиз ҳолга келган асосий фондларнинг қиймати, $Офн$ – асосий фондларнинг ҳисобот йилининг бошида аниқланган қиймати
Асосий фондларнинг ўсиш коэффициенти	$K_{рир} = \frac{Поф}{Офн}$ , где $K_{рир}$ – асосий фондларнинг ўсиш коэффициенти, $Поф$ – асосий фондлар ўсишининг қиймати, $Офн$ – асосий фондларнинг ҳисобот йили бошида аниқланган қиймати

Асосий фондларнинг янгиланиш ҳисобига ўсиши (%)	$R_{оф\phi\phi} = \frac{Воф - Выб.оф}{Офкп - Офн\phi\phi} \times 100$ , где $R_{оф\phi\phi}$ – асосий фондларнинг янгиланиш ҳисобига ўсиши. $Воф$ – асосий фондларнинг келтирилиши. $Выб.оф$ – асосий фондларнинг ишга яроқсиз ҳола келиши. $Офкп$ – асосий фондларнинг йил охирида қайта баҳоланган қиймати, $Офн\phi\phi$ – асосий фондларнинг ҳисобот йилининг бошида қайта баҳоланмасдан аниқланган қиймати
Асосий фондлар қийматининг қайта баҳолаш ҳисобига ўсиши (%)	$R_{офпер} = 100 - R_{оф\phi\phi}$ , где $R_{офпер}$ – Асосий фондлар қийматининг қайта баҳолаш ҳисобига ўсиши
Асосий фондларнинг эскириш коэффициенти	$K_{изн} = \frac{Изн.оф}{ПС\phiф}$ , где $K_{изн}$ – асосий фондларнинг эскириш коэффициенти. $Изн.оф$ – асосий фондлар эскиришининг суммаси. $ПС\phiф$ – мавжуд бўлган асосий фондларнинг бирламчи қиймати
Асосий фондларнинг ишга яроқлилик коэффициенти	$K_{\phiодн} = \frac{ОС\phiф}{ПС\phiф}$ , где $K_{\phiодн}$ – Асосий фондларнинг ишга яроқлилик коэффициенти. $ОС\phiф$ – асосий фондларнинг қолдик қиймати. $ПС\phiф$ – асосий фондларнинг бирламчи қиймати
Асосий фондлар динамикаси коэффициенти	$K_{\phiин} = \frac{Офк}{Офн}$ , где $K_{\phiод}$ асосий фондлар динамикаси коэффициенти. $Офк$ – асосий фондларнинг йил охирида белгиланган қиймати. $Офн$ – асосий фондларнинг йил бошида белгиланган қиймати
Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик катталиги	$\Phi_{\phi\tau} = \frac{1}{2}\Phi_n + \Phi_2 + \Phi_3 + \dots + \Phi_7 + \frac{1}{2}\Phi_k$ ; бунда: $\Phi_{\phi\tau}$ – асосий фондларнинг ўртача* йиллик қиймати. $\Phi_n, \Phi_k$ – асосий фондларнинг ҳисобот йилининг боши ва охирида аниқланган қиймати. $\Phi_2, \Phi_3, \dots, \Phi_7$ – асосий фондларнинг жорий ойнинг 1-кунига нисбаган аниқланган қиймати (1 февраль, 1 март ва ҳок.). $T$ – ускуналарнинг ишлагилиш вақти
Асосий фондларнинг умумий қийматидаги тuzилиши % да	Ҳар бир турдаги асосий фонднинг солиштирама оғирлигини ҳисоблаб чиқариш

Бизнинг мисолимизда 16-жадвалдаги маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқарилган кўрсаткичлар навбатдаги жадвалда келтирилган кўрсаткичлар ёрдамида характерланади.


## Асосий фондларнинг ҳолати, таркиби ва ҳаракатини баҳолаш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ҳажми
Асосий фондларнинг келиб тушиш коэффиценти	$\frac{982,6}{1859,3} = 0,53$
Асосий фондларнинг янгиланиш коэффиценти	$\frac{982,6}{1859,3} = 0,53$
Асосий фондларнинг ишга яроқсиз ҳолга келиши коэффиценти	$\frac{131,3}{1007,9} = 0,13$
Асосий фондларнинг ўсиш коэффиценти	$\frac{1859,3 - 1007,9}{1007,9} = 0,84$
Асосий фондларнинг янгиланиш ҳисобига ўсиши (%)	$\frac{982,6 - 131,3}{1959,9 - 1007,9} \times 100 = 89,4$
Асосий фондлар қийматининг қайта баҳоланиши ҳисобига ўсиши (в %)	$100 - 89,4 = 10,6$
Асосий фондларнинг емирилиш коэффиценти	$\frac{422,8}{1859,3} = 0,23$
Асосий фондларнинг ишга яроқлилик коэффиценти	$\frac{1436,5}{1859,3} = 0,77$
Асосий фондлар динамикасининг коэффиценти	$\frac{1859,3}{1007,9} = 1,84$
Асосий фондлар қийматиининг ўртача йиллик миқдори	$\frac{1859,3 + 1007,9}{2} = 1433,6$
Алоҳида турдаги асосий фондларнинг уларнинг умумий қийматидаги фоиз нисбатига олинган гузилиши	$\frac{1859,3}{1859,3} \times 100 = 100$
- асосий турдаги фаолиятнинг асосий фондларнинг умумий қийматидаги фоизли улуши	$\frac{1010,2 + 6,3}{1859,3} \times 100 = 54,7$
- бино ва иншоотлар	
- машина ва ускуналар	$\frac{546,7}{1859,3} \times 100 = 29,4$
Ва хоказо	

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш масалалари “Қорхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш” деб номланган бўлимда кўриб чиқилади.

#### 4.2.5. Моддий сарф-харажатлардан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш

Одатда саноатлашган ишлаб чиқариш маҳсулининг таннархида энг кўп миқдордаги солиштирма оғирликка эга бўлган элементлар бу хомашё ва материалларга сарфланадиган харажатлардир. Бевосита товар ишлаб чиқариш учун қилинадиган моддий харажатлар ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар тизими 15-расмда кўрсатилган.



15-расм. Товар ишлаб чиқариш учун қилинадиган моддий харажатлар ҳажмига таъсир кўрсатувчи омиллар тизимининг схематик ифодаси.

Моддий сарф-харажатларнинг ҳажми юқорида келтирилган схемадан келиб чиқиб, муайян турдаги ( $i$ ) маҳсулот бўйича қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқарилади:

$$MZ = \sum (VBP_i \cdot UD_i \cdot UR_i \cdot CM_i) \quad (33)$$

Кўрсатиб ўтилган омилларнинг таъсир самарасини ҳисоблаб чиқариш учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатларни қайта ҳисоблаб чиқиш зарур. Ҳисоб-китоблар ҳар бир маҳсулот тури бўйича алоҳида режаланган ва ҳисобот учун

тайёрланган калькуляциялар асосида амалга оширилиб, сўнгра олинган барча маълумотлар бутун корхона миқёсида умумлаштирилади. Мисол учун корхона бўйича шартли бирликлар ҳисоб-китобини амалга оширамиз (18 - жадвалга қаранг).

### 18 – жадвал

#### Моддий сарф-харажатларни таҳлил қилиш учун асос қилиб олинган маълумотлар

	Режалаш- тилган вазифа	Факт бўйича	Режадан оғиш	
			%	Суммаси
Ишлаб чиқариш ҳажми (натурал ифодаси)	81600	81640	100,05	+40
Ишлаб чиқариш ҳажми (млн сўм)	5443,2	5563,6	102,2	+120,4
Ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига сарфланадиган материалларнинг уртача нархи (сўм)	0,124	0,117	94,4	-0,012
Бир дона тайёр маҳсулотга сарфланадиган хом ашё миқдори (натурал ифодада)	25	27	108,0	+2
Бир дона тайёр маҳсулотга сарфланадиган моддий харажатлар (сўм)	3,10	3,15	101,6	+0,05
Корхона миқёсида сарфланадиган харажатлар (млн сўм)	253,0	257,9	101,9	+4,9

а) режа бўйича

$$MЗ_{пл} = VВП_{пл} \times УР_{пл} \times ЦМ_{пл}; \quad (34)$$

Режалаштирилган топшириқ бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган моддий харажатлар (81600 × 25,0 × 0,124) = 253,0 млн.сўмни ташкил қилди.

б) режадаги топшириқнинг факт бўйича аниқланган ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаймиз:

$$MЗ_{усл} = (VВП_{пл} \times УР_{пл} \times ЦМ_{пл}) \times K_{пл}; \quad (35)$$

Режаланган топшириқни факт бўйича аниқланган ишлаб чиқариш ҳажмига мослаштириб қайта ҳисоблаб чиққанимизда,

қилинган моддий харажатлар  $(253.0 \times 1.0005) = 253.13$  млн.сўмни ташкил қилишини аниқладик:

е) Режалаштирилган топшириқда белгиланган норма ва нархларга нисбатан факт бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотларга қилинган харажатларни аниқлаймиз:

$$M3_{\text{усл2}} = \text{ВВП}_{\text{ф}} \times \text{УР}_{\text{пл}} \times \text{ЦМ}_{\text{пл}}; \quad (36)$$

Бизнинг ҳолатимизда режалаштирилган топшириқда белгиланган норма ва нархларга нисбатан факт бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотларга қилинган харажатлар  $(81640 \times 25.0 \times 0.124) = 253.1$  млн. сўмни ташкил қилди:

ё) Режалаштирилган топшириқда белгиланган нархларга нисбатан факт бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотларга қилинган харажатларни аниқлаймиз:

$$M3_{\text{усл3}} = \text{ВВП}_{\text{ф}} \times \text{УР}_{\text{ф}} \times \text{ЦМ}_{\text{пл}}; \quad (37)$$

Бизни ҳолатимизда режалаштирилган топшириқда белгиланган нархларга нисбатан факт бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотларга қилинган харажатлар  $(81640 \times 27 \times 0.124) = 273.3$  млн. сўмни ташкил қилди;

ж) Режалаштирилган топшириққа нисбатан факт бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотларга қилинган харажатларни аниқлаймиз:

$$M3_{\text{ф}} = \text{ВВП}_{\text{ф}} \times \text{УР}_{\text{ф}} \times \text{ЦМ}_{\text{ф}}. \quad (38)$$

Бизнинг ҳолатимизда режалаштирилган топшириққа нисбатан факт бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотларга қилинган харажатлар  $(81640 \times 27 \times 0.117) = 257.9$  млн. сўмни ташкил қилди.

Таҳлил қилинаётган давр мобайнида режага нисбатан умумий моддий харажатлар  $(257.9 - 253.0) = 4.9$  млн.сўм га ўсди.

Алоҳида турдаги тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун қилинган сарф-харажатлар йигиндиси (суммаси) юқорида айтиб ўтилган омилларнинг таъсири билан

белгиланади. Буни куйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқарамиз:

$$MЗ_i = \sum (V\Pi_i \cdot УР_i \cdot ЦМ_i) \quad (39)$$

Бунда

УР<sub>i</sub> – i турдаги материалга қилинган сарф-харажатларнинг солиштирма оғирлигини;

ЦМ – i турдаги материалнинг ўртача нарҳини ифодалайди.

Бир дона тайёр маҳсулотга сарфланадиган хом ашё миқдори хом ашё ва материалларнинг сифатига, ишлаб чиқариш жараёнлари давомида бир турдаги материални бошқасига алмаштириш, хом ашёлар рецептурасини, техника, технологиялар ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш тартибларини ўзгартириш, ишчи-ходимларнинг малакасини ошириш заруратининг юзага келиш-келмаслигига, хом ашё чиқиндилари ҳажмининг ошиши ёки ошмаслигига ва бошқа хил омилларнинг таъсирига боғлиқ.

Мисол учун, i – муайян турдаги тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган материалларнинг солиштирма ҳажмида юз берган ўзгаришлар ҳисобига умумий сарф-харажатлар суммасининг ўсишини куйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқарамиз:

$$\Delta MЗ_i = \Delta УР_i \times ЦМ_{пл} \times V\Pi_{ф} \quad (40),$$

Бунда

ΔMЗ<sub>i</sub> – қилинган сарф-харажатлар суммасининг ўсишини;

ΔУР<sub>i</sub> – сарфланадиган материаллар ҳажмининг ўзгаришини;

ЦМ<sub>пл</sub> – материалларнинг режалаштирилган нарҳларини ифода этади.

18-жадвалдан олинган маълумотларга асосланиб, кўрсатиб ўтилган омилнинг таъсири сабабли қилинган моддий сарф-харажатлар (2 x 0,124 x 81640) = 20,2 млн.сўмга ошгани аниқланди.



Ишлаб чиқариш жараёнида ишлатилган турли материалларнинг нархлари ўзгаргани ҳисобига қилинган сарф-харажатларнинг суммаси қандай ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta MZ_i = \Delta ЦМ_i \cdot УР_{\phi_i} \cdot VBP_{\phi_i} \quad (41)$$

Бунда:

$\Delta MZ_i$  –  $i$  – муайян бир турдаги ёки бир гуруҳ материаллар ўртача нархининг ўзгаришини ифода этади.

Ишлаб чиқариш учун керакли материаллар нархининг ўзгариши ҳисобига қилинган моддий сарф-харажатларнинг қиймати  $[(-0,007) \times 27 \times 81640] = 15,4$  млн.сўмга камайгани маълум бўлди.

Ишлаб чиқариш жараёнида бир турдаги материалнинг бошқа турдаги материалга ўзгартирилиши оқибатида нафақат бир дона маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган материаллар миқдори, балки уларнинг қиймати ҳам ўзгаради. Бу ҳолатда материалларнинг ўзгартирилиши туфайли ишлаб чиқаришга қилинган сарф-харажатларнинг қийматидаги ўзгаришларни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$\Delta MZ_1 = \Delta УР \times ЦМ_0 + \Delta ЦМ \times УР_1 \quad (42)$$

Бунда:

$\Delta УР$  – бир турдаги материал бошқа хилдаги материалга алмаштирилиши муносабати билан ишлаб чиқариш материалларини сарфлаш меъёрида юз берадиган ўзгаришларни;

$ЦМ_0$  - бошқасига алмаштирилаётган материалнинг нархини;

$\Delta ЦМ$  - бир турдаги материалнинг бошқа хилдаги материал билан алмаштирилиши муносабати билан нархларнинг ўзгаришини ифодалайди.

Бизнинг ҳолатимизда, бир турдаги материал бошқа хилдаги материалга алмаштирилиши муносабати билан нархлар пасайишига қарамай, бир дона тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган материаллар умумий ҳажми(миқдори)нинг

ошиши сабабли қилинган моддий сарф-харажатлар  $(2 \times 0,124) + [(-0,007) \times 27] = 0,059$  млн.сўмга ошгани маълум бўлади.

Юқорида айтиб ўтилган омилларнинг таъсирини умумлаштириб ифодаладиган бўлсак, олинган натижадаги режадаги топшириқдан оғиш суммаси  $(20,2 + 0,059 - 15,4) = 4,9$  млн.сўмни ташкил қилишини аниқлаймиз. Шундай йўл билан биз ишлаб чиқаришга қилинган сарф-харажатлар суммасининг ўзгариши турли хил омиллар таъсири билан белгиланишини билиб олдик.

Моддий ресурслардан фойдаланиш жараёнида улар моддий сарф-харажатларга айланади, шунинг учун уларнинг сарфланиш даражаси ишлаб чиқариш учун қилинган сарф-харажатлар суммасини ҳисоблаб чиқариш учун хизмат қилган кўрсаткичлар асосида аниқланади.

Моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун 19-жадвалда келтирилган умумлаштирилган ва алоҳида олинадиган кўрсаткичлар гуруҳи қўлланилади (жадвалга қarang).

Таҳлил жараёнларида умумлаштирилган кўрсаткичлардан фойдаланиш моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ҳамда ушбу кўрсаткични юксалтириш имкониятларини аниқлашга ёрдам қилади.

Алоҳида олинадиган кўрсаткичлар моддий ресурслар туркумига кирувчи алоҳида олинган элементлар (асосий, қўшимча материаллар, ёнилғи, энергия ва хоказо)дан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, шу билан бирга, алоҳида турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган материаллар сизими (ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархида моддий сарф-харажатларнинг солиштирма оғирлиги)ни нисбатан камайтириш имкониятларини аниқлаш учун ишлатилади.

## Моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун зарур кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Ҳисоб-китоб формуласи	Кўрсаткичнинг иқтисодий нуқтан назардан шарҳлаш
<b>1. Умумлаштирилган кўрсаткичлар</b>		
Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган моддий ашёлар сифими (ME)	$ME = \frac{\text{моддий сарф} - \text{харажатларнинг миқдори}}{\text{маҳсулот нархи}}$	1 сўм.лик тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган моддий сарф-харажатларнинг миқдорини ифодалайди
Моддий ашёлардан фойдаланиш самарадорлиги (MO)	$MO = \frac{\text{маҳсулот нархи}}{\text{моддий сарф} - \text{харажатларнинг миқдори}}$	Сарфланган моддий ресурсларнинг ҳар бир тайёр маҳсулотга теннисебатдаги улушини ифодалайди
Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархида моддий сарф-харажатларнинг солиштирма оғирлиги ( $Y_M$ )	$Y_M = \frac{\text{моддий сарф} - \text{харажатларнинг миқдори}}{\text{маҳсулотнинг тулиқ таннархи}}$	Моддий ресурслардан фойдаланганлик даражасини, шунингдек, тузилишини (гайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган материал сифимини) ифодалайди

2. Алоҳида олинadиган кўрсаткичлар		
тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган хом ашёлар сизими (СМЕ)	$СМЕ = \frac{\text{ишлаб чиқариш учун сарфланган хом ашё қиймати}}{\text{маҳсулот қиймати}}$	1 сўмлик тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган айрим моддий ресурслар элементлари миқдорини ифодалайди
тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган ёнилғи маҳсулотлари сизими (ТМЕ)	$ТМЕ = \frac{\text{сарфланган ёнилғи қиймати}}{\text{маҳсулот қиймати}}$	
тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган энергия сизими (ЭМЕ)	$ЭМЕ = \frac{\text{сарфланган энергия қиймати}}{\text{маҳсулот қиймати}}$	

Бизнинг ҳолатимизда бухгалтерия ҳисоботининг 5-шакл “Корхона бўйича қилинган сарф-харажатлар ҳисоботи” (4-илова)га асосланиб, 19-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар бўйича аниқланган самарадорлик даражаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

- Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган материаллар сизими –  $(257 / 5563.6) = 0,05$  сўм.
- Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархида моддий сарф-харажатларнинг солиштира оғирлиги – 1 сўмлик моддий сарф-харажат қилиниши ҳисобига  $(5563,6 / 257) = 21,6$  сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилган.
- Ишлаб чиқариш таннархида моддий сарф-харажатларнинг улуши  $(257 \times 100 / 1928,3) = 13,3\%$  ни ташкил қилади.
- Ишлаб чиқариш учун талаб этилган хом ашё сизими - 1 сўмлик ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан олганда  $(55.6 / 5563,6) = 0.01$  сўми ташкил қилади.

• Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган ёнилғи маҳсулотлари сизими I сўмлик ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан олганда  $(12,5 / 5563,6) = 0,002$  сўмни ташкил қилади.

• Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган энергия сизими I сўмлик ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан олганда  $(16,4 / 5563,6) = 0,003$  сўмни ташкил қилади.

Худди шу усулда барча турдаги моддий ресурсларнинг сизимини аниқлаш мумкин.

Моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини факт бўйича аниқлаш жараёнида ушбу кўрсаткичларнинг динамикасини ҳамда уларнинг ўзгаришига олиб келган сабабларни ўрганиб чиқиш зарур.

Моддий ресурсларнинг тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмига кўрсатадиган таъсирини баҳолаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$ВП = МЗ \times МО \text{ или } ВП = МЗ / МЕ \quad (43)$$

Таҳлил жараёнларининг якунида моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ҳисобот йилида ҳали ишлатилмаган резервлари аниқланади. Бундай резервлар жумласига ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш, тизимни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, тайёр маҳсулотлар конструкцияси ҳамда технологик характеристикаларини ўзгартириш, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва хизмат кўрсатиш тизимини, моддий-техник таъминот тизими фаолиятини такомиллаштириш ва бошқа хил чора-тадбирлар киритилиши мумкин. Санаб ўтилган чора-тадбирлар ҳисобига олинадиган самара (Э - тежамкорлик)ни ушбу формула ёрдамида ҳисоблаб чиқарса бўлади:

$$\text{Э} = (M_1 - M_0) \cdot ЦП \cdot ВВП_m - Z_{\text{эф}}; \quad (44)$$

Бунда

М1, М0 – муайян чора-тадбирни амалда қўлашдан аввал ва ундан кейинги ҳолатни, яъни материалларни сарфлаш меъёрининг ўзгаришини;

ЦМ – материаллар нархини;

ВВП<sub>т</sub> – муайян чора-тадбирни амалда қўлашдан кейин ҳисобот йилининг охирига қадар натурал шаклда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳажмини;

Змр – муайян чора-тадбирни амалга ошириш учун талаб этиладиган моддий харажатларни ифодалайди.

Ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотларнинг ҳажмига юкорида санаб ўтилган омилларнинг таъсирини аниқлаш учун 20-жадвалдан фойдаланамиз.

## 20-жадвал

### Ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган материаллар ҳажмини камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг самарасини ҳисоблаб чиқариш

Кўрсаткич	Чора-тадбирни жорий этгандан кейинги ҳисобот даври	Ўтган йилнинг худди шу даври	Режадан оғиш даражаси
Муайян чора-тадбирни амалда қўлашдан кейин ҳисобот йилининг охирига қадар натурал шаклда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳажми	81640	-	-
Муайян чора-тадбирни амалда қўлашдан аввал ва кейин материалларни сарфлаш ҳажми	27	29	-2
Материалларнинг ўртача нархи (сўмда)	117	-	-
Муайян чора-тадбирни амалда қўлаш учун сарфланган харажатлар (млн сўм)	-	8.2	-
Муайян чора-тадбирни амалда қўлашдан кейин олинган самара (млн сўм)	$(29 - 27) \times 117 \times 81640 - 8200000 = 10903760$ сум		

## **5. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш**

### ***5.1. Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш тушунчаси ва бундан кўзланадиган мақсад***

Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш деганда, муайян давр давомида корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини ўрганиб чиқиб, вазиятни баҳолашга имкон берувчи услублар мажмуи тушунилади.

Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишдан кўзланадиган мақсад бу борада вужудга келган ҳолат ҳақидаги маълумотларни тўплаб таҳлил қилиш ва баҳолаш. хусусан, тўловга лаёқатлилиқ ва даромадлиқ қай даражада эканини аниқлашдан иборат.

Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишдан қуйидаги туркумларга мансуб субъектлар манфаатдор бўлади:

1) қимматли коғозлар портфелини шакллантириш борасида масъулиятли қарор қабул қилишга мажбур бўладиган инвесторларга;

2) бировга қарз берувчи кредиторларга;

3) турли хил молиявий ҳужжатларни текширувчи аудиторларга;

4) корхонани бошқарувчи раҳбарларга;

5) маркетинг бўлимларининг раҳбарларига.

Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш натижалари корхона раҳбарига реал вазиятни билиб олишга, мазкур корхонада ишламаса-да, бироқ унинг раванқ топиши (баъзида эса аксинча, корхонанинг таназзулга учраши)дан қандайдир манфаатдорлиги бор бўлган бошқа шахсларга эса масъулиятли қарор қабул қилиши учун зарур маълумотларни олиб, ўрганиб чиқиш имкониятини бериши зарур.

Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш натижалари асосида вазиятга бериладиган баҳо, биринчидан, корхонанинг потенциал имкониятларини аниқлаб олиш, иккинчидан, яқин ёки нисбатан узоқ истиқболга йўналтирилган масъулиятли қарорларни қабул қилишга ёрдам беради.

Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун энг аввало бухгалтерия ҳисоботларини ўрганиб чиқиш керак бўлади. Баъзи бир ҳолатларда бухгалтерия ҳисоботларидан ташқари турли статистик маълумотлар, бирламчи ҳисобот материалларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш амалиётида алоҳида молиявий коэффициентлардан кенг қўламда фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар жуда тез ва осонлик билан корхонанинг молиявий ҳолатини аниқлашга ёрдам беради.

Корхонанинг молиявий ҳолати ташкилотнинг молиявий соҳада амалга ошириладиган муносабатлари, аниқроғи, ушбу муносабатлар тизимининг барча элементлари ўртасидаги ўзаро таъсирлашув ва алоқадорлик натижаси бўлиб, ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик юритиш фаолиятига таъсир қилувчи жамики омилларнинг таъсири билан белгиланади.

Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш жараёнлари қуйидаги йўналишлардан иборат:

- корхонанинг таҳлил қилинаётган даврдаги молиявий ҳолатини ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариб туриш динамикасини баҳолаш;

- корхонанинг молиявий барқарорлиги ва тўловга лаёқатлилигини таҳлил қилиш;

- корхонанинг иқтисодий ҳамда бозорлардаги фаолиятини таҳлил қилиш;

- корхона хўжалик фаолиятини (молиявий ва ишлаб чиқариш самарадорлигини) таҳлил қилиш.

## ***5.2 Корхонанинг таҳлил қилинаётган даврдаги молиявий ҳолатини ва ушбу кўрсаткичларнинг ўзгаришини умумий тарзда баҳолаш***

Корхонанинг молиявий ҳолатини олдиндан баҳолаш учун “Бухгалтерлик баланси” (№1-шакл), “Молиявий фаолият натижалари ҳақидаги ҳисобот” (№2- шакл) каби ҳужжатлардан фойдаланилади.

Вазиятни таҳлил қилиш жараёнларининг мазкур босқичида корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолияти ҳақидаги дастлабки



маълумотлар тўпланиб ўрганиб чиқилади, шу жумладан корхонанинг мол-мулки таркиби ҳамда уларнинг манбаларида юз берган ўзгаришлар, турли кўрсаткичлар ўртасидаги ички алоқадорликлар аниқлаб олинади.

Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш жараёнлари қулай кечиши учун аналитик баланс-неттодан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай операцияни амалга ошириш учун 21-жадвалда кўрсатилганидек баланс моддаларининг таркибий жиҳатдан бир хил бўлган элементларини муайян кесимларда (масалан, узоқ муддатли активлар, жорий даврдаги активлар ва ҳоказолардан келиб чиққан ҳолда) таҳлил қилиш керак бўлади (жадвалга қаранг).

## 21-жадвал

### Корхонанинг молиявий ҳолатини баланс-нетто тизими бўйича таҳлил қилиш (млн.сўмда)

Кўрсаткичлар	Баланс каторининг тартиб рақами	Йилнинг бошида	Балансининг валюта қисмига нисбатан % да	Йилнинг охирида	Балансининг валюта қисмига нисбатан % да	Оғиш (гр 5-гр.3)
А	1	2	3	4	5	6
<b>АКТИВ</b>	<b>400</b>	<b>2549,9</b>	<b>100</b>	<b>3217,4</b>	<b>100</b>	<b>0,0</b>
<i>Узоқ муддатли активлар</i>	130	740,8	29,1	1701,1	52,9	+23,8
Жорий даврдаги активлар – жами Шу жумладан:	390	1809,0	70,9	1516,3	47,1	-23,8
ишлаб чиқариш захиралари	150	74,4	2,9	121,4	3,8	+0,9
туғалланмаган ишлаб чиқариш	160	190,0	7,5	280,0	8,7	+1,2
тайёр маҳсулот	170	54,0	2,1	60,7	1,9	-0,2
пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	320+370+380	136,0	5,3	172,9	5,4	-0,1
дебиторлик қарзи	210	1289,9	50,6	879,9	27,3	-23,3
<b>ПАССИВ</b>	<b>780</b>	<b>2549,9</b>	<b>100</b>	<b>3217,4</b>	<b>100</b>	<b>0,0</b>

**21-жадвалнинг давоми**

<b>Корхона тасарруфидаги маблағларнинг манбалари</b>	<b>480</b>	<b>1310,9</b>	<b>51,4</b>	<b>2627,2</b>	<b>81,7</b>	<b>+30,3</b>
<b>Мажбуриятлар - жами</b>	<b>770</b>	<b>1239,0</b>	<b>48,6</b>	<b>590,2</b>	<b>18,3</b>	<b>-30,3</b>
<b>Шу жумладан:</b>						
узок муддатли мажбуриятлар	490	0	0	0	0	0
жорий пайтдаги мажбуриятлар	600	1239,0	48,6	590,2	18,3	-30,3
Шу жумладан, кредиторлик қарзи	601	1229,0	48,2	590,2	18,3	-29,9
Банклар томонидан берилган қисқа муддатли ссудалар	730	0	0	0	0	0
Қисқа муддатли қарзлар	740	0	0	0	0	0
Бажарилиш муддатлари кечиктирилган бошқа мажбуриятлар	660	10,0	0,4	0	0	-0,4

Баланс кўрсаткичлари (1-илова)дан келиб чиқиб, корхонанинг молиявий ҳолатидан дарак берувчи қуйидаги муҳим маълумотларни билиб олишимиз мумкин:

- таҳлил қилинаётган даврнинг охирига келиб корхона тасарруфидаги мол-мулкнинг умумий қиймати худди шу даврнинг бошида қайд этилган кўрсаткичга нисбатан 667,5 млн.сўмга ёки 26,2% га ошгани маълум бўлади;

- корхона тасарруфидаги мол-мулкнинг умумий қийматида узок муддатли активларнинг улуши 52,9% ни ташкил қилиб, таҳлил қилинаётган даврда 23,8% ошгани аниқланади. Узок муддатли активларнинг қиймати таҳлил қилинаётган даврнинг охирига келиб 1701,1 млн.сўмни ташкил қилган. Бу дегани, ушбу кўрсаткич таҳлил қилинаётган давр мобайнида 960,3 млн.сўмга ёки 2.3 баробарга ошган;

- таҳлил қилинаётган даврнинг охирига келиб жорий даврдаги (айланма) активларнинг умумий қиймати 1516,3 млн.сўм ёхуд 47,1% ни, корхонанинг ўзига тегишли жами мол-мулкнинг 47,1% ни (кузатилаётган йилнинг бошида бу кўрсаткич 70,9%ни ташкил қилган) ташкил қилиши маълум бўлади. Бундан кўришиб турибдики, жорий даврдаги (айланма) активларнинг умумий қиймати 292,7 млн.сўмга ёхуд 26,2%га камайган.

- корхона тасарруфидаги маблағларнинг (бу турдаги маблағларнинг манбалари) умумий қиймати таҳлил қилинаётган даврнинг бошига нисбатан 1316,3 млн. сўмга ёхуд 2 баробарга ошгани маълум бўлади. Корхона тасарруфидаги маблағларнинг умумий капиталдаги улуши 81,7 % га (таҳлил қилинаётган даврнинг бошига нисбатан 30,3 % га) ошганини биламиз;

- корхона мажбуриятлари қарзлар таҳлил қилинаётган даврга нисбатан 52,4% га камайиб, уларнинг умумий қиймати 590,2 млн.сўмни (қарзларнинг умумий капиталдаги улуши йил бошидаги 48,6 % дан 18,3% гача камайган) ташкил қилгани аниқланади.

### ***5.3 Корхона мол-мулкни шакллантириш манбалари тизими таҳлили***

Корхона мол-мулкни шакллантириш манбаларининг тизимини таҳлил қилиш жараёнлари корхонанинг иқтисодий фаолиятини молиялаштиришнинг муқобил вариантларини чамалаб баҳолаш жараёнлари билан узвий боғлиқдир. Бу ўринда молиялаштиришнинг муқобил вариантларини танлаш вақтида биринчи навбатда қарзга олинadиган маблағларнинг қандай шартлар асосида берилишини, уларнинг “нархи”ни, ушбу операция билан боғлиқ таваккал даражасини, олинadиган маблағларни қандай ишлатиш мумкинлигини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Аксарият ҳолларда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шакллари қандайлигидан қатъий назар мол-мулк корхонанинг ўзига тегишли ресурслар ҳамда қарзга олинadиган маблағлар ҳисобига шакллантирилади.

Умумлаштирилган ҳолда корхона мол-мулкини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилган манбалар (корхонанинг ўзига тегишли мулк) ҳақидаги маълумотлар балансининг I-бўлим пассив қисмида келтирилган.

Корхонанинг тасарруфидаги капитал таркибий жиҳатдан устав капиталдан, қўшимча сифатида киритилган капиталдан, захирага олиб қўйилган капиталдан ҳамда тақсимланмаган соф фойдадан иборат бўлади. Устав капитали корхонанинг таъсис ҳужжатларида расман эътироф этилган қўйилмалар (пул маблағлари)нинг умумий йиғиндисидир. Устав капиталининг таркибий элементлари сифатида кайд этиладиган моддий ва номоддий кўринишдаги активлар фақатгина таъсисчилар ёхуд юридик шахснинг номидан иш юритаётган ижроия органининг розилиги билан ҳисобга олиниши ва баҳоланиши мумкин. Устав капиталининг ҳажми таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилади ва фақатгина таъсисчиларнинг қарори билан ўзгартирилиши мумкин. Устав капиталига қўшимча сифатида киритилган капитал моҳият негизига кўра, қимматли қоғозлар бозорида корхона акцияларини бирламчи сотувга чиқариш вақтида уларни номинал нархидан бирмунча юқори нархда сотиш эвазига ҳосил қилинадиган эмиссион фойданинг ифодасидир. Захирадаги капитал молиявий йилнинг якунида инфляциянинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда белгиланган коэффициентларни эътиборга олиб, қайта баҳоланадиган мол-мулк қиймати, шунингдек, бепул (беминнат) бериладиган мулк ифодасидир. Захира капиталидан аниқ мақсад йўлидагина (масалан, ҳисобот йилининг якунида соф фойда қиймати камлик қилса, таъсисчиларга дивиденд сифатида тўлаш, йўл қўйилган камомадларнинг ўрнини қоплаш ва ҳоказо) фойдаланиш мумкин. Тақсимланмаган соф фойда маъно-мазмун жиҳатидан даромадларнинг жамланиб боришини акс эттириб, мулк эгаларининг ихтиёрига кўра уставдаги капиталга қўшилиши мумкин.

Келгусидаги сарф-харажатларни ўйлаб ажратиладиган захира – яқин ёки нисбатан узок истиқболда хўжалик фаолиятини юритиш билан боғлиқ чора-тадбирларга (масалан, ишчи-ҳодимларга меҳнат таътилини бериш билан боғлиқ) сарфланадиган харажатлар учун пул маблағларини захирада сақлаш.

**Корхона тасарруфидаги мол-мулкнинг таркиби**  
(млн.сўм ва %да)

	Соҳалар	Баланс каторлари	Суммаси (млн.сўм)	
			Ҳисобот даврининг бошида	Ҳисобот даврининг якунида
	<b>Корхонанинг тасарруфидаги мол-мулк</b>	<b>Баланснинг актив қисми: жами (400-сатр.)</b>	<b>2549,9</b>	<b>3217,4</b>
	<b>Узоқ муддатли активлар – жами корхонанинг тасарруфидаги мол-мулкда (% ҳисобида)</b>	<b>130-сатр.</b>	<b>740,8</b>	<b>1701,1</b>
	Шу жумладан:			
	Асосий капитал (воситалар)– узоқ муддатли активларга нисбатан (% да)	012-сатр	588,5 79,4	1436,5 84,4
	Номоддий активлар – узоқ муддатли активларга нисбатан (% да)	022-сатр.	144,2 19,5	116,1 6,8
	Узоқ муддатли инвестициялар – узоқ муддатли активларга нисбатан (% да)	030-сатр.	8,1 1,1	109,4 6,4
	Бошқа хил узоқ муддатли активлар – узоқ муддатли активларга нисбатан (% да)	130 сатрдан 012, 022 ва 030 сатрлар йиғиндиси айрилади		39,1 2,4
	<b>Жорий даврдаги активлар – жами корхонанинг тасарруфидаги мол-мулкда (% ҳисобида)</b>	<b>Баланснинг актив қисми II бўлими матижаси (390-сатр.)</b>	<b>1809,0</b>	<b>1516,3</b>
	Шу жумладан:			
	Товар-моддий захиралар– жорий даврдаги активларга нисбатан (% да)	140-сатр.	318,4 17,6	462,1 30,5
	Дебиторлар – активларга нисбатан (% да)	210-сатр	1289,9 71,3	879,9 58,0
	Пул маблағлари – жорий даврдаги активларга нисбатан (% да)	320-сатр.	136,0 7,5	172,9 11,4
	Жорий даврдаги бошқа хил активлар – жорий даврдаги активларга нисбатан (% да)	390-сатрдан 140, 210 и 320-сатрлар йиғиндиси айрилади	64,7 3,6	1,4 0,1

## 22-жадвалнинг давоми

Корхонанинг тасарруфидаги мол-мулк манбалари – умумий мулкка нисбатан (% да)	Баланснинг пассив қисми I- бўлими натижаси (480-сатр.)	1310,9 51,4	2627,2 81,7
Мажбуриятлар – жами корхонанинг тасарруфидаги мол-мулк % да	Баланснинг пассив қисми II бўлими натижаси (770 сатр.)	1239,0 48,6	590,2 18,3
Узоқ муддатли мажбуриятлар – жами мажбуриятларга нисбатан (%да)	490-сатр.	0 0	0 0
Шу жумладан, узоқ муддатли кредитлар ва заёмлар – жами мажбуриятларга нисбатан (%да)	570 ва 580-сатрлар қўшилади.	0 0	0 0
Жорий даврдаги мажбуриятлар – жами мажбуриятларга нисбатан (%да)	600-сатр.	1239,0 100,0	590,2 100,0
Шу жумладан:			
Жорий даврдаги кредиторлик қарзлари – жами мажбуриятларга нисбатан (%да)	601-сатр.	1229,0 99,8	590,2 100,0
Қисқа муддатли заём ва кредитлар – жами мажбуриятларга нисбатан (%да)	730 ва 740-сатрлар қўшилади.	0 0	0 0

Қарзга олинadиган маблағларнинг таркиби ва ўзгариш динамикаси ҳақидаги маълумотлар баланснинг II-бўлимида пассив қисмида акс эттирилади. Улар жумласига қуйидаги маълумотлар киритилади:

- қисқа муддатга берилadиган банк ссудалари – резидент фаолият юритаётган мамлакатнинг ўзида ёки хориждаги банклар томонидан узоғи билан бир йил муддатга берилadиган қарзлар; бир йилдан узоқроқ муддатларга берилadиган банк ссудалари ;

- қисқа муддатга берилadиган заёмлар – резидент фаолият юритаётган мамлакатнинг ўзида ёки хориждаги банклардан ташқари бошқа қарз берувчилардан узоғи билан бир йил

муддатга олинган қарзлар: бир йилдан узоқроқ муддатларга берилган ссудалар :

- корхонанинг кредиторлик қарзлари қайтариш муддати белгиланган ва қайтариш муддати ўтказиб юборилган қарзларга бўлинади.

Корхона тасарруфидаги мол-мулкни тавсифлаш учун 22-жадвалдан фойдаланамиз (жадвалга қаранг).

Жадвалдан кўриниб турибдики, корхонанинг тасарруфидаги мол-мулк (активлар)нинг умумий қиймати ҳисобот йилида 667,5 млн. сўмга ошган. Шундай қилиб, корхонанинг тасарруфидаги мол-мулк таркибий тузилиши жиҳатидан 81,7% га корхонанинг ўзига тегишли мулк ҳисобига (ўтган даврдаги 51,4% га нисбатан) ва 18,3% га қарзга олинган маблағлар ҳисобига (ўтган даврдаги 48,6% га нисбатан) таркиб топганлиги аниқланди.

Корхона тасарруфидаги мол-мулк манбаларини таҳлил қилишни уларнинг тузилиши ва таркибини ўрганишдан бошлаш керак. Бунинг учун баланс маълумотларини олиб, уларни ўрганиб чиқиб, корхона тасарруфидаги мол-мулк қандай шаклда намоён бўлганини билиб олиш зарур. Бундан ташқари, корхона тасарруфидаги мол-мулк манбаларининг қандай элементлардан иборатлигини, шу жумладан, улар корхона функционал фаолиятида қандай роль ўйнашини аниқлаш жуда муҳим. Айтайлик, устав капиталини таркибий жиҳатдан таҳлил қилиш давомида, энг аввало, унинг қай даражада тўлиқ (мукамал) шакллантирилганини ўрганиш, лозим бўлса, устав капиталини шакллантиришга таъсисчилардан кимлар ўз ҳиссасини қўшмаганини ёхуд зиммасига олинган мажбуриятларни қисман бажарганини аниқлаб олиш даркор. Шундан кейин корхонанинг устав капитали ҳисобот йили давомида қай даражада барқарор сақланишини, таъсис ҳужжатларида белгиланган қайдларга қай даражада мослигини аниқлаш зарур. Таксимланмаган даромадларни таҳлил қилиш жараёнида корхона тасарруфидаги мол-мулкда унинг улуши қандайлигини, бу кўрсаткичлар қандай ўзгариб турганлигини аниқлаш керак.

Таксимланмаган даромадлар қийматининг камайиб кетиши корхонада ишчанлик фаоллиги сустлашиб бораётганлигидан дарак беради. Гарчи, шундай ҳолат мавжуд бўлса, корхона

раҳбарияти ва бухгалтерлик хизмати масалани атрофлича ўрганиб чиқиши ва тегишли чораларни кўриши даркор. Корхонанинг иқтисодий фаолияти қай даражада самарали кечаётганлигини аниқлаш чоғида аниқ мақсадли тушумлар кўрсаткичларининг ўзгариб туришини ўрганиш жуда муҳим. Мазкур кўрсаткичларнинг динамикасини таҳлил қилиш чоғида аниқ мақсадли тушумлар функционал жиҳатдан корхонанинг иш фаолиятини молиялаштиришда қандай аҳамият касб этишини эътиборга олиб ишлаш керак. Шунинг учун таҳлил жараёнларида ишлаб чиқариш эҳтиёжларини кондиритиш (инвестициялаш ва айланма маблағларни тўлдириш) учун ажратиладиган маблағлар билан истеъмол учун ажратиладиган маблағларни алоҳида-алоҳида ўрганиш зарур. Корхона тасарруфидаги капиталларнинг таркиби ва тузилишини баҳолашда юз бераётган ўзгаришларнинг хусусиятлари ва йўналишларини аниқлаб олиш учун бу кўрсаткичларнинг бир неча йиллик динамикасини эътиборга олиш даркор.

Таҳлил даврида корхона тасарруфидаги мол-мулк таркибининг 48.3% ни айланма активлар ташкил қилгани маълум бўлди. Таҳлил қилинаётган даврнинг бошида бу кўрсаткич 70.9% ни ташкил қилганини ҳисобга оладиган бўлсак, улар ўртасидаги фарқ 31.8% ни ташкил қилишини аниқлаймиз. Айни вақтда узок муддатли активларнинг қиймати 29.1% дан 51.7% гача (77.7%) ошганини билиб оламиз. Назарий жиҳатдан олганда бундай ҳолатни салбий деб баҳолаш мумкин, чунки айланма активлар ҳажмининг камайиши ишлаб чиқариш жараёнларининг меъёрида кечишига имкон бермайди. Бирок, биз кўриб чиқаётган конкрет ҳолатда айланма активлар ҳажмининг камайишини салбий ҳолат сифатида баҳолаб бўлмайди. Бунинг сабабларини билиб олиш учун қуйидаги 23-жадвалга мурожаат этамиз.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, таҳлил қилинаётган даврда корхонанинг жорий даврдаги (айланма) активлари 16,2% га ёки 292.7 млн.сўмга камайган. Айни вақтнинг ўзида уларнинг таркиби анчагина ўзгарган. Жумладан, моддий-товар захираларининг қиймати илгариги 17,6% дан 30,5% гача ошган. Бу ҳол ижобий баҳоланиши мумкин, чунки юз берган ўзгаришлар ишлаб чиқариш жараёнларининг нормал кечиши



учун зарур шарт-шароитлар яратиб беради. Шу билан бирга, пул маблағларининг улуши ҳам (7,5% дан 11,4% гача) ошганини, дебиторлик қарзлари эса 18,7% гача пасайганини кўрамиз. Бу дегани, дебиторлик қарзларини ундириб олиш ҳисобига ишлаб чиқариш жараёнлари (айланмаси)га кўшимча равишда 410 млн.сўм миқдорида маблағлар жалб этилган.

## 23-жадвал

### Корхонанинг айланма маблағ (жорий даврдаги актив)лари таркиби (млн.сўм ва % да)

Моддалар	Қатор (сатр)	Суммаси (млн.сўм)	
		Йил бошида	Йил охирида
<b>Жорий даврдаги активлар (айланма маблағлар) – жами</b>	<b>Баланснинг II бўлими актив қисми (390-сатр)</b>	<b>1809,0</b>	<b>1516,3</b>
Шу жумладан:			
Моддий - товар захиралари – жорий даврдаги активларга нисбатан (% да)	140-сатр	318.4 17,6	462,1 30.5
Дебиторлар – жорий даврдаги активларга нисбатан (% да)	210-сатр	1289.9 71.3	879,9 58.0
Пул маблағлари – жорий даврдаги активларга нисбатан (% да)	320-сатр	136.0 7.5	172.9 11.4
Жорий даврдаги бошқа хил активлар – жорий даврдаги активларга нисбатан (% да)	390-сатрдан 140, 210 ва 320- сатрлар йиғиндиси айрилади	64.7 3.6	1.4 0.1

Корхона тасарруфидаги мол-мулк таркибида корхонанинг ўзига тегишли маблағларнинг улуши 58,9% га (илгариги 51,4% дан 81,7% гача) ошганини, шу билан бирга қарзга олинган маблағлар ҳажмининг, асосан кредиторлик қарзининг 52% га ёки 638,8 млн. сўмга пасайишини (илгариги 48,2% дан 18,3% гача) ҳам ижобий ҳол деб баҳоласа бўлади.

Жорий даврдаги (айланма) активлар тузилишининг ўзгаришига тўртки бўлган сабабларни аниқлаш учун қуйида келтирилган 24-жадвалдаги маълумотларни ўрганиш асосида таҳлил операциялари бажариш зарур (жадвалга қаранг).

### Жорий даврдаги (айланма) активлар таркибининг ўзгариш сабаблари

Кўрсаткичларнинг ўсишига олиб келувчи омиллар	Суммаси (млн.сўм)	Кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келувчи омиллар	Суммаси (млн.сўм)
Айланма активлар ҳажмининг ошиши	0	Айланма активлар ҳажмининг камайиши	292,7
Корхона хусусий маблағларининг ортиши (4 ва 3-устун(графа)лар ўртасидаги фарқ (480-сатр)дан 4 ва 3-устунлар ўртасидаги фарқ 130-сатргача) айрилади. (2627,2 – 1310,9) - (1701,1 – 740,8)	356,0	Айланма активлар ҳажмининг камайиши (4 ва 3-графа)лар ўртасидаги фарқ (480-сатр)дан 4 ва 3-графа)лар ўртасидаги фарқ 130 сатргача) айрилади.	0
Кредит ва заёмлар бўйича қарздорликнинг ортиши (4 ва 3-устунлар йиғиндиси ўртасидаги фарқ (570 ва 580-сатрлар), шунингдек (730 ва 740- сатрлар)	0	Кредит ва заёмлар бўйича қарздорликнинг камайиши (4 ва 3-устунлар йиғиндиси ўртасидаги фарқ (570 ва 580-сатрлар), шунингдек (730 ва 740- сатрлар)	0
Жорий даврдаги мажбуриятлар бўйича қарздорликнинг ортиши ((4 ва 3-устунлар ўртасидаги фарқ 770- сатр)дан (4 ва 3-устунлар йиғиндиси ўртасидаги фарқ 570 ва 580-сатрлар, (шунингдек 730 ва 740-сатрлар)) айрилади.	0	Жорий даврдаги мажбуриятлар бўйича қарздорликнинг камайиши ((4 ва 3- устунлар ўртасидаги фарқ 770-сатр)дан (4 ва 3-устунлар йиғиндиси ўртасидаги фарқ 570 ва 580-сатрлар, (шунингдек 730 ва 740-сатрлар)) айрилади. (1239,0 – 590,0) – 0)	649,0
Жами ўсиш даражаси	356,0	Жами пасайиш даражаси	649,0
Сальдо		Сальдо	293,0*
* яхлитлаштириб ҳисоблаб чиқилган оғиш 0,3			

Жадвалдан кўришиб турибдики, биз кўриб чиқаётган вазиятда айланма активларнинг таркибида муайян ўзгаришлар келтириб чиқараётган омиллар бу корхона тасарруфидаги мол-мулк ҳажмининг ўсиши ҳамда жорий пайтдаги мажбуриятлар бўйича қарздорликнинг пасайиши бўлган.

Айланма активлар ҳаракатини бошқариш муваффақиятли кечишида корхона тасарруфидаги мол-мулкни шакллантириш манбаларини ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиб бориш катта аҳамиятга эга. Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчимизки, корхона тасарруфидаги мол-мулкни шакллантириш манбалари кўп жиҳатдан улардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қилади.

Корхонанинг ўзига тегишли бўлган мол-мулк ва турли хил моддий, номоддий восита (маблағ)лар меъёрий айланма активларни шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади. Бу хилдаги активлар дастлаб корхонанинг ташкилий тузилмаси ҳамда устав капитали шакллантирилаётган вақтда таркиб топади. Кейинчалик меъёрийлаштирилган айланма воситалар даромадлар, қимматли қоғозларни чиқариш, мақсадли жамғармалар ҳисобига тўлдирилиши мумкин.

Корхонанинг иқтисодий фаолияти меъёрида кечиши учун айланма маблағларнинг махсус ҳисоблаб чиқарилган нормативлари мавжуд бўлиб, улар ишлаб чиқариш жараёнлари узлуксиз давом этиши учун минимал жиҳатдан зарур бўладиган айланма маблағлар ҳажмини белгилаб беради. Меъёрийлаштирилган айланма маблағлар жумласига ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар киради. Ҳозирги вақтда республикамизда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган айланма маблағларга доир меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Корхонада унинг ўзигагина тегишли айланма маблағларнинг етишмаслиги белгилаб қўйилган меъёрий кўрсаткичлар корхона тасарруфидаги активлар йиғиндисидан юқори бўлганидагина юзага келади. Бундай маълумотларни қуйида келтирилган 25-жадвалдан билиб олишимиз мумкин (жадвалга қаранг).

### Корхона тасарруфидаги айланма маблағларни шакллантириш манбалари таркиби (млн.сўмда)

	Йилнинг бошида	Йилнинг охирида	Огиш даражаси
1. Корхонанинг ўзигагина тегишли маблағларни шакллантириш манбалари (Баланснинг пассив қисми I бўлими натижаси – 480-сатр)	1310,9	2627,2	-1316,3
2. Узоқ муддатли активлар (Баланснинг пассив қисми I бўлими натижаси – 130-сатр)	740,8	1701,1	+960,3
Шу жумладан, асосий маблағлар емирилиши ҳисобига чегириб ташланадиган қийматда (баланснинг 012-сатри)	588,5	1436,5	+848,0
3. Узоқ муддатли банк кредитлари ва заёмлари (баланснинг 570-сатри + 580-сатри)	0	0	0
4. Жорий даврдаги айланма активларнинг умумий ҳажми (баланс активининг II бўлими натижаси – 390-сатр)	1809,0	1516,3	-292,7
5. Айланма активларни шакллантиришнинг корхона ихтиёрида бўлган манбалари (1-сатр + 3-сатр –жадвалнинг 2-сатри)	570,1	926,1	+356,0
6. Банк томонидан қисқа муддатларга берилган кредитлар (730-сатр + 740-сатр)	0	0	0
7. Корхона ихтиёрида бўлган айланма активларни шакллантириш манбаларининг умумий қатълиги (жадвалнинг 5-сатри + 6-сатри )	570,1	926,1	+356,0
8. Айланма активларни шакллантириш учун жалб қилинган кредитлар (жадвалнинг 4-сатри –7-сатри)	1238,9	590,2	-648,7
9. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган айланма маблағларнинг меъёрлари			
а) қунларда	30	30	0
б) харажатлар – жами (5-с шаклнинг 012-сатри)	3287,9	3579,8	+291,9
в) бир қунлик айланма маблағ (9 «б» сатр– маълум даврдаги қунлар ҳисоби – 360)	9,13	9,94	+0,81
г) қиймат ифодасидаги норматив (жадвалнинг 9-«а» сатри х 9-«в» сатри )	273,9	298,2	+24,3
10. Корхона ихтиёридаги айланма маблағларни шакллантириш манбаларининг ортиқчалиги (+) ёки камомоди (-) (5-сатр – 9-«г»сатр)	+296,2	+627,9	+331,7
11. Корхона ихтиёридаги айланма маблағларни шакллантириш манбалари умумий ҳажмининг ортиқчалиги (+) ёки камомоди (-) (7-сатр–9- «г»сатр)	+296,2	+627,9	+331,7
12. Корхона ихтиёридаги айланма маблағларнинг узоқ муддатли кредитлар бўйича қарзларни қоплаш зарурияти борлигини ҳисобга олиб аниқланган ортиқчалиги (+) ёки камомоди (-) (1-сатр –2- сатр – 3-сатр – 9-«г» сатр)	+296,2	+627,9	+331,7

Биз кўриб чикаётган мисолда корхонанинг молиявий ҳолати анчагина барқарор.

Корхона тасарруфидаги айланма маблағларнинг камомади корхонанинг ўзига тегишли бўлган маблағлар ҳисобига, биринчи навбатда, олинadиган соф фойданинг бир қисми ҳисобига тўлдирилиши лозим. Банк томонидан берилadиган кредит маблағларидан ҳам корхонанинг тасарруфидаги айланма маблағларнинг манбаси сифатида фойдаланишлари мумкин. Одатда, қарзга олинadиган маблағлар аниқ мақсадлар учун ажратилиши боис улардан ўринли ва самарали фойдаланилади.

## **5.4. КОРХОНА ТАСАРРУФИДАГИ МОЛ-МУЛҚДАН Фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги**

### ***5.4.1 Айланма маблағлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги***

Корхонага тегишли айланма маблағлардан фойдаланиш кай даражада жадал кечаётганлигини уларнинг айланувчанлик тезлигига қараб аниқлаш мумкин.

Айланма маблағларнинг айланувчанлик тезлиги деганда, корхона маблағларининг тўлик айланиш даврийлиги назарда тутилади. Айланма маблағларнинг айланиш тезлиги ишлаб чиқариш ва айланма маблағлар таркибининг ўзига хос жиҳатлари, тайёр маҳсулотларни савдога чиқариш шартлари ва бошқа омиллар таъсирига боғлиқ. Айланма маблағларнинг айланиш тезлиги куйидаги учта кўрсаткич ёрдамида аниқланади:

- айланма маблағлар айланиш тезлигининг давомийлиги (кун ҳисобида);
- айланма маблағлар айланиш тезлигининг ҳисобот даври мобайнидаги миқдори;
- савдо қилинган товарларнинг ҳар бир сўмига нисбатан ҳисоблаб чиқариладиган айланма маблағлар миқдори;

Айланма маблағларнинг айланиш тезлиги ошса, уларнинг маълум бир қисмини айланма маблағлар қаторидан чиқариб олиш

мумкин бўлади. айланиш тезлиги пасайса, аксинча, айланма маблағлар миқдорини оширишга тўғри келади.

Бизнинг ҳолатимизда айти пайтдаги жами айланма маблағларнинг кунлар ҳисобида аниқланадиган тўлиқ даврий айланмаси ҳисобот йилининг бошида 198,1 кунни, йилнинг охирида эса 152,5 кунни ташкил қилгани маълум бўлди. Бу маълумотларни қуйидагича ҳисоб-китоб ёрдамида амалга ошириш мумкин: айланма маблағларнинг умумий ҳажми (баланснинг актив қисми 2 бўлими натижалари)ни сотилган тайёр маҳсулотлар таннархининг бир кунлик айланмасига бўламиз (№2- шаклнинг 020-сатри / 360 ). Амалга оширилган операциялар натижасига кўра, маблағларнинг айланиш тезлиги 36,6 кунга ёки 23% ошган:

$$\text{йилнинг бошига нисбатан } 1809,0 : (1485,9 / 360) = 438 \text{ кун}$$

$$\text{йилнинг охирига нисбатан } 1516,3 : (1928,3 / 360) = 282,9 \text{ кун}$$

Меъёрийлаштириладиган айланма маблағлар(ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар)нинг кунлар ҳисобида ўлчанадиган бир марталик даврий айланмасининг давомийлиги йил бошида 77,1 кун (буни аниқлаш учун баланснинг 150 – 170 сатрларидаги кўрсаткичларнинг йигиндисини сотилган товарларнинг таннархи бўйича аниқланадиган бир кунлик оборотга бўлиш зарур), йил охирида эса 86,2 кунни (9,1 кунга ёки 11,8% ошган) ташкил қилиши маълум бўлди:

$$\text{йилнинг бошига нисбатан } 318,4 : 4,13 = 77,1 \text{ кун}$$

$$\text{йилнинг охирига нисбатан } 462,1 : 5,36 = 86,2 \text{ кун}$$

Моддий характерга эга бўлган айланма маблағларнинг айланиш тезлиги тайёр маҳсулотларнинг сотилиши туфайли олинган даромадни моддий характер касб этувчи айланма маблағларнинг ҳисобот йилининг боши ва охирида аниқланадиган ўртача қолдиғи (бошқача қилиб айтганда, моддий

тусга эга бўлган айланма маблағларнинг ўртача арифметик қиймати)га бўлиш натижасида вужудга келадиган бўлинмасидир. Биз кўриб чиқаётган вазиятда бу коэффициент қуйидаги қийматларга эга:

$$\text{йилнинг бошида } 3472,1 : \frac{256,9 + 318,4}{2} = 12,1 \text{ кун}$$

$$\text{йилнинг охирида } 5563,6 : \frac{318,4 + 462,1}{2} = 14,3 \text{ кун}$$

Айланма маблағларнинг айланиш тезлиги коэффициенти айланма маблағларнинг бир йил давомида амалга оширадиган айланма ҳаракати миқдорини ифодалайди. Бу коэффициентни аниқлаш учун ҳисобланаётган даврдаги кунлар миқдорини битта тўлиқ даврий айланиш давомийлиги кўрсаткичига бўлиш зарур, шу тариқа олинган бўлинма айланма маблағларнинг айланиш тезлиги коэффициентини кўрсатади. Биз таҳлил қилаётган даврнинг охирида бу кўрсаткич барча айланма маблағлар бўйича – 1,3 оборотни, яъни айланишни (360:282,9), меъёрийлаштириладиган айланма маблағлар бўйича эса 4,2 айланишни (360 : 86,2) ташкил қилади. Бу ўтган йилдаги кўрсаткичлар билан таққосланса, 0,8 ва 4,7 оборотни ташкил қилиши маълум бўлади. Бундан хулоса чиқаришимиз мумкинки, таҳлил қилинаётган даврда корхонага тегишли айланма маблағларнинг айланиш тезлиги 1,5 баравардан (62,5 % гача) юқорирок бўлган. Меъёрийлаштириладиган айланма маблағларнинг эса, аксинча, айланиш тезлиги ўртача 10,6% га пасайтирган. Уларнинг тўлиқ цикли айланиш тезлиги 9,1 кунга узайган. Бу турга мансуб активлар айланма ҳаракатининг давомийлиги ўсиб борса, у ҳолда ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини шу даражада давом эттириш учун айланма маблағларга маълум миқдорда яна қўшимча маблағларни жалб этишга тўғри келади. Қанча миқдорда қўшимча маблағ талаб этилишини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$\begin{array}{l}
 \text{O} \text{ Оборотга} \\
 \text{киритиладиган} \\
 \text{қўшимча} \\
 \text{маблағлар}
 \end{array}
 = \frac{\begin{array}{l}
 \text{C} \text{ Савдо – сотиқдан} \\
 \text{олинадиган даромад}
 \end{array}}{360} \times
 \begin{array}{l}
 \text{X} \text{ Ҳисобот йилида} \\
 \text{аниқланган} \\
 \text{( активларнинг} \\
 \text{айланма ҳаракати} \\
 \text{давомийлиги}
 \end{array}
 - \begin{array}{l}
 \text{У} \text{ Утган йилда} \\
 \text{аниқланган} \\
 \text{активларнинг} \\
 \text{айланма ҳаракати} \\
 \text{давомийлиги}
 \end{array}
 ) \quad (45)$$

Биз кўриб чиқаётган вазиятда юқоридаги формула ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнлари нормал кечиши учун оборотга қўшимча равишда 140,6 млн.сўм киритилиши кераклиги аниқланади:

$$5563,6 / 360 \times (86,2 - 77,1) = 140,6 \text{ млн.сўм}$$

Корхона айланма маблағлари юкланмасининг коэффиценти (реализация қилинган 1 сўмлик тайёр маҳсулотга тўғри келадиган айланма маблағлар ўлчами) жами айланма маблағлар қийматини тайёр маҳсулотларни сотишдан олинадиган соф фойдага бўлиш натижасида ҳосил бўладиган бўлинма (№1 форма баланси актив қисмининг якуний қисми 390 - ва №2 форманинг 010 сатрлари):

$$\text{йилнинг бошида } 1809,0 : 3472,1 = 0,52 \text{ сўм}$$

$$\text{йилнинг охирида } 1516,3 : 5563,6 = 0,27 \text{ сўм}$$

Амалга ошириладиган таҳлил операцияларининг якунида ҳаққоний ва муфассал маълумотларни олиш учун айланма маблағларнинг таркибий элементларини ўрганиб чиқиш зарур.

Корхона иктисодий фаолиятининг барқарор давом этишида пул маблағларининг айланма ҳаракати катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш жараёнлари узлуксиз давом этиши учун жорий даврда қилинадиган сарф-харажатларнинг ўрнини қоплашга имкон берадиган пул маблағларининг мавжудлиги жуда муҳим.



Пул маблағлари оборотининг давомийлигини қуйида келтирилган формула ёрдамида ҳисоблаб чиқариш маблағларнинг қай даражада етарли эканини баҳолаш услубларидан биридир:

$$\begin{aligned}
 & \text{А Айланма} = \\
 & \text{харакат давомийлиги} \\
 & \text{П Пул маблағларининг} \times \text{Д Давр давомийлиги} \\
 & \text{ўртача қолдиғи} \\
 & = \frac{\quad}{\text{М Маълум даврдаги оборот}} \quad (46)
 \end{aligned}$$

Пул маблағларининг ўртача қолдиғини ҳисоблаб чиқариш учун корхонанинг ички ҳисоб-китоб маълумотларидан (Одп. яъни  $n$  даврининг бошида аниқланадиган қолдиқ) ва қуйидаги формуладан фойдаланиш лозим:

$$\text{Ўртача қолдиқ} = \frac{\frac{ОД_1}{2} + ОД_2 + \dots + ОД_{n-1} + \frac{ОД_n}{2}}{n - 1}$$

Бунда  $n$  – ҳисобот давридаги ойлар сонини ифодалайди.

Биз кўриб чиқаётган вазиятда ҳар ойлик ҳисоботларда (№1 форма баланснинг 320 -сатри) акс эттириладиган юқоридаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқариладиган пул маблағларининг ўртача қолдиғи 154,5 млн.сўмни ташкил қилади. Ўрганилаётган даврнинг давомийлиги (йил) – 360 кун. Таҳлил қилинаётган даврда пул маблағларининг обороти (шу номдаги бўлимнинг таркибига кирувчи ҳисоб-китоб дафтарининг дебет қисми бўйича аниқланади) 859 млн.сўмни ташкил қилади. Олинган қийматларни формулага солиб қуйидагиларни аниқлаймиз:

$$(154,5 \times 360) / 859 = 64,7 \text{ кун}$$

Корхонанинг барча пул маблағлари ҳаракатини ўрганиш. ҳисоб-китоб рақамига келиб тушадиган тушумлар ва сарф-харажатлар уйғунлиги, мутаносиблиги қай даражада эканлигини баҳолаш, шунингдек, олинган натижаларни корхонанинг пул маблағлари ҳолати билан ўзаро солиштириб кўриш учун

пул маблағларининг кирими ва чиқимини ўрганиб чиқиш керак.

Амалиётда пул маблағларининг кирими ва чиқимини алоҳида-алоҳида жорий даврдаги, инвестицион ҳамда молиявий фаолиятлар кесимида кўриб чиқиш одат тусига кирган.

Корхона балансининг кирим қисмига ёзиладиган пул маблағларининг манбаини тайёр маҳсулотларни сотиш, турли хилдаги пуллик хизматларни амалга ошириш, шунингдек, товар истеъмолчилари ҳамда буюртмачилардан аванс сифатида олинадиган маблағлар ташкил қилади. Корхона балансининг чиқим қисмида асосан таъминотчи ва бошқа хил контрагентларга, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи сифатида тўланадиган пуллар, ижтимоий ҳимоя жамғармасига тўланадиган гуловлар, солиқ тўловлари тарзида сарфланадиган пул маблағлари ёзилади. Жорий даврдаги ишлаб чиқариш харажатлари жумласига кредитлар бўйича тўланадиган маблағлар ҳам киради.

Инвестицион фаолият нуктаи назаридан олиб қаралса, пул маблағларининг ҳаракатланиши асосан узоқ муддат давомида фойдаланиш мумкин бўладиган мол-мулкларни сотиб олиш ёки аксинча, сотиш ҳолатлари билан боғлиқлиги маълум бўлади.

Корхонанинг молиявий фаолияти кўп жиҳатдан узоқ ёки қисқа фурсатли кредит ва заёмларни олиш, олинган қарзлар бўйича тўловларни амалга ошириш, олинган фойда ҳисобидан дивидендлар тўлаш билан узвий боғлиқ.

Корхонанинг айланма маблағлари ҳаракати таҳлил этилар экан, дебиторлик қарзларини эътибордан четда қолдирмаслик жуда муҳим. Дебиторлик қарзлари билан боғлиқ ҳолатни баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

**1. Дебиторлик қарзларининг айланиш тезлиги.** Бу кўрсаткични қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\begin{aligned} & \text{Айланма пул маблағларининг} \\ & \quad \text{айланиш тезлиги} = \\ & = \frac{\text{Маҳсулотларни сотишдан олинадиган соф фойда}}{\text{Ўртача дебиторлик қарздорлиги}} \end{aligned} \quad (48)$$

бунда:

$$\begin{aligned} & \ddot{Y} \text{ ўртача дебиторлик қарздорлиги} = \\ & = \frac{\ddot{Y} \text{ йил бошидаги дебитор қарздорлик} + \text{Д} \ddot{Y} \text{ йил охиридаги дебитор қарздорлик}}{2} \end{aligned} \quad (49)$$

Бунда ўртача дебиторлик қарздорлиги ҳисобот йилининг бошида аниқланган дебиторлик қарзлари суммаси билан ҳисобот йилининг охирида аниқланган дебиторлик қарзлари суммасининг умумий йиғиндисидан ҳосил қилинади.

Биз кўриб чиқаётган вазиятда корхона айланма маблағларининг айланиш тезлиги балансининг тегишли бандлари ва 1-иловадаги маълумотлар, молиявий ҳисоботлар (2-илова) асосида ҳисоблаб чиқарилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\begin{aligned} & \frac{\Phi.2\text{стр}010}{\Phi.1((\text{стр}.210(3) + \text{стр}.210(4))/2)} = \\ & = \frac{5563,6}{(1289,9 + 879,9)/2} = \frac{5563,6}{1084,9} = 5,1 \end{aligned}$$

Шундай қилиб, биз кўриб чиқаётган вазиятда дебиторлик қарздорлиги йил давомида 5.1 марта айланма ҳаракат қилиши аниқланади.

Борди-ю, йил давомида тайёр маҳсулотларни сотиш ҳисобига олинадиган даромадларнинг қиймат ўлчови алоҳида ойлар бўйича фарқланиб турса, бу ҳолда ўртача кредиторлик қарзининг катталигини ҳар бир ойдаги кўрсаткичлар асосида қўшимча равишда аниқлаштириш лозим бўлади. Буни қуйидаги формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$\text{Ўртача қарздорлик} = \frac{\frac{\text{ОДЗ}_1}{2} + \text{ОДЗ}_2 + \dots + \text{ОДЗ}_{n-1} + \frac{\text{ОДЗ}_n}{2}}{n-1} \quad (50)$$

Бунда ОДЗп – п ойнинг охирига келиб аниқланган дебиторлик қарзининг катталигини ифодалайди.

**2. Дебиторлик қарзини узиш даври.** Бу кўрсаткични қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\frac{\text{ДДебиторлик қарзининг айланиш тезлиги}}{\text{ДДебиторлик қарзининг айланиш тезлиги}} = \frac{360}{\text{ДДебиторлик қарзининг айланиш тезлиги}} \quad (51)$$

Биз кўриб чиқаётган вазиятда дебиторлик қарзи йил давомида 5.1 маротаба айланишини эътиборга оладиган бўлсак, у ҳолда бу қарзни узиш муддатлари ёки 1 айланма ҳаракат (оборот) давомийлиги ўртача 70,6 кунни (360:5,1) ташкил қилиши маълум бўлади. Шу ўринда бир нарсани эътибордан чиқармаслик лозимки, қарзни узиш муддати қанчалик кечиктирилса, қарздорликнинг ёпилмай қолиш хавфи шунчалик ошиб бораверади.

**3. Жорий пайтдаги активларнинг умумий ҳажмида дебиторлик қарзининг улуши.** Бу кўрсаткични қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\frac{\text{ЖЖорий пайтдаги Активларнинг умумийҳажмида дебиторлик қарзининг улуши}}{\text{ЖЖорий пайтдаги активлар}} = \frac{\text{ДДебиторлик қарзи}}{\text{ЖЖорий пайтдаги активлар}} \quad (52)$$

Биз кўриб чиқаётган вазиятда айни пайтдаги активларнинг умумий ҳажмида дебиторлик қарзининг улуши 52-формула ёрдамида ҳисобланди. мазкур улуш 58% ни (879,9 : 1516,3 x 100) ташкил қилади.

4. **Дебиторлик қарзлари таркибидаги шубҳали қарздорликнинг улуши.** Бу кўрсаткични куйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\text{Д Дебиторлик қарзлари таркибидаги шубҳали қарздорликнинг улуши.} = \frac{\text{Ш Шубҳали дебиторлик қарзи}}{\text{Д Дебиторлик қарзи}} \times 100 \quad (53)$$

Мисол учун, дебиторлик қарзининг умумий ҳажмида харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари деган бандда (№1 – форма 220 сатр 1-илова) шубҳали қарздорлик суммаси 100 млн. сўмни ташкил қилиши аниқланса, у ҳолда унинг улуши 11,4% ни  $(100 : 879,9 \times 100)$  ташкил қилиш маълум бўлади.

Шубҳали қарздорлик суммаси дебиторлик қарзини “сифат” жиҳатидан характерлайди. Бу кўрсаткичнинг ўсиб бориши ликвидлик даражасининг пасайишидан далолат беради.

Дебиторлик қарзларини бошқаришга имкон берадиган бир қанча умумий тавсиялар ишлаб чиқилган. Бу борада мутахассислар куйидагиларга амал қилишни тавсия этади:

- тўлаш муддатлари кечиктирилган (ўтказиб юборилган) қарздорлик бўйича харидорлар билан амалга ошириладиган ҳисоб-китобларни мунтазам равишда назорат қилиб бориш;

- қарзларнинг кечикиб қайтарилиши ёхуд умуман қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш (иктисодий хатарларни камайтириш)га қаратилган чора-тадбирларни кўриш зарур. Бунинг учун вазиятдан келиб чиқиб, имкон даражасида бир эмас, бир нечта харидорлар билан ишлаш керак;

- доимий равишда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ўртасидаги мутаносибликни кузатиб бориш керак. Дебиторлик қарзининг кўпайиб кетиши корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир қилади. Кўшимча маблағларни жалб этишга эҳтиёж туғилади;

- кредитлар бўйича тўловларни муддатидан илгари бажаришга ҳаракат қиладиган мижозларга тегишлича имтиёз(чегирма)лар таклиф этиш мумкин.

Вазиятни жиддий таҳлил қилиш учун барча айланма активларни иқтисодий хатарларнинг алоҳида тоифалари бўйича

гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Айтайлик, аниқ бир вазиятда тугалланмаган ишлаб чиқаришни якунига етказишдан кўра, мавжуд дебиторлик қарзини узиш осонроқ кўчиши маълум бўлади.

Жорий даврдаги активларни иқтисодий хатарларнинг алоҳида тоифалари бўйича таснифлашнинг тахминий намунаси қуйидаги 26-жадвалда келтирилган.

26-жадвал

**Турли тоифага мансуб иқтисодий хатарларни таснифлашнинг тахминий кўриниши (млн.сўмда)**

Иқтисодий хатар (риск) даражаси	Жорий даврдаги активлар гуруҳи	Жорий даврдаги активларнинг умумий ҳажмида ҳар бир гуруҳнинг улуши				(3-5 ёки 4-6 гуруҳлар кўрсаткичларининг) оқиш даражаси	
		Йилнинг бошида		Йилнинг охирида		Сумма си	%
		сум-ма си	%	сум-ма си	%		
1	2	3	4	5	6	7	8
Энг кам (минимал)	Нақд нул маблағлари, ликвидлик даражаси юқори бўлган қисқа муддатли қимматли қоғозлар	136.0	7.5	172.9	11.4	+36.9	+3.9
Паст даражада	Нормал молиявий ҳолатдаги дебиторлик қарзи + захиралар (узок вақт ишлатилмаганлардан ташқари) - харидоргир тайёр маҳсулотлар	1142.2	63.1	892.6	58.8	-249.6	-4.3
Ўртача даражада	Ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжларга йўналтирилган маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгусида қилиниши лозим бўлган сарф-харажатлар	308.7	17.1	342.1	22.6	+33.4	+5.5
Юқори даражада	Оғир молиявий аҳволга тушиб қолган корхоналарнинг дебиторлик қарзи, истеъмолдан чиқиб қолган тайёр маҳсулотлар захираси, узок вақт давомида ишлатилмай қолган захиралар, ликвидлиги таъминланмаган маҳсулотлар	222.1	12.3	108.7	7.2	-113.4	-5.1

**Муомала (оборот)да бўлган активларнинг “сифати”ни  
хисобга олиб тузилган тузилма**

Жорий даврдаги активлар группаси	Йилнинг бошида		Йилнинг охирида		Йил давомида юз берган ўзгаришлар	
	млн.сўм	Жорий даврдаги активларга нисбатан %	млн.сўм	Жорий даврдаги активларнинг ҳажмига нисбатан %	млн.сўм	Фонд пунктлари (гр.3 - гр.1 ёки гр.4-гр.2)
А	1	2	3	4	5	6
1. Ишлаб чиқариш захиралари	74.4	4.1	121.4	8.0	+47.0	+3.9
1а шу жумладан – узок вақт мобайнида ишлатилмайдиган захиралар	12.1	0.7	8.7	0.6	-3.4	-0.1
2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш	244.0	13.5	340.7	22.5	+96.7	+9.0
3. Тайер маҳсулот	0	0	0	0	0	0
3а шу жумладан – реализация қилиниши қийин бўлган маҳсулотлар	0	0	0	0	0	0
4 Товарлар	0	0	0	0	0	0
4. Келгуси даврларда қилиниши режаланган харажатлар	64.7	3.6	1.4	0.1	-63.3	-3.5
5. Дебиторлик қарзлари	1289.9	71.3	879.9	58.0	-410.0	-13.3
5а шу жумладан – шубҳали қарзлар	210	11.6	100	6.6	-110.0	-5.0
6. Пул маблағлари	136.0	7.5	172.9	11.4	+36.9	+3.9
7. Жами реализация қилиниши қийин бўлган активлар (1-“а” сатр+2-сатр+3-“а” сатр +4-сатр+5-“а” сатр)	530.8	29.3	450.8	29.7	-80.0	+0.4
8. Жорий даврдаги жами активлар	1809.0	100	1516.3	100	-292.7	0

Амалга оширилган таҳлил янада самаралироқ бўлиши учун реализация қилиниши қийин бўлган активлар билан жами активларнинг, шунингдек, реализация қилиниши қийин ва осон бўлган активларнинг ўзаро нисбатларидаги ўзгаришларни баҳолаш мақсадга мувофиқ. Юқорида айтиб ўтилган кўрсаткичлар ўртасидаги нисбат муносабатларнинг ўзгариши ўсиб боришга мойил бўлса, бу ҳол ликвидликнинг пасайиб боришидан дарак беради. Гарчи шундай ҳолат аниқланса, корхона раҳбарияти ортикча юк (балласт)дан тезроқ қутулиш чорасини кўриши зарур.

Корхона тасарруфидаги активларнинг жорий пайтдаги ҳолати хақида умумлаштирилган маълумотлар 27-жадвалда келтирилган (жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, реализация қилиниши қийин бўлган активларнинг салмоғи анчагина камайганига қарамасдан, уларнинг активларнинг умумий ҳажмидаги улуши бирмунча ошган. Бу факт корxonанинг молиявий ҳолати нисбатан ёмонлашганини кўрсатади. Вужудга келган вазиятни ўнглаш учун корхона раҳбарияти ва бош ҳисобчиси зудлик билан тегишли чораларни кўриши лозим. Бундай чора-тадбирлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- харидорлар билан ҳисоб-китоб қилиш механизмларини такомиллаштириш керак. Бундай ҳолатда инфляция ўсиб бораётган вақтда тайёр маҳсулотларни иложи борича тезроқ сотиб юбориш даркор.

- “паст” сифатли активлар (масалан, маънавий ва жисмоний жихатдан эскирган ускуналар, узоқ вақтдан бери омборхонада ётган захира материаллари)нинг умумий ҳажмини аниқлаш мақсадида корхона мол-мулкани қайтадан инвентаризация қилиб уларни балансдан чиқариш керак.

#### ***5.4.2 Корxonанинг қисқа муддатли қарзлари билан боғлиқ ички таҳлил***

Қарз ҳисобига олинган маблағларнинг таркиби ва тузилишини таҳлил қилиш учун энг аввало, корxonанинг



молиявий- иқтисодий фаолиятида узок ва қисқа муддатли кредитларнинг роли қандай эканини ўрганиб чиқиш зарур. Корхонанинг мол-мулкани ташкил қилувчи манбалар таркибида узок муддатга берилган қарз маблағларининг мавжудлиги ўз-ўзидан равшанки, ижобий баҳоланиши мумкин бўлган ҳол. Негаки, бундай ресурслар нисбатан узок вақт давомида корхона фаолиятини барқарор давом этгиришга имконият яратиб беради.

Корхонанинг мол-мулкани ташкил қилувчи манбалар таркибини таҳлил қилиш жараёнида корхонанинг тасарруфидаги ҳамда қарзга олинган маблағларнинг ўзаро нисбатини баҳолаш жуда муҳим. Корхонанинг ўзига тегишли маблағлар ҳисобига молиялаштириш акционерлик жамияти шаклидаги ташкилотларда акциялар бўйича дивидендларни тўлаш мажбурияти билан ўзаро боғлиқ. Бу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимизки, дивидендларни тўлаш сиёсати кўп жиҳатдан инвесторларнинг диққат-эътиборини тортиши мумкин бўлган муҳим омиллардан биридир.

Қарзга олинган маблағларнинг мавжудлиги тўлов муддатларини кечиктириб бўлмайдиган мажбуриятларни ўз вақтида бажариш ва айни вақтнинг ўзида иқтисодий фаолиятни кенгайтиришга имкон беради. Бу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимизки, қарзга олинадиган турли хил маблағларнинг (банк ссудалари, заёмлар, таъминогчилар олдидаги кредиторлик қарзлари ва ҳоказо) қиймати турлича бўлиши мумкин. Айтайлик, банк ссудалари бўйича қарз маблағларидан фойдаланганлик учун фоиз тўловлари тўланади. Бундай турдаги тўловларни жорий даврдаги сарф-харажатлар туркумига киритиш зарур. Банк ссудалари бўйича тўланадиган фоиз тўловларининг умумий қийматини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш зарур:

$$n = \sum_{i=1}^n \frac{K_i \times C_i \times T_i}{360 \times 100} \quad (54)$$

Бунда

$K_i$  –  $i$ - турдаги кредитнинг умумий йиғиндисини;

$C_i$  –  $i$ - турдаги кредитнинг фоиз ставкасини;

$T_i$  –  $i$ - турдаги кредитни бериш муддатларини (кунларда);

n – ҳисобот даврида олинган кредитларнинг умумий сонини ифодалайди.

Мисол учун, биринчи кредитнинг умумий суммаси – 125,7 млн.сўмни, иккинчи кредитники – 250,0 млн.сўмни; биринчи кредит бўйича фоиз ставкаси – 20 фоизни, иккинчиси бўйича эса – 18 фоизни; биринчи кредитни тақдим этиш муддати 180 кунни, иккинчисиники 180 кунни; жами олинган кредитлар сони – 2 тани ташкил қилсин. Юқорида айтиб ўтилган формула ёрдамида банк ссудалари бўйича тўланадиган фоиз ставкаси 35,1 млн.сўмни ташкил қилишини аниқлаймиз:

$$\frac{125,7 \times 20 \times 180}{360 \times 100} + \frac{250 \times 18 \times 180}{360 \times 100} = 35,1$$

Кредитга олинган маблағлар ҳисобидан таъминотчилар ҳамда пудратчилар билан ҳисоб-китобни амалга оширганлик, яъни вақтинча фойдаланганлик учун одатда ҳақ талаб этилмайди, бироқ тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаса, тўлов муддати кечиктирилгани учун жарима тарзида пеня (шартномадаги суммага нисбатан белгиланган фоиз миқдориди) ундирилади. Республикамизда қарор топган одатга кўра, аксарият товар ишлаб чиқарувчилар потенциал истеъмолчилардан олдиндан пул ўтказишни талаб қилгани боис шу тарика йиғилган пул маблағлари корхонанинг активларини тўлдириши мумкин бўлган кўшимча текин манба сифатида хизмат қилади. Ҳолбуки, олдиндан пул ўтказиш билан тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш ўртасида анчагина вақт ўтади.

Қисқа муддатли кредиторлик қарздорлигини ўрганиб чиқиш учун таъминотчилар билан амалга ошириладиган ҳисоб-китобларни, банклардан олинган кредитларни, бошқа кредиторлар билан боғлиқ мажбуриятларни ўрганиб чиқиш керак. Таҳлил қилиш жараёнида биринчи навбатда ҳисобот даври давомида қарзни узиш муддатлари тугайдиган, шунингдек, тўлов муддати кечиктирилган ва турли сабабларга кўра ўтказиб юборилган мажбуриятлар танлаб олинади. Таъминотчилар билан ўзаро ҳисоб-китобни амалга ошириш ҳолатини таҳлил қилиш

учун куйида келтирилган 28-жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин (жадвалга қаранг).

**28-жадвал**

**Таъминотчилар билан ўзаро ҳисоб-китобни амалга ошириш билан боғлиқ операцияларни рўйхатга олиш қайдномаси, млн.сўмда**

	Таъминотчи	Ҳисобот йилининг бошида аниқланган қарздорлик		Ҳисобот йилида юзага келган мажбурият		Туланган ёки ҳисобга олинган		Ҳисобот йилининг охирида аниқланган қарздорлик	
		санаси	сум-маси	сум-маси	сум-маси	сум-маси	сум-маси	санаси	сум-маси
1	Корхона 1	5.11.10	156,2	-	-	02.06	156,2		
2	Корхона 2	8.11.10	38,4	-	-	02.11	38,4		
3	Корхона 3	1.12.10	10,7	-	-	15.08	10,7		
4	Корхона 4	5.08.10	29,5	-	-	16.09	29,5		
5	Корхона 5	-	-	08.11	10,2	18.12	10,2		
6	Корхона 6	-	-	10.11	9,8	21.12	2,0	31.12.11	7,8
7	Корхона 7	-	-	28.11	5,9	-	-	31.12.11	5,9
	Жами		234,8		25,9		247,0		13,7
	31.12.								

Бугунги кунда харидорлар билан шартномавий муносабатларни ўрнатиш вақтида товарларга олдиндан пул ўтказиб бериш шартининг қўйилиши туфайли ҳам корxonанинг потенциал харидорлар олдидаги кредиторлик қарзлари вужудга келиши мумкин. Бу ҳолатни гаҳли-қилиш натижалари (баланснинг 670 сатри – аванс сифатида олинган маблағлар) қуйидаги 29-жадвалда кўрсатилган:

Жадвал маълумотларидан кўришиб турганидек, корxonанинг аванс сифатида олган пул маблағлари ҳисобига кредиторлик қарздорлиги 90,3 млн.сўмни ташкил қилмоқда. Банк ссудалари, заёмлар ва бошқа хил кредитлар бўйича қарздорлик ҳам худди шу йўсинда аниқланади.

1.01. \_\_\_\_\_ й. ҳолатига аниқланган харидорлар ва буюртмачилар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолатининг таҳлилий натижаси (млн.сўм)

Харидор	Қарздорлик (сальдо) ҳисобот даврининг бошида		Ҳушум сифатида расмийлаштирилган маблағлар		Юк жуъатиш		ҳисобот даврининг охирида аниқланган қарздорлик	
	сана-си	суммаси	сана-си	суммаси	сана-си	суммаси	санаси	суммаси
1 Корхона 1	-	-	20.01	659.4	20.02	659.4		
2 Корхона 2	-	-	02.05	2685.9	02.06	2685.9		
3 Корхона 3	-	-	29.07	1325.0	29.08	1325.0		
4 Корхона 4	-	-	15.09	750.1	15.10	750.1		
5 Корхона 5	-	-	30.11	143.2	30.12	143.2		
6 Корхона 6	-	-	14.12	90.3	-	-	31.12.11	90.3
Жами		0.2		5653.9		5563.6		90.3
31.12								

Корхонанинг ликвидлигига берилган кредитларнинг муддатлари ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Кредитларни қайтаришнинг ўртача муддати қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқарилиши мумкин:

$$\text{Кредитни қайтариш муддати} = \frac{\text{Кредит бўйича қарздорликнинг ўртача қолдиғи} \times \text{Давом этиш муддати}}{\text{Оборот суммаси}} \quad (55)$$

Бунда оборот суммаси деганда, таҳлил қилинаётган давр мобайнида мажбуриятлар бўйича аниқланган дебет айланмаси тушунилади. Ҳисоб-китоблар ҳар бир мажбурият тури бўйича алоҳида аниқланади.

Ҳисобот йили давомида кредиторлик қарздорлигининг ўртача давомийлигини аниқлаш учун юқоридаги формуладан фойдаланилганида, формуланинг суратига 360 (ўлчанаётган давр(йил)даги кунлар ҳисоби), чорак бўйича – 90, ой ҳисобида

эса 30 кўйилади. Ҳисобот йили давомида киска муддатли кредиторлик қарздорлигининг ўртача давомийлигини соддалаштирилган тарзда ҳисоблаб чиқариш учун баланс маълумотлари ва ушбу формуладан фойдаланса бўлади:

(56)

$$\text{Кредит бўйича қарздорликнинг ўртача қолдиғи} = \frac{\text{ОКЗ}_н + \text{ОКЗ}_к}{2}$$

Бунда ОКЗ<sub>н</sub> ва ОКЗ<sub>к</sub> - ўлчанаётган даврнинг боши ва охирида аниқланган қолдиқни ифодалайди.

Янада ишончлироқ маълумотларни олиш учун “Қиска муддатли банк кредитлари”, “Таъминотчилар билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар”, “Олинган аванслар бўйича ҳитсоб-китоблар”, “Бюджет билан боғлиқ ҳисоб-китоблар”, “Меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар”, “Ижтимоий таъминот ва тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар” каби журнал-ордер ёки уларнинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатларда алоҳида қайд этиладиган ҳар ойлик кредиторлик қарздорлигининг қолдиқлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун қуйида келтирилган 30-жадвалдан фойдаланиш мумкин (жадвалга қаранг):

### 30-жадвал

#### Муайян муддатларда вужудга келадиган киска муддатли мажбуриятлар таҳлили (млн.сўмда)

Мажбуриятлар тури	Шакли ва сатри	Ўтган йилдаги кредитлаштиришнинг ўртача даври. кунларда	Жорий йилдаги кредиторлик қарздорлигининг қолдиғи. млн.сўмда	Жорий йилдаги дебет обороти. млн.сўмда	Кредитлашнинг жорий йилдаги давомийлиги. кунларда (гр.2*360)/Гр.3
А	Б	1	2	3	4
1. Киска муддатли (жорий даврдаги) мажбуриятлар	Балансининг 600-сатри	45.0	914,6	8002.3	41,1

**30-жадвалнинг давоми**

Шу жумладан, жорий даврдаги кредиторлик қарздорлиги	601-сатр	44.8	909,6	7999.7	40.9
2.Банк(лар)нинг кўска муддатли ссудалари бўйича қарздорлик	730-сатр	0	0	0	0
3.Таъминотчи ва нудратчилар олдидаги қарздорлик	610-сатр	150.2	124.2	489.7	91,3
4. Олинган аванслар	670-сатр	62.1	45.3	369.7	44,1
5. Бюджет туловлари бўйича мавжуд қарздорлик	680-сатр	35.0	258,3	2896.8	32,1
6. Аниқ мақсадли давлат фондлари олдидаги қарздорлик	700-сатр	47.9	67.9	525.7	46,5
7. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар	720-сатр	46.5	170,3	1327.0	46,2
8. Сўғурга компаниялари олдидаги қарздорлик	690-сатр	0	0	0	0
9.Бошқа хил кредиторлик қарзлари	601 – (610 + 670 + 680 + 690 + 700 + 720 + 730) сатрлар	128.6	186.9	540.4	124.5

Жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, корхонанинг жорий даврда буюртмачилардан олган аванслари ҳамда таъминотчилар олдидаги кредиторлик қарзларини қайтариш муддатларида жиддий ўзгаришлар юз берган.

### ***5.4.3 Корхонанинг асосий фондларидан фойдаланиш самарадорлиги***

Корхонанинг асосий фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ифода этувчи муҳим кўрсаткичлардан бири бу ишлаб чиқариш қуввати ҳисобланади. Бу кўрсаткич ёрдамида корхона томонидан муайян давр мобайнида мавжуд ишлаб чиқариш майдонлари, техник ускуна ва технологиялар, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш усулларида фойдаланиб ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган тайёр маҳсулотлар ҳажми ифодаланади. Бирон-бир ишлаб чиқариш ускунасининг ишлаб чиқариш қувватини аниқлаш учун маълум вақт давомида унинг ҳисоблаб чиқарилган иш унумдорлиги кўрсаткичинини ушбу ускунанинг муайян давр учун белгиланган ишлаш вақти фондига кўпайтириш лозим. Бунинг учун куйидаги формуладан фойдаланса бўлади:

$$M = P_{np} * T \quad (57)$$

Бунда

$M$  – ишлаб чиқариш қувватини;

$P_{np}$  – ускунанинг белгиланган вақт давомидаги ҳисоблаб чиқарилган иш унумдорлигини;

$T$  – ушбу ускунанинг ишлаш вақти фондидини ифода этади.

Корхонанинг асосий фондларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун биз куйида келтирилган 31-жадвал кўрсаткичларидан фойдаланишни тавсия этамиз:

**Корхонанинг асосий фондларидан фойдаланиш  
самарадорлигини аниқлаш учун ишлатиладиган  
кўрсаткичлар**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ҳисоблаб чиқариш формуласи</b>
Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси	<p>Киймат кўринишида ушбу формула ёрдамида аниқланади:</p> $\Phi_o = \frac{Пм}{Фср}$ <p>бунда: <math>\Phi_o</math> – фондлар самарадорлигини; <math>Пт</math> – товар маҳсулотини; <math>Фср</math> – асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик кийматини (млн.сўм) ифодалайди.</p> <p>Натурал бирликларда ифодаланган асосий ишлаб чиқариш фондларининг самарадорлиги ҳам худди шундай ҳисобланади</p>
Асосий фондларнинг сизими (асосий иш чик фондларининг самарадорлигига тесқари кўрсаткич)	$\Phi_e = \frac{Фср}{Пм}$ <p>бунда <math>\Phi_e</math> – асосий иш.чик фондларининг самарадорлигини; <math>Пт</math> –товар маҳсулоти; <math>Фср</math> – асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик кийматини (млн.сўм) ифодалайди</p> <p>Натурал бирликларда ифодаланган асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳам худди шундай ҳисобланади.</p>
Меҳнатнинг асосий иш чик фондлари билан жиҳозланганлиги	$\Phi_v = \frac{Фср}{Ч}$ <p>бунда: <math>\Phi_v</math> – Меҳнатнинг асосий иш чик фондлари билан жиҳозланганлигини; <math>Фср</math> – асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик кийматини; <math>Ч</math> – ишчиларнинг сонини ифодалайди.</p>
Асосий фондлардан фойдаланишнинг унумдорлик даражаси (турлар буйича)	$K_{\Sigma} = \frac{T_{\Sigma}}{T_k}$ <p>бунда: <math>K_{\Sigma}</math> — асосий ишлаб чиқариш фондлари ёки уларнинг алоҳида турларидан фойдаланишнинг унумдорлик коэффициентини; <math>T_{\Sigma}</math> ва <math>T_k</math> — эксплуатация қилиш ва календарь вақтини ифодалайди.</p>
Ускуналарнинг ишлаб чиқариш қуввати	$M = P_n p * T$ <p>бунда: <math>M</math> — ишлаб чиқариш қувватини; <math>P_n</math> — белгиланган вақт мобайнида усқунанинг ҳисоблаб чиқариладиган иш унумдорлигини; <math>T</math>— усқунанинг ишлаш вақти фонддини ифодалайди.</p>
Асосий фондлардан экстенсив фойдаланиш коэффициенти	<p>Бурғилаш ва казиб олиш соҳаларидан гашқари барча тармоқлар учун - <math>K_{\Sigma кс} = \frac{T_p}{T_{кал}}</math>, бунда <math>K_{\Sigma кс}</math> –экстенсив фойдаланиш коэффициентини; <math>T_p</math> – ишлаб берилган вақтни; <math>T_{кал}</math> – календарь вақтни ифодалайди.</p>



Асосий фондлардан интенсив фойдаланиш коэффициенти	Асосий фондлардан интенсив фойдаланиш коэффициенти максимал даражада мумкин бўлган ёки базавий иш унумдорлиги кўрсаткичига нисбатан олганда маълум вақт мобайнида ишлаб чиқариш ускуналаридан фойдаланиш унумдорлиги даражасини белгилайди $\text{Кинт} = \frac{Q_{\text{ф}}}{Q_{\text{тах}}}$ бунда $Q_{\text{ф}}$ - казиб олиш ишларининг ҳақиқатда аниқланган ҳажмини, $Q_{\text{тах}}$ – бургилашдан ташқари барча соҳалардаги бир соатлик еки кунлик иш унумдорлигини ифодалайди.
Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичининг меҳнатнинг асосий иш чиқ фондлари билан жиҳозланганлиги кўрсаткичидан кўра тезроқ суръатлар билан ўсиш	Муайян вақт давомидаги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ўсишининг худди шу даврда аниқланган меҳнатнинг асосий иш чиқ фондлари билан жиҳозланганлиги кўрсаткичига нисбати ёхуд меҳнат унумдорлиги кўрсаткичининг ҳақиқатда аниқланган қийматининг асосий иш чиқ фондлари билан жиҳозланганлиги кўрсаткичига нисбати (бирликларда ифодаланган улуши)

**Самарадорлик кўрсаткичлари** ресурсларнинг бирлик ифодасида олинган қийматига нисбатан тўғри келадиган ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) ҳажмини таърифлайди. Ушбу кўрсаткичлар ёрдамида у ёки бу хўжалик субъекти фаолиятининг самарадорлик даражаси аниқланади.

**Сигим кўрсаткичлари** бирлик ифодасида олинган хизматларга нисбатан қилинган сарф-харажатлар ёки ресурслар захирасини таърифлайди. Бу ўринда ресурслар деганда, баланс бўйича аниқланган асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати, харажатлар деганда эса: ушбу фондларнинг аниқланган (ҳисоблаб чиқарилган) амортизацияси назарда тутилади.

Мавжуд ресурсларнинг захираси ҳамда кўрсатилган хизматлар ҳажмини ўзаро солиштиришга тўғри келганда, ушбу даврдаги захираларнинг ўртача катталигини ҳам ҳисоблаб чиқариш керак.

**Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси** асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш характерини тавсифловчи умумлаштирилган кўрсаткич ҳисобланади.

Бу кўрсаткични ҳисоблаб чиқариш вақтида консервация ҳолатидаги ва ижарага берилган асосий фондлар эътиборга олинмайди.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичини таҳлил қилиш учун ушбу кўрсаткичнинг бир неча йиллик динамикасини ўрганиш зарур.

Бунинг учун тайёр маҳсулотлар ҳажмини нарх-навонинг ўзгаришига мослаштириш, асосий фондларнинг қийматини эса уларни қайта баҳолаш коэффициентига мувофиқ ҳолда ҳисоблаш керак.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигининг ўсиши газ маҳсулотларини транспортировка қилиш билан боғлиқ хизматларга ёки амортизацияон сифимларга тўғри келадиган амортизацияон чегирмаларнинг камайишига олиб келади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигининг ўсиши ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар ҳажми(ВП)нинг интенсив тарзда ўсишига туртки берадиган омиллардан бири. Бу ҳилдаги ички боғланишни қуйида келтирилган жараёнларга таъсир кўрсатувчи омиллар модели ёрдамида таърифлаш мумкин:

$$ВП = ОФ \times ФО \quad (58)$$

Жараёнларга таъсир кўрсатувчи омиллар модели ёрдамида асосий ишлаб чиқариш фондлари(ОФ)нинг ҳажмини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар ҳажмининг ҳамда асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш (ФО) самарадорлигининг ўсиш динамикасини ҳисоблаб чиқариш мумкин. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta ВП = \Delta ВП_{ОФ} + \Delta ВП_{ФО} \quad (59)$$

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳажмини ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига тайёр маҳсулотлар ҳажмининг кўпайтири-

лишини абсолют тафовутлар ёрдамида ҳисоблаб чиқиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta ВП_{\text{ОФ}} = \Delta \text{ОФ} \times \text{ОФ}_0 \quad (60)$$

$$\Delta ВП_{\text{Ф(Г)}} = \Delta \text{ФО} \times \text{ОФ}_1 \quad (61)$$

Бунда

$\text{ОФ}_0$ ,  $\text{ОФ}_1$  - асосий ишлаб чиқариш фондларининг базис ва ҳисобот даврларидаги қийматини;

$\text{ФО}_0$ ,  $\text{ФО}_1$  - базис ва ҳисобот даврларида асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.

Бу кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқариш учун қуйида келтирилган 32-жадвалдан фойдаланамиз:

### 32-жадвал

#### Асосий фондларнинг ҳажмини ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига тайёр маҳсулот ҳажмининг кўпайтирилишини ҳисоблаб чиқиш


		Формаси ва сатри	ҳақиқатда	Ўтган йил(давр)нинг худди шу (базавий) даври	оғиш
1	Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳажми, млн сўмда	Форма 5-с 11-стр.	5563.6	5271.8	+291.8
2	Асосий фондларнинг қиймати, млн сўмда	Форма 11 сатр 010(6) ва 010(1)	1859.3	1007.9	+851.4
3	Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги, сўм/сўм	1 / 2 сатрлар	2,992	5,230	-2,238
4	Асосий фондларнинг қийматини ошириш ҳисобига тайёр маҳсулотлар ҳажмининг ошиши (млн. сўмда)		851,4 x 5.23		+4452,8

32-жадвалнинг давоми

5	Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигининг ўзгарилиши ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турининг ўзгариши (млн сўмда)	2.238 x 1859.3		-4161.1	
6	Жами тайёр маҳсулотлар ҳажмининг ошиши (млн сўмда)	4452.8 - (-4161.1)		+291.7*	
7	Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати, млн сўмда	Ҳисоб-китоб АФни ишга тушириш ва уларни ҳисобдан чиқариш муддатларига қараб олиб борилади	1433.6	956,3	+477.3
8	Ўртача йиллик қиймат бўйича аниқланадиган асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги, сўм/сўм	1 / 7 сағрлар	3.881	5,513	-1,632
9	Асосий фондларнинг қийматини ошириш ҳисобига тайёр маҳсулотлар ҳажмининг ошishi даражаси (млн сўмда)	477.3 x 5.513		+2631.4	
10	Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигининг ўзгарилиши ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турининг ўзгариши (млн сўмда)	1.632 x 1433.6		-2339.6	
11	Жами тайёр маҳсулотлар ҳажмининг ошиши (млн сўмда)	2631.4 + (-2339.6)		+291.8	

\*яқлитлаш ҳисобига юзага келган тафовут.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичига таъсир қилувчи омиллар қуйидаги 16-расмда кўрсатилган (расмга қаранг).



**16-расм. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичига таъсир қилувчи омилларнинг схематик кўриниши.**

Келтирилган схема асосида асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар моделини яратса бўлади. Уни қуйидаги формула воситасида ифодалаш мумкин:

$$FO = FO_{\text{п}} \times УД_{\text{п}} . \quad (62)$$

Бунда

УД<sub>п</sub> – жами ишлаб чиқариш фондларининг қийматида асосий ишлаб чиқариш фондларининг улушини:

FO<sub>п</sub> - асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаб чиқариш учун қуйидаги 33-жадвалдан фойдаланамиз.

**Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш  
самарадорлигини ҳисоблаб чиқариш**

	Формаси ва сатри	хақиқатда	Утган йил(давр)ни инг худди шу (базавий) даври	Огиш даражаси	
1	Асосий фондларнинг қиймати. млн сўмда	11- Форма 010(6) ва 010(1) сатрлар	1859,3	1007,9	+851,4
2	Шу жумладан, асосий ишлаб чиқариш фондлари	11- Форма 020 -022 - 029-034- 050 сатрлар	1798,0	986,0	+812,0
3	Асосий фондларнинг қийматида асосий ишлаб чиқариш фондларининг улуши	2 бет x 100 / 1 стр	96,7	97,8	-1,1
4	Жамланган асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги сўм/сўм	1 / 2 сатрлар	3,881	5,513	-1.632
5	Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги . сўм/сўм	3,881 x 96,8 / 100		3,757	

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини характерловчи муҳим иқтисодий кўрсаткичлардан бири асосий фондларнинг сигимидир. Уни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$ФЕ = \frac{1}{ФО} = \frac{СРоф}{ВП} \quad (63)$$

Бунда

ФЕ - асосий фондларнинг сигимини;

ФО - асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини;

СРоф - асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматини;

ВП – ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳажмини ифодалайди.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг сигимини ҳисоблаб чиқариш учун қуйидаги 34-жадвалдан фойдаланамиз (жадвалга қаранг):

**34-жадвал**

**Асосий ишлаб чиқариш фондларининг сигимини ҳисоблаш**

		Шакли ва сағри	Аслида	Ўтган йил (давр)нинг худдишу (базавий) даври	Ўғиш даражаси
1	Ишлаб чиқарилган гайёр маҳсулот ҳажми, млн сўмда	5-с Шакл 11-сағр	5563,6	5271,8	+291,8
2	Асосий ишл. чик фондларининг урғача йиллик қиймати	Ҳисоб-китоб АФни ишга гушириш ва уларни ҳисобдан чиқариш муддатлариг а қараб олиб борилади	1433,6	956,3	+477,3
3	Жами асосий фондларнинг самарадорлиги, сўм/сўм	1 / 2 сағрлар	3,881	5,513	-1,632
4	Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги, сўм/сўм	3,881 x 96,8 / 100	3,757	5,392	-1,635
5	Асосий ишлаб чиқариш фондларининг сигимини 1-услуг бўйича аниқлаш	1 / 4 сағрлар	0,26	0,18	+0,08
6	Асосий ишлаб чиқариш фондларининг сигимини 2-услуг бўйича аниқлаш	2 / 1 сағрлар	0,26	0,18	-0,08

Фондлар сигими ўзгаришлари динамикаси асосий фондлар қийматидаги бир сўмлик тайёр маҳсулотларга нисбатан олинган ўзгаришларни ифодалайди. Бу кўрсаткичдан асосий фондларга сарфланган харажатларни нисбатан олганда ошириб юборилиши ёки аксинча, тежалишини инобатга олиш (Э) зарурияти туғиладиган ҳолларда фойдаланилади. Бу кўрсаткични қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$\Xi = (\Phi E_1 - \Phi E_0) \times ВП_1, \quad (64)$$

Бунда

$\Phi E_1, \Phi E_0$  – ҳисобот йили (даври)даги ва базис давридаги фондлар сизимини;  $ВП_1$  - ҳисобот йили (даври)даги ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳажмини ифодалайди.

Асосий фондларга сарф қилинадиган харажатлар (тежалган ёхуд ортиқча сарфланган)ни ҳисоблаб чиқариш учун қуйида келтирилган 35-жадвалдан фойдаланамиз:

### 35-жадвал

#### Асосий фондларга сарф қилинадиган харажатлар (тежалган ёхуд ортиқча сарфланган)ни ҳисоблаб чиқариш

	Шакли ва сатри	Ҳақиқатда	Ўтган йил(давр)нинг худди шу (базавий) даври	Оғиш даражаси
1	2	3	4	5
Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, млн сўмда	5-с шакл 11-сатр.	5563,6	5271,8	-291,8
Асосий ишл. чиқ. фондларининг сизими	37-жадвал 5-сатр.	0,26	0,18	-0,08
Маблағларнинг тежаллини	2-сатр. (5) x 1-сатр.(3)	0,08 x 5563,6		445,1

Жадвалдан кўришиб турганидек, фонд сизимининг ошиши ҳисобига асосий фондларга қилинадиган харажатлар 445,1 млн.сўмга ошириб юборилган.

Қорхонанинг асосий фондларини шакллантириш ва маблағлар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини характерловчи кўрсаткичлар қуйида келтирилган 36-жадвалда кўрсатилган (жадвалга қаранг):



**Корхонанинг асосий фондларини шакллантириш ва  
маблағлар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар  
самарадорлигини характерловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш**

Кўрсаткич	Шакли ва сатри	Ҳисоблаш формуласи ва шартли белгилар	Натижа
Қиймати ош(кўпай)ган асосий фондлардан фойдаланиш ҳисобига олинган соф фойда	2- Шакл 240-сатр (5) 1-Шакл 012-сатр 11- Шакл 010-сатр (2)	$\text{Ппр} = \text{П} / \text{ОФ} \times \text{ОФпр}$ $\text{Ппр} - \text{қиймати ош(кўпай)ган соф фойда, П} - \text{корхона миқёсидаги соф фойда, ОФ} - \text{асосий фондларнинг қолдиқ қиймати, ОФпр} - \text{асосий фондларнинг кўпайган қиймати}$	$(2087,1 / 1436,5) \times 982,6 = 1427,6$ <p>млн сўм (асосий фондларнинг кўпайиши ҳисобига олинган)</p>
Қиймати ош(кўпай)ган асосий фондлардан фойдаланиш даражаси ( %да)	Махсус ҳисоб	$\text{СИМпр} = \text{ВПпр} / \text{ПМпр} \times 100$ $\text{СИМпр} - \text{қиймати ош(кўпай)ган асосий фондлардан фойдаланиш даражаси; ПМпр} - \text{асосий фондларнинг /қиймати ош(кўпай)ган асосий фондларининг лойиҳавий қуввати; ВПпр} - \text{қиймати ош(кўпай)ган асосий фондлардан фойдаланиб, бир йил давомида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар}$	$333,9 / 500 \times 100 = 66,8\%$ <p>(лойиҳа бўйича қиймати ош(кўпай)ган асосий фондлардан фойдаланиш даражаси %да)</p>
Қиймати ош(кўпай)ган асосий фондлардан унумсиз фойдаланиш (%да)	Формула бўйича ҳисоблаб чиқилади	$\text{НИМпр} = 100 - \text{СИМпр}$ $\text{НИМпр} - \text{қиймати ош(кўпай)ган асосий фондлардан беунум фойдаланиш}$	$100 - 66,8 = 33,2\%$ <p>(қиймати ош(кўпай)ган асосий фондлардан беунум фойдаланиш)</p>

### 36-жадвалнинг давоми

Киймати ошқунмайган асосий фондлардан унумсиз фойдаланиш туфайли олинмай қолган соф фойда	Формула буйича ҳисоблаб чиқилади	$\text{ШПр} = \text{Пр} \times \text{НИМ}$ $\text{Пр} - \text{киймати ошқунмайган асосий фондлардан беунум фойдаланиш туфайли олинмай қолган соф фойда}$	$1427,6 \times 33,2 / 100 = 474 \text{ млн. сўмлик соф фойда олиниши мумкин эди}$
Илгари амал қилган асосий фондларнинг худди шундай кўрсаткичига нисбатан олинган ишлаб чиқаришга сафарбар этилган асосий фондларнинг 1 та ишчига тўғри келадиган иш маҳсулдорлиги	10-жадвал маълумотлари	$\text{Пртр} = (\text{Пртр}2 \times 100) / \text{Пртр}1$ $\text{Пртр} - \text{мехнат унумдорлигининг ўсиши ёки пасайиши,}$ $\text{Пртр}1 - \text{асосий фондларни ишга солишдан илгариги мехнат унумдорлиги,}$ $\text{Пртр}2 - \text{асосий фондларни ишга солишдан кейинги мехнат унумдорлиги}$	$7,858 \times 100 / 4856 = 161,8\% \text{ (мехнат унумдорлигининг ўсиши ёки 1 та ишчига нисбатан 3,002 млн сум)}$
Мехнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилмай қолган (қўшимча равишда олинган) ишлаб чиқариш ҳажми	10-жадвал маълумотлари	$\text{Опр} = \text{Пртр} \times \text{Ч}$ $\text{Опр} - \text{Мехнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилган ишлаб чиқариш ҳажми, Ч} - \text{ишчиларнинг сони}$	$3,002 \times 708 = 2125,4 \text{ млн. сўм (иш унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилган ишлаб чиқариш натижаси)}$
Асосий фондларнинг 1 сўмига тенг келадиган харажатлар	5-с Шакли (17+26- сатрлар)	$Зс = З_{\text{соф}} / \text{СС}_{\text{соф}}$ $Зс - 1 \text{ сўмлик асосий фондларга нисбатан аниқланган харажатлар, } З_{\text{соф}} - \text{ускуналарни ишга яроқли ҳолда сақлаш учун қилинган харажатлар} + \text{амортизация, } \text{СС}_{\text{соф}} - \text{асосий фондларнинг ўртача йиллик киймати}$	$(169,9 + 120,3) / 1433,6 = 0,2 \text{ млн. сўм}$

Эркин бозор муносабатларига асосланган иктисодий тизим шароитларида ҳар йили ўтказиладиган амалдаги қонунчилик асосида асосий фондларни қайтадан баҳолаш амалиёти (муолажаси) корхонанинг молиявий ҳолатига катта таъсир кўрсатади. Бу жараённинг таъсири ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун жуда катта ҳажмларда асосий фондлар талаб этиладиган тармоқларда, масалан, нефть-газ саноатида, ниҳоятда сезиларлидир. Асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолаб бориш амалиётининг таъсир самарасини қуйида келтирилган 37-жадвалга қараб тасаввур этишингиз мумкин:

### 37-жадвал

#### Асосий фондларни қайта баҳолашдан кейин улардан фойдаланиш самарадорлиги ва даромадлигининг ўзгаришини ҳисоблаш усули

Кўрсаткич	Ҳисоблаб чиқариш усули	Натижалар
Асосий фондларни қайта баҳолашдан кейин улардан фойдаланиш самарадорлигини ўзгариши – ИзмФО	$\frac{\text{ИзмФО} = \left( \frac{\text{ВП}}{\text{СрОФдо}} - \frac{\text{ВП}}{\text{СрОФп}} \right) \cdot \frac{\text{ВП}}{\text{СрОФдо}} \times 100}{\text{СрОФдо}}$ <p>буяда: ВП – ишлаб чиқариш ҳажми; СрОФдо – асосий фондларнинг қайта баҳолангангича аниқланган ўртача йиллик қиймати; СрОФп – ас. фондларнинг қайта баҳоланган қиймати</p>	<p>Ас фондларнинг қайта баҳоланмаган ўртача йиллик қиймати</p> $\frac{(1419+1577,2)}{2} = 1498,5$ <p>Ас фондларнинг қайта баҳоланган ўртача йиллик қиймати</p> $\frac{(1802,5+1959,9)}{2} = 1881,2$ $\text{ИзмФО} = \frac{(5563,6 + 5563,6)}{(1498,5 + 1881,2)} = \frac{5563,6}{1498,5} \times 100 = 20,2\%$
Ас. фондларни қайта баҳолашнинг молиявий натижаларга таъсири – жами. Шу жумладан: - ас. фондларни қайта баҳолаш	<p>Қ.б. таъсири = (Қ.б. ҳисобига ўрнатиш аморт.) + (Мулк сол. қуй. ставка)</p>	<p>23,7 + 13,4 = 37,1 млн. сўм</p> <p>382,7 × 6,2 / 100 = 23,7 млн. сўм</p> <p>382,7 × 3,5 / 100 = 13,4 млн. сўм</p>

<p>ҳисобига амортизация муддатларининг ошиши (амортизация нормаси (Нам) – 6,2) - мол-мулк созлиғини белгиланган ставкалар буйича ёзилиши (Ст.Н) – 3,5% ас. фондларни қайта баҳолаш вақтида аниқланган қийматига нисбатан</p>		
<p>Асосий фондлар қайта баҳолаганидан кейин уларнинг даромадчилиғини нн ўзгариши - ИзмПОФ</p>	$\frac{\text{ИзмПОФ} = \left( \frac{\Pi}{\text{СрОФдо}} - \frac{\Pi - А - \text{Нн}\Pi}{\text{СрОФн}} \right)}{\frac{\Pi}{\text{СрОФдо}}} \times 100$ <p>бунда: <math>\Pi</math> – соф фойда; <math>A</math> – ас фондлар қайта баҳоланиши ҳисобига амортизациянинг ўзгариши; <math>\text{Нн}\Pi</math> – ас фондлар қайта баҳоланиши ҳисобига мол-мулк созиғининг ошиши</p>	$\frac{\text{ИзмПОФ} = \left( \frac{2087,1}{1498,5} + \frac{2087,1 - 23,7 - 13,4}{1881,2} \right)}{\frac{2087,1}{1498,5}} \times 100 = 21,6\%$

Шундай қилиб, таҳлил қилинаётган даврда корхонанинг асосий фондларини қайтадан баҳолаш ҳисобига фондлардан фойдаланиш самарадорлиғи 20,2% га, олиндиған даромадлар салмоғи эса 21,6% га камайганини билиб оламиз.

### **5.5. Корхонанинг молиявий барқарорлиғи, тўловга лаяқатлиғи ва ликвидлиғини баҳолаш**

Корхонанинг функционал фаолияти барқарор давом этиши унинг даромад келтириши билан узвий боғлиқ.

Корхонанинг молиявий жиҳатдан барқарорлиги кўп жиҳатдан унинг капитали қандай шакллантирилганига ва жорий даврда дебиторлари билан ўрнагиладиган ҳисоб-китоб муносабатларининг хусусиятларига боғлиқ.

Молиявий барқарорлик. тўловга лаёқатлилиқ ва ликвидлиқ ҳолатини таҳлил қилиш учун “Бухгалтерлик баланси” (1-шакл, 1-илова), “Молиявий фаолият натижалари ҳақидаги ҳисобот” (2-илова), “Корхона тасарруфидаги капитал ҳақида ҳисобот” (5-шакл, 3-илова) ҳамда дебиторлиқ ва кредиторлиқ қарзлари ҳақидаги маълумотномалар каби ҳужжатлардан фойдаланилади.

Корхонанинг мол-мулкни шакллантириш манбалари тузилмасини характерлаб берувчи асосий кўрсаткичлардан бири бу корхонанинг *мустақиллик коэффицентидир*. Уни қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$K_{\text{му́стақиллик коэффи́центи}} = \frac{\text{корхона тасарруфидаги мол-мулк манбалари}}{\text{корхонанинг мол-мулки}} * 100 \quad (65)$$

Мустақиллик коэффиценти инвесторлар учун ҳам, кредиторлар учун ҳам бирдек муҳим, негаки, ушбу кўрсаткич корхонанинг жами мол-мулки қийматида мулк эгаларининг шахсан қўшган улушини акс эттиради.

*Молиявий барқарорлик коэффиценти* нисбатан узок вақт давомида корхона томонидан ўз мақсадлари йўлида ишлатилиши мумкин бўлган молиявий капитал манбаларининг солиштирама оғирлигини ифодалайди. Уни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$K_{\text{мол.барқарорлик}} = \frac{K_{\text{корхонанинг узига тегишли мулк манбалари}} + U_{\text{узок муддатли қарз мажбуриятлари}}}{K_{\text{корхонанинг мол-мулки}}} * 100\% \quad (66)$$

**Молиялаштириш коэффициенти** ҳам жуда муҳим кўрсаткичлардан бири сачалади. Бу кўрсаткич ёрдамида корхона тасарруфидаги молиявий капитал ҳамда қарзга олинган капитал маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган фаолият соҳаларини ўрганиш мумкин. Бу кўрсаткични қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$K_{\text{молиялаштириш}} = \frac{K_{\text{Корхонанинг ўзига тегишли мулк манбалари}}}{M_{\text{Мажбуриятлар (қарзга олинган капитал)}}} \quad (67)$$

Молиялаштириш коэффициенти 1 дан кам бўлган ҳолатларда, яъни корхона мол-мулкининг каттароқ қисми қарзга олинган маблағлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, корхонанинг тўлов лаёқати паст даражада эканлиги аниқланади. Бундай молиявий ҳолатда бўлган корхонага қарзга сармоя беришлари кийин.

**Инвестициялаш коэффициенти** – 1, бу кўрсаткич корхонанинг ўзига тегишли бўлган капитал маблағлар қай даражада амалга оширилган инвестицион харажатлар ўрнини қоплаши мумкинлигини кўрсатади. Уни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$K_{\text{инвестициялаш 1}} = \frac{\text{корхонанинг ўзига тегишли мулк манбалари}}{\text{узоқ муддатли активлар}} * 100 \quad (68)$$

**Инвестициялаш коэффициенти** – 2, бу кўрсаткич корхонанинг ўзига тегишли мулк манбалари ва узоқ муддатли кредитлар корхонанинг инвестицияларини шакллантиришда қандай улушни ташкил қилишини ифодалайди. Бу кўрсаткични қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$K_{\text{инвестициялаш 2}} = \frac{\text{корхонанинг ўзига тегишли мулк манбалари} + \text{узок муддатли қарзлар}}{\text{узок муддатли активлар}} * 100 \quad (69)$$

38-жадвал

**Инвестициялаш самарадорлигини ифода этувчи кўрсаткичларнинг жамланган жадвали**

Кўрсаткич	Ҳисоб-китоблар
1. Муствақиллик коэффициенти	$\frac{2627.2}{3217.4} \times 100 = 81.6$
2. Молиявий барқарорлик коэффициенти	$\frac{(2627.2 + 0)}{3217.4} \times 100 = 81.6$
3. Молиялаштириш коэффициенти	$\frac{2627.2}{590.2} = 4.45$
4. Инвестициялаш коэффициенти 1 (корхонанинг ўзига тегишли бўлган мулк манбалари)	$\frac{2627.2}{1701.1} \times 100 = 154.4$
5. Инвестициялаш коэффициенти 2 (корхонанинг ўзига тегишли мулк манбалари ва узок муддатли қарзлар)	$\frac{(2627.2 + 0)}{1701.1} \times 100 = 154.4$

Умуман олганда, ҳар қандай корхона фаолиятининг самарадорлиги (натижавийлиги) абсолют ва нисбий кўрсаткичлар ёрдамида ифодаланиши мумкин. Бу ҳилдаги кўрсаткичлар орасида бир қатор муҳим кўрсаткичлар бор, жумладан, **активларнинг рентабеллик коэффициенти**. Уни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$\text{Активлар рентабеллиги} = \frac{\text{солиқлар тўлангунига қадар аниқланган соф фойда}}{\text{активларнинг ўртача катталиги}} * 100 \quad (70)$$

Бу кўрсаткич корхона активларига сарфланган ҳар бир сўм ҳисобига қанча соф фойда олинишини кўрсатади.

Биз кўриб чиқайтган мисолда активларнинг ўртача катталиги (1-шакл, 400- сатр) 2883,6 млн.сўмни  $[(2549,9 + 3217,4) / 2]$ , солиқлар тўлангунига қадар аниқланган соф фойда (2-шакл 240-

сатр) – 2087,1 млн.сўмни ташкил қилгани маълум бўлади. Шундай қилиб, активлар(мол-мулк)нинг рентабеллиги – 72,4% (2087,1 x 100 / 2883.6)ни ташкил қилиши маълум бўлади.

Таҳлил жараёнларида жами активларнинг рентабеллиги билан бирга *жорий даврдаги активларнинг рентабеллиги* кўрсаткичи ҳам ишлатилади.

Жорий даврдаги активларнинг рентабеллиги =

$$= \frac{\text{солиқлар тўлагунга қадар аниқланган соф фойда}}{\text{оборотдаги активларнинг ўртача катталиги}} * 100 \quad (71)$$

Жорий даврдаги активларнинг (1-шакл, 390-сатр) ўртача қийматдаги ифодаси 1662,6 млн.сўм [(1809,0 + 1516,3) / 2], биз кўриб чиқаётган мисолда 125,5% ни (2087,1 x 1662,6) ташкил қилади.

*Инвестициялар рентабеллиги* - корхонага инвестицияланган маблағларнинг самарадорлигини ифода этувчи кўрсаткич ҳисобланади. Уни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$\begin{aligned} & \text{Инвестициялар рентабеллиги} = \\ & \frac{\text{Солиқлар тўлангунига қадар аниқланган соф фойда}}{\text{Валюта баланси} - \text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}} \times 100 \quad (72) \end{aligned}$$

Хорижий мамлакатлар амалиётида инвестициялар рентабеллиги кўрсаткичи инвестицияларни бошқариш амалиётининг самарадорлик кўрсаткичи (моҳирлик даражаси) сифатида баҳоланади.

Биз кўриб чиқаётган мисолда кузатилаётган даврнинг охирига келиб валюта баланси (1-шакл, 780-сатр) – 3217,4 млн.сўмни, қисқа муддатли мажбуриятлар (1-шакл. 600-сатр) –



590,2 млн.сўмни, соф фойда эса, илгари айтиб ўтилганидек, 2087,1 млн.сўмни ташкил қилган. Бу ҳолатда инвестицияларнинг рентабеллиги 79,4% ни  $[(2087,1 \times 100 / (3217,4 - 590,2))]$  ташкил қилади.

Сармоядорлар корхона фаолиятини инвестициялаштиришда қатнашар эканлар, келгусида қандайдир даромад олиш илинжида бўладилар. Шунинг учун акционерларнинг назарида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлиги (натижавийлиги) кўп жиҳатдан жойлаштирилган инвестицияларнинг даромад келтириш имкониятлари билан боғланади. Киритилган инвестицияларнинг даромадлилиги ёки шахсий капиталнинг рентабеллиги қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқарилади:

$$\begin{aligned} \text{Шахсий капитал рентабеллиги} &= \\ &= \frac{\text{корхона ихтиёридаги соф фойда}}{\text{корхонанинг хусусий маблағ манбалари}} * 100 \end{aligned} \quad (73)$$

Биз кўриб чиқаётган мисолда корхонанинг ихтиёридаги даромад (соф фойда – 2-шакл, 270-сатр) 1461,7 млн.сўмни, корхонага тегишли мол-мулк манбалари – 2627,2 млн.сўмни (1-шакл, 480-сатр) ташкил қилиши маълум бўлди. Демак, шахсий капитал рентабеллиги 55,6% ни  $(1461,7 \times 100 / 2627,2)$  ташкил қилади.

Таҳлил жараёнлари учун муҳим яна бир кўрсаткич бу реализация қилинган тайёр маҳсулотларнинг рентабеллиги кўрсаткичидир. Уни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$\begin{aligned} \text{Реализация рентабеллиги} &= \\ &= \frac{\text{солиқлар тўлангунига қадар аниқланган соф фойда}}{\text{реализация ҳисобига олинган кирим}} * 100 \end{aligned} \quad (74)$$

Биз кўриб чиқаётган мисолда реализация ҳисобига олинган кирим (даромад) (2-шакл, 010-сатр) 5563,6 млн. сўмни, соф фойда – 2087,1 млн.сўмни (2-шакл, 240-сатр), реализация қилинган тайёр маҳсулотлар рентабеллиги 37,5% ни  $(2087,1 \times 100 / 5563,6)$  ташкил қилиши маълум бўлади.

Ушбу коэффициентнинг киймати реализация қилинган ҳар бир сўмлик тайёр маҳсулотдан корхона қандай фойда олаётганлигини кўрсатади. Реализация қилинган тайёр маҳсулотлар рентабеллиги кўрсаткичининг пасайиб бориши мазкур турдаги товарларга нисбатан мавжуд талабнинг пасайиб бораётганлигидан далолат беради. Бу кўрсаткичнинг пасайиши реализация тузилишида юз берадиган ўзгаришлар ёхуд бошқа хил омиллар таъсири туфайли ҳам рўй бериши мумкин.

Корхона активларидан фойдаланиш қай даражада самарали эканини ифода этувчи кўрсаткичлардан бири бу уларнинг айланиш тезлигидир. Бу кўрсаткични қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$\begin{aligned} & \text{Активларнинг} \\ & \text{айланиш тезлиги} = \\ & = \frac{\text{Реализация ҳажми}}{\text{Активлар (мол-мулк)нинг} \\ & \quad \text{ўртача катталиги}} \times 100 \end{aligned} \quad (75)$$

Биз кўриб чиқаётган мисолда, реализация қилинган товарлар ҳажми (2-шакл, 010-сатр) ва корхона активларининг ўртача катталиги (1-шакл, 780-сатр)дан келиб чиқадиган бўлсак, бу кўрсаткич биринчи ҳолатда – 5563,6 млн.сўмни, иккинчи ҳолатда эса – 2883,6 млн.сўмни, яъни бир йилда 1,93 оборотни ёки 186,5 кунни  $(360/1,93)$  ташкил қилиши маълум бўлади.

Активлар (мол-мулк) рентабеллиги, активларнинг айланиш тезлиги ҳамда реализация қилинган товарлар рентабеллиги кўрсаткичлари ўртасида ички алоқадорлик мавжуд. Бу муносабатларни қуйидаги формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$\text{Активлар рентабеллиги} = \text{Активларнинг айланиш тезлиги} \times \text{Реализация қилинган маҳсулотлар рентабеллиги} \quad (76)$$

Бошқача қилиб айтганда, активларга жойлаштирилган маблағларнинг ҳар бир сўмига нисбатан тўғри келадиган соф фойда миқдори маблағларнинг айланиш тезлиги ҳамда реализациядан кейинги тушумлар ҳажмида соф фойданинг улушига боғлиқ.

76-формуладан келиб чиқадиган бўлсак, активлар рентабеллигининг киймати (72,4%) активларнинг 1,93 ҳажмдаги обороти (75-формула) ва 37,5% ҳажмдаги товарлар реализациясининг рентабеллиги (74-формула)дан ҳосил бўлгани аниқланади.

Корхонанинг молиявий ҳолатидан дарак берувчи муҳим мезонлардан бири бу тўлов лаёқатининг даражасидир. Бу кўрсаткич корхонанинг узок муддатли қарз мажбуриятларини бажара олиш лаёқати қай даражада эканини ифодалайди. Корхонанинг активлари қарз мажбуриятларига нисбатан юқори бўлган корхоналар тўловга лаёқатли ҳисобланади.

Корхонанинг қисқа муддатли қарз мажбуриятларини бажара олиш лаёқати ликвидлик деб аталади. Жорий даврдаги активларини реализация қилиб, ўзининг қисқа муддатли қарз мажбуриятларини тўлиқ бажара оладиган корхоналар ликвидлик лаёқатига эга бўлган корхона ҳисобланади.

Амалиётда ликвидлик кўрсаткичининг бутун бошли тизимдан фойдаланилади (бу ҳақда батафсилроқ маълумот олиш учун бўлимнинг охиридаги жадвалга қаранг). Бу ўринда биз уларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

**Абсолют ликвидлик (муддатлик) коэффициенти.** Бу кўрсаткич пул маблағлари ва тез орада реализация қилиниши мумкин бўлган қимматли қоғозларнинг қисқа муддатли қарз мажбуриятларига нисбати сифатида ифодаланadi. У жорий даврдаги қарзларнинг қандайдир бир қисми баланс тузилаётган даврда ёки бошқа бирон бир муддатда қайтарилиши мумкинлигини кўрсатади.

Биз кўриб чиқаётган мисолда, ҳисобот йилининг бошида аниқланган пул маблағлари ҳамда қисқа муддатли қарз мажбуриятларининг нисбати 0,11 (136:1239)ни, йилнинг охиридаги нисбати эса 0,29 (172,9:590,2)ни ташкил қилади. Бу дегани, корхона ўзининг қарз мажбуриятларини нисбатан қисқа

муддатлар ичида бажара олмайди. Бирок, барча кредиторлар бир вақтнинг ўзида ўз маблағларини қайтариб бериш талабини қўймаслигини, шунингдек, назарий жиҳатдан олганда, аниқланган муддатлилиқ коэффициентининг 0,2 даражаси оптимал ҳисобланишини эътиборга оладиган бўлсак, у ҳолда корхонанинг иқтисодий ҳолати инкироз нуқтасидан юқори эканини эътироф этишимиз мумкин бўлади.

**Аниқлаштирилган ликвидлик коэффициенти.** Бу кўрсаткич пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва дебиторлик қарзларининг қисқа муддатли қарз мажбуриятларига нисбати сифатида ифодаланади. Бу кўрсаткич жорий даврдаги қарзларнинг қандайдир бир қисми нафақат нақд пул ҳисобига, балки истеъмолчиларга жўнатиб юборилган товарлар, бажарилган иш (хизмат)лар учун тўланиши кутилаётган пуллар ҳисобидан тўланиши мумкинлигини кўрсатади.

Биз кўриб чиқаётган мисолда, бу нисбат ҳисобот йилининг бошида  $1,10 (136 + 1229) / 1239$  ва йилнинг охирида  $1,78 (172,9 + 879,9) / 590,2$  ни ташкил қилиши, бошқача қилиб айтганда, 0,68 пунктга кўпайгани аниқланади.

**Ликвидликнинг умумий коэффициенти** (сарф-харажат / қарзларнинг қопланиш коэффициенти) – жорий даврдаги жами активларнинг қисқа муддатли қарз мажбуриятларига нисбатини ифодалайди. Бу кўрсаткич жорий даврдаги активлар қисқа муддатли қарзларни неча маротаба қоплаши мумкинлигини аниқлашга имкон беради. Умуман олганда, бу кўрсаткичнинг қиймати 1,25 ва ундан юқори бўлса, нормал ҳолат ҳисобланади. Шу нарса эътиборда тутмоқ керакки, жорий даврдаги активлар ҳамда қисқа муддатли қарзларнинг нисбати 1,25 дан кам бўлса, бу ҳолда корхонанинг молиявий барқарорлиги юқори даражали иқтисодий хатар (риск) остида, таъсирида қолади. Негаки, кредиторлар қарзни қайтаришни талаб қилиб қолсалар, корхона жорий даврдаги барча активларини реализация қилишга мажбур бўлади. Активларнинг ликвидлиги турлича бўлишини эътиборга оладиган бўлсак, комил ишонч билан айтишимиз мумкинки, барча активларни бир хил тезликда реализация қилишнинг имкони бўлмай қолади. Демакки, корхонанинг молиявий аҳволи яна оғирлашади. Қарзларнинг қопланиш коэффициенти 1,25 дан

анча юқори бўлса, корхонага тегишли капитал манбалар ҳисобидан шакллантириладиган эркин ресурслар анча салмоқлилиги маълум бўлади.

Корхонанинг ликвидлик даражаси қандайлигидан дарак берувчи бошқа кўрсаткич *айланма капиталдир*. Уни жорий даврдаги активлар ҳамда қисқа муддатли қарз мажбуриятлари ўртасидаги тафовут сифатида ифодаласа бўлади. Бошқача қилиб айтганда, токи жорий даврдаги активлар қисқа муддатли қарзларнинг қийматидан ошиқча бўлса, корхонанинг ихтиёрида айланма капитал мавжуд, деб айтишимиз мумкин.

Биз кўриб чиқаётган мисолда, ҳисобот йилининг бошида айланма капитал 570 млн.сўмни (1809 - 1239). йилнинг охирига келиб эса 962,1 млн.сўмни (1516,3 – 509,2) ташкил қилгани маълум бўлади. Бу вазиятда корхонанинг ўз манбалари ҳисобидан шакллантирилган капитал маблағларнинг қандай қисми ўта ҳаракатчан активларга жойлаштирилганини аниқлаш зарур. Бунинг учун *чаққонлик, моҳирлик, оқилона бошқарув коэффиценти* (русча –*коэффициент маневренности*) эътиборга олинади. Уни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқариш мумкин:

$$K_{\text{Оқилона бошқарув коэффиценти}} = \frac{\text{Айланма капитал (жорий пайтдаги активлар – қисқа муддатли қарз мажбуриятлари)}}{\text{корхонага тегишли бўлган капитал манбалари}} \quad (77)$$

Биз кўриб чиқаётган мисолда, *чаққонлик, моҳирлик, оқилона бошқарув коэффиценти* ҳисобот йилининг бошида (1809,0 - 1239):1310,9 = 0,43; йилнинг охирига келиб (1516,3 – 590,2):2627,2 = 0,35 ни ташкил қилган. Демак, таҳлил қилинаётган даврда корхонанинг айланма капиталини оқилона ва моҳирона бошқариш имкониятлари бирмунча камайган.

Корхонанинг тўловга лаёқатлилиги ва ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичлар қуйидаги 39-жадвалда келтирилган:

### Корхонанинг тўловга лаёқатлилиги ва ликвидлигини ифодаловчи умумлаштирилган кўрсаткичлар

Кўрсаткич	Белгиланган вазифа (мақсади)	Ҳисоблаш формуласи ва ахборот манбалари	Мисол (ҳисобот йилининг охирига келиб аниқланган маълумотлар бўйича)
1 Абсолют ликвидлик (муддатлик) коэффициенти	Баланс тузилган ёки бошқа бир белгиланган вақтга келиб жорий пайтдаги қарзларнинг қайси қисми узилиши мумкинлигини ифодалайди	(пул маблаглари + тез реализация қилинадиган қимматли қоғозлар) / қисқа муддатли қарз мажбуриятлари	$15,2 / 590,2 = 0,03$
2 Аниқлаштирилган ликвидлик коэффициенти	Жорий пайтдаги қарзларнинг қайсидир бир қисми мавжуд маблаглар ҳисобидан, ёки келиши кутулаётган маблаглар ҳисобидан ҳам узилиши мумкинлигини ифодалайди	(пул маблаглари + тез реализация қилинадиган қимматли қоғозлар + дебиторлик қарзлари) / қисқа муддатли қарз мажбуриятлари	$(15,2 + 879,9) / 590,2 = 1,52$
3 Харажатлар қопланиши (тўловга лаёқатлилигининг умумлаштирилган коэффициенти)	Жорий пайтдаги активлар қай даражада қисқа муддатли қарз мажбуриятларини қоплаши мумкин бўлишини ифодалайди	Жорий пайтдаги активлар / қисқа муддатли қарз мажбуриятлари	$1516,3 / 590,2 = 2,57$
4 Айланма капитал	Жорий пайтдаги активлар қай даражада қисқа муддатли қарз мажбуриятларидан устунлик қилишини (умумий ликвидлик ҳолатини) ифодалайди	Жорий пайтдаги активлар / қисқа муддатли қарз мажбуриятлари	$1516,3 - 590,2 = 926,1$

### 39-жадвалнинг давоми

5. Чаккон ҳаракачанлик ва оқилона бошқарув коэффиценти	корхонага тегишли капитал маблағларнинг қандай қисми кучли муомала қобилиятига эга активларга жойлаштирилганини ифодалайди	айланма капитал / корхонага тегишли капитал маблағлар манбалари	$(1516,3 - 590,2) / 2627,2 = 0,35$
6. Жорий пайтдаги активларнинг гаркибида қийин реализация қилинадиган активларнинг улушини ифодалайди	активларнинг “сифати”ни тавсифлайди	Омборларда узок ётиб қолган материаллар, қийин реализация бўладиган маҳсулотлар, тўлов муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи/ жорий пайтдаги активлар (ҳисобланган)	$450,8 / 1516,3 = 0,3$
7. Қийин ва осон реализация бўладиган активларнинг нисбати	активларнинг “сифати”ни тавсифлайди	қийин реализация бўладиган активлар/ (жорий пайтдаги активлар – қийин реализация бўладиган активлар) (ҳисобланган)	$450,8 / (1516,3 - 450,8) = 0,42$
8. Кредитларни ажратишнинг ўртача давомийлик муддатлари	Корхонага контрагентлар томонидан кредит тақдим этилишининг давомийлигини тавсифлайди	Ўртача қолдиқки кунлар ҳисобига кўпайтириб, сўнг муайян давр учун аниқланган оборот (ҳисоб-китоблар дебети ҳамда мажбуриятлар бўйича)лар суммасига бўламиз	$((1239,0+590,2) / 2) \times 360 / 8002,3 = 41,1$

### **5.6 Корхонанинг молиявий фаолияти натижаларини таҳлил қилиш**

Корхона хўжалик фаолиятининг турли жабҳалари пул шаклидаги муайян молиявий кўрсаткичларда ўз аксини топади.

Маъмур кўрсаткичлар умумлаштирилган тарзда 2-шакл “Молиявий фаолият натижалари бўйича ҳисобот” номи билан бухгалтерлик ҳужжатининг 2-иловасида келтирилади.

Молиявий фаолиятнинг якуний натижаси баланс бўйича аниқланган соф фойда (даромад) ёки чиқим кўриниши [молиявий фаолиятнинг даромад солиғини тўлашдан аввалги умумлаштирилган натижаси (соф фойда ёки чиқим)] да ифодаланиб, мазмунан хўжалик фаолиятининг молиявий кўрсаткичларда ифодаланган натижаси ҳамда меъёридан ортиқ даромад ва чиқимлар суммасини акс эттиради.

Молиявий фаолиятнинг якуний натижасини ифода этувчи кўрсаткичлар хўжалик фаолиятининг абсолют даражадаги самарадорлигини характерлайди. Шу билан бирга иш самарадорлигининг нисбий кўрсаткичлари (жумладан, рентабеллик кўрсаткичи) ҳам ҳисобга олинади лозим.

Корхонанинг молиявий фаолияти натижаларини таҳлил қилиш жараёни давомида қуйидаги вазифалар бажарилиши керак:

- молиявий фаолият натижаларининг динамикаси;
- молиявий фаолият натижаларига таъсир кўрсатувчи омилларнинг таҳлили.

### ***5.6.1. Корхона даромадларининг шаклланишига таъсир қилувчи омиллар таҳлили***

Корхонанинг барча харажатлари икки қисмга, яъни ўзгарувчи (ишлаб чиқариш ҳажмига ва суръатларига пропорционал тарзда ўзгаради) ва доимий харажатларга бўлинади.

Тайёр маҳсулотларни реализация қилиш ҳисобига олинмаган тушумлар қийматидан ўзгарувчи сарф-харажатларнинг таннархига тенг қийматни айириб ташлагандан кейин қоладиган колдиқ маржинал даромад (инглизча – marginal-аҳамиятсиз, энг кам, арзимас) ҳисобланади. Бу кўрсаткич бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолашда катта аҳамиятга эга.

Ўзгариб турувчи харажатлар жумласига бевосита моддий харажатлар, ишлаб чиқаришда банд бўлган персоналнинг иш



ҳақи (тегишли чегирмалар билан), шунингдек, ускуналарни ишга яроқли ҳолатда сақлаб туриш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатлар ва бошқа хил ишлаб чиқариш харажатлари киради.

Доимий харажатлар жумласига маъмурий-бошқарув ишларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, амортизацион чегирмалар, тайёр маҳсулотларни сотиш, бозор конъюнктурасини ўрганиш, тижорат ва умумий хўжалик ишлари билан боғлиқ харажатлар киради.

Доимий харажатлар қиймат кўрсаткичининг ҳар қандай ўзгариши пировард натижада корхонанинг молиявий аҳволини кескин оғирлаштириб юбориши мумкин. Негаки, шундай ҳолат юз берса, муайян турдаги маҳсулотларни қўшимча тарзда янада кўпроқ сотиш ва сотувдан тушган маблағлар ҳисобидан ҳаддан ташқари кўпайиб кетган ишлаб чиқариш харажатларининг ўрнини қоплаш эҳтиёжи туғилади.

Таъбир жоиз бўлса, айтишимиз мумкинки, доимий сарф-харажатлар қанчалик кам бўлса, корхонанинг молиявий ҳолати шунчалик яхшиланади.

Тайёр маҳсулотларнинг сотилиш нархлари ўзгарса, бу омилнинг таъсири нафақат корхонанинг яқин истикболдаги молиявий ҳолатига, балки нисбатан узоқ вақт давомидаги рақобатбардошлик лаёқатига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳар қандай хўжалик субъектининг асосий мақсади соф фойда олишдан иборат.

Мантиқий жиҳатдан олганда, корхонанинг қай даражада зарар кўрмасдан ишлай олишини таҳлил қилиш давомида албатта унинг даромад келтириш салоҳияти аниқланади. Даромад келтириш потенциалини ўрганиш воситасида бир қатор муҳим маълумотларни тўплаш мумкин. Жумладан, тайёр маҳсулотларнинг реализацияси қандай кўламларга етказилса, соф фойда олиниши мумкинлигини, шунингдек, доимий сарф-харажатларнинг ўзгаришлари молиявий натижаларга қандай таъсир қилишини билиб олса бўлади.

Молиявий кўрсаткичларнинг динамикасини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун қуйидаги 40-жадвалдан фойдаланиш мумкин:

**Корхона молиявий фаолияти натижаларининг шаклланиши,  
млн.сўмда**

	Ўтган давр	Ҳисобот даври	Оғиш даражаси	
			%	+ , -
Реализация ҳисобидан олинган соф даромад (010-сатр. «Молиявий фаолият натижалари бўйича ҳисобот»)	3472.1	5563.6	160.2	+2091,5
Реализация қилинган маҳсулотларнинг таннарихи (020-сатр. «Молиявий фаолият натижалари бўйича ҳисобот»)	1485.8	1928.3	129,8	+442,5
Реализация натижалари (030-сатр. «Молиявий фаолият натижалари бўйича ҳисобот» )	1986.3	3635,3	183.0	+1649.0
Ҳисобот даври харажатлари (040-сатр. «Молиявий фаолият натижалари бўйича ҳисобот»)	991.2	1631,3	164.6	+370,1
Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижалари (даромад ёки чиқим) (100-сатр. «Молиявий фаолият натижалари бўйича ҳисобот»)	1034.1	2092.0	202.3	+1057,9
Молиявий фаолият гуфайли олинган даромадлар (110-сатр. «Молиявий фаолият натижалари бўйича ҳисобот»)	27.8	15,4	55.4	-12.4
Молиявий фаолият билан боғлиқ харажатлар (170-сатр. «Молиявий фаолият натижалари бўйича ҳисобот»)	-2,5	-20,3	8.1 баробар кам	-17.8
Умумий хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (даромад ёки чиқим) (220-сатр. «Молиявий фаолият натижалари бўйича ҳисобот»)	1059.4	2087.1	197.0	+1027.7
Ҳаддан ортиқ даромад ва чиқимлар (230-сатр. «Молиявий фаолият натижалари бўйича ҳисобот»)	0	0	0	0
Даромад солиғини тўлагунга қадар аниқланган умумий хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (даромад ёки чиқим) (240-сатр. «Молиявий фаолият натижалари бўйича ҳисобот»)	1059.4	2087.1	197.0	+1027.7
Даромад солиғи ва бошқа хил солиқлар (250 + 260-сатрлар «Молиявий фаолият натижалари бўйича ҳисобот»)	475.0	625,5	131,7	+150.5
Соф фойда (чиқим) (270-сатр «Молиявий фаолият натижалари бўйича ҳисобот»)	584.4	1461.6	2.5 баробар кўп	+877.2

Жадвалдан кўриниб турганидек, корхонанинг товарларни реализация қилиш ҳисобига олинадиган тушумлари ўтган йилнинг худди шундай даврига нисбатан олганда 83% га ошган. Бундай натижага товарларни реализация қилиш кўрсаткичининг ўсиши (160.2%) ишлаб чиқариш таннархининг ўсишидан (129.8%) нисбатан юқори бўлгани ҳамда реализация қилинаётган маҳсулотлар ҳажмининг оширилиши эвазига эришилди. Умуман олганда, солиқлар тўлангунига қадар корхона молиявий фаолиятининг умумий кўрсаткичи ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 97% га, соф фойда эса (солиқлар тўланганидан кейин) – 2.5 баробарга ошган.

Илгари айтиб ўтилганидек, “Молиявий фаолият натижалари ҳақида ҳисобот” (2-шакл)да кўрсатиладиган умумлаштирилган молиявий натижалар жумласига товар(хизмат)лар реализация ҳисобига эришилган ялпи молиявий натижа (030- сатр), кузатилаётган давр бўйича аниқланган сарф-харажатлар қиймати (040- сатр), молиявий фаолият натижалари (110 ва 170-сатрлар сальдоси), ҳаддан ташқари даромадлар ва чиқимлар (230-сатр) киритилади. 40-жадвалдан кўриниб турганидек, товар(хизмат)лар реализациясидан кейин корхона молиявий фаолияти натижаларида кузатиладиган ўзгаришлар қуйидаги омилларнинг таъсири оқибатида рўй беради:

- реализация қилинаётган товар (хизмат)лар нархининг ўзгариши;
- реализация қилинаётган товар (хизмат)лар ҳажмининг ўзгариши;
- реализация қилинаётган товар (хизмат)лар таннархининг ўзгариши;
- реализация қилинаётган товар (хизмат)лар таркибининг ўзгариши.

Юқорида айтиб ўтилган омилларнинг таъсир самарасини таҳлил қилиш, уларнинг таъсир даражасини аниқлаш учун товар(хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва реализация қилишга доир қўшимча маълумотлар тўпланиши даркор. Жумладан, “Молиявий фаолият натижалари ҳақида ҳисобот” 2-шакл, 2-илова,

“Корхонанинг сарф-харажатлари бўйича ҳисобот” 5с- шакл, 4- илова.

Энди корхонанинг молиявий фаолияти натижалари ўзгаришига таъсир кўрсатган омилларни муфассал кўриб чиқамиз. Бунинг учун қуйидаги 41-жадвалга эътибор қаратиш керак.

#### 41-жадвал

### Товар(хизмат)лар реализацияси ҳисобига корхона молиявий фаолиятининг шаклланиши, млн.сўмда

Кўрсаткичлар	Ўтган йил (давр)	Ўтган йилги нархлар бўйича ҳисобот даври	Ҳисобот даври
Маҳсулотлар реализацияси	3472,1	4853,2	5563,6
Реализация қилинган маҳсулотлар таннархи	1485,8	1831,6	1928,3
1 сўмлик реализация қилинган маҳсулотларга қилинган сарф-харажатлар (ғийида)	42,8	37,7	34,7
Реализацияси ҳисобига олинган соф фойда	1986,3	3021,6	3635,3

Жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш натижалари қуйидаги ҳулосаларни чиқаришга имкон беради:

1. Ҳисобот даврида маҳсулотларни реализация қилиш ҳисобига олинган соф фойданинг умумий қиймати 1649,0 (3635,3 – 1986,3) млн.сўмни ташкил қилди. Бу натижага қуйидаги омиллар ҳисобига эришилди:

2. Жорий нархларнинг ўзгартирилиши ҳисобига қўшимча 710,4 (5563,6 – 4853,2) млн.сўм олинди;

3. Реализация ҳажмининг ўзгариши соф фойданинг 1195,7 млн.сўмга ошишига сабаб бўлди. Ушбу омилнинг таъсири самарасини икки босқичда аниқлаш мумкин:

- реализация ҳисобига олинган соф фойданинг ўсиши – 1195,7 (1986,3 х 60,2/100) млн сўм.

4. Реализация қилинган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи ўсганлиги боис олинган соф фойда 96,7 (1831,6 – 1928,3) млн.сўмга камайди.

5. Реализация қилинган маҳсулотлар таркиби ўзгартириши олинадиган соф фойда миқдорини 1688,7 млн.сўмга оширишга имкон берди. Бу кўрсаткични ҳам икки босқичда амалга ошириш керак:

- таҳлил қилинаётган даврда маҳсулотлар реализацияси ҳисобига олиниши кутулаётган (режалаштирилган) соф фойда (ўтган даврдаги нархларда) – 3021,6 млн. сўм (4853,2 – 1831,6);

- ўтган даврнинг таркиби амал қилган шарт-шароитларда, реализация ҳажмининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда, ўтган ҳисобот давридаги маҳсулотларни реализация қилиш натижасида олинган соф фойда – 3182.0 млн. сўм ( $1986.3 \times 160,2 / 100$ );

- соф фойданинг камайиши – 160.4 (3021.6 – 3182.0) млн.сўм.

#### 42-жадвал

### Маҳсулотларни реализация қилиш ҳисобига олинадиган соф фойда кўрсаткичининг ўзгариш сабаблари

Маҳсулотларни реализация қилиш ҳисобига олинадиган соф фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар	Суммаси
Маҳсулотларни реализация қилиш ҳисобига олинадиган соф фойданинг ўзгариши	1649.0
Шу жумладан, қуйидаги омиллар ҳисоби а:	
Реализация қилинган маҳсулотлар нархининг ўзгариши	+710.4
Реализация ҳажмининг ўзгариши	+1195.7
Реализация қилинган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархининг ўсиши	-96.7
Реализация қилинган маҳсулотлар тузилишининг ўзгариши	-160.4

Шундай қилиб, хулоса қилишимиз мумкинки, реализация ҳажмининг (63%) ортиши ҳамда нархларнинг ўсиши (37%) маҳсулотларни реализация қилиш ҳисобига олинадиган соф фойда ҳажмининг кўпайишига таъсир кўрсатувчи асосий омил(лар) саналади.

#### 5.6.2 Корхона сарф-харажатлари таҳлили

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, иш (хизмат)ларнинг таннархини таҳлил қилиш жуда катта аҳамиятга эга. Бу

маълумотлар мазкур кўрсаткичнинг ўзгариш тамойилларини аниқлаш, кўрсаткичнинг даражасини таъминлаш бўйича режалаштирилган вазифаларни бажариш, кўрсаткичнинг ўсишига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ҳамда шу асосда корхона салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларини баҳолаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш имконини берувчи захираларни аниқлашга шароит яратиб беради. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун қилинган сарф-харажатларни таҳлил қилиш вақтида уларни алоҳида олинган бирор белгиси ёхуд бир вақтнинг ўзида бир қанча белгиларига қараб таснифлаш зарур бўлади.

Қуйида биз ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун қилинган сарф-харажатларни турли хил асослар бўйича таснифлаш тартибини эслатиб ўтмоқчимиз (43-жадвалга қаранг).

#### 43-жадвал

#### Ишлаб чиқариш учун қилинган сарф-харажатлар таснифи

Таснифлаш учун асос бўлиб хизмат қилган алоҳида белгилар	Сарф харажатларни қисмларга ажратиш
Иктисодий элементлар бўйича Таннарх модда(қисм)лари бўйича Технологик жараёнга кўра Таннарх таркибига алоқадорлигига кўра Ишлаб чиқариш жараёнидаги роли бўйича Харажатларнинг қай даражада мақсадга мувофиқлигига кўра Ишлаб чиқариш ҳажминини белгилашига кўра Вужудга келиш даврийлигига кўра	Сарф-харажатларнинг иктисодий элементлари таннарх калькуляциялари модда(қисм)лари асосий, қўшимча  бевосита, билвосита ишлаб чиқаришга алоқадор, ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган унумли(натيجا берадиган), унумсиз (натيجا бермайдиган) ўзгарувчан, доимий  жорий даврдаги, бир вақтдаги

Ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилишда уларни алоҳида элементлари бўйича, модда(қисм)лари бўйича, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархига киритилиши бўйича ажратиб ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Сарф-харажатларни алоҳида элементларга ажратиб олгандан кейин харажатлар сметаси тузилади. Ишлаб чиқариш харажатларини таннархнинг

алоҳида модда(қисм)ларига қараб ажратиш бир дона маҳсулот ёки маҳсулотлар партиясига сарфланадиган харажатлар қийматини ҳисоблаб чиқариш. калькуляция қилиб олишга имкон беради. Таннархнинг алоҳида модда(қисм)ларига қараб группалаштирилган харажатлар таннархнинг элементлари бўйича қилинган харажатлар тизимидан ҳисобот давридаги ишлаб чиқариш ҳамда тайёр маҳсулотларни реализация қилиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган харажатларни акс эттириши билан фарқланади. Элементлар бўйича таснифланадиган харажатлар ҳисобот даврида корхона томонидан ишлаб чиқаришга сафарбар қилинган жами ресурсларни, шу жумладан, ишлаб чиқариш жараёнлари тугалланмаган маҳсулотларнинг қолдиқларини кўпайтиришга, келгуси давр ҳисобига қилинадиган ва ҳоказо харажатлар киритилади. Бозор муносабатлари амал қиладиган шарт-шароитларда фаолият юритувчи корхоналар жуда кўп ҳолларда ишлаб чиқариш қувватларини тўлик ишга солиш имкониятига эга бўлмайди. Табiiийки, ишлаб чиқариш жараёнларининг динамикаси ўзгаради, маҳсулотлар реализацияси билан боғлиқ чора-тадбирларга ҳам муайян ўзгартиришлар киритилишига тўғри келади. Бунинг оқибатида корхонанинг молиявий ҳолатида ҳам тегишлича ўзгаришлар юз беради. Ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг доимий ва ўзгарувчан қисмларга ажратилиши ҳам шу шарт-шароитлар билан боғлиқ. Доимий харажатлар жумласига ишлаб чиқариш қувватларининг қай даражада ишга солиниши ёхуд ишлаб чиқариш ҳажми қандай бўлишидан катъий назар ўзгармайдиган сарф-харажатлар (масалан, амортизация, ижара ҳақи, ташкилот раҳбарларининг айрим турдаги иш ҳақи ва ҳоказо) киритилади. Ўзгарувчан сарф-харажатлар деганда, ишлаб чиқариш қувватларининг қай даражада ишга солиниши ёхуд ишлаб чиқариш ҳажми қандай бўлишига қараб шакллантириладиган масалан, хом ашё, асосий материалларни сотиб олиш, ишлаб чиқаришда банд бўлган асосий ишчиларнинг иш ҳақи, техник энергияга қилинадиган харажатлар назарда тутилади. Ўзгарувчан сарф-харажатлар ишлаб чиқарилган жами тайёр маҳсулотларнинг таннархида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришларига мос равишда ўсиб боради. Бир дона тайёр маҳсулотнинг таннархида эса ўзгарувчан

харажатларнинг қиймати ўзгармасдан қолаверади. Доимий сарф-харажатларнинг қиймати ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарса ҳам ўзгармайди, бироқ бир дона тайёр маҳсулотнинг таннархида ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришларига пропорционал равишда камайиб боради.

Таннархни таҳлил қилиш қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1. Таннархни умумлаштирадиган кўрсаткичлар динамикаси ва таркибини, уларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш.

2. Бир сўмлик тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатлар таҳлили.

3. Ўта муҳим саналган маҳсулотларнинг таннархини таҳлил қилиш.

4. Ишлаб чиқаришга бевосита алоқадор моддий ва меҳнат харажатлари (тегишли маълумотлар 2-бўлимда келтирилган)ни таҳлил қилиш.

5. Ишлаб чиқаришга билвосита сарфланадиган харажатларни таҳлил қилиш.

Таҳлил жараёнларини амалга ошириш учун маълумотлар базаси сифатида “Қорхонанинг сарф-харажатлари ҳақидаги ҳисобот” (5-с шакл, 4-илова), бухгалтерия ҳисоботларига дахлдор бошқа маълумотлар (жумладан, синтетик ва аналитик ҳисоб-китоблар, тайёр маҳсулотлар таннархининг калькуляцияси ва ҳоказо) олинади.

Таннархни таҳлил қилиш жараёни жами тайёр маҳсулотлар таннархи динамикасини ўрганишдан бошланади. Бунинг учун факт бўйича амалга оширилган сарф-харажатларни режага кўра белгиланган вазифалар ёхуд базис даврининг харажатлари билан таққослаш керак. Таҳлил жараёни давомида баланснинг қайси бир модда(қисм)лари бўйича ҳаддан ортиқ харажатларга йўл қўйилгани ва ушбу факт ўзгарувчан ва доимий харажатлар суммасининг ўзгаришларига қандай таъсир қилгани аниқланади. Умумий сарф-харажатлар суммаси ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ва тузилишининг, бир дона тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланадиган ўзгарувчан ҳамда доимий харажатлар суммасининг ўзгаришларига мос равишда ўзгариб



туриши мумкин. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилишга сарфланадиган харажатлар суммасига таъсир қилиши мумкин бўлган омилларни таҳлил қилиш тартибини 44-жадвалда кўрсатганмиз. Жадвалда келтирилган формулалардаги кискартмалар қуйидагича талқин қилинади:

#### 44-жадвал

### Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилишга сарфланадиган харажатлар суммасига таъсир қилиши мумкин бўлган омилларни таҳлил қилиш учун керакли бирламчи маълумотлар

Сарф-харажатлар	Харажатлар қийматининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар			
	Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми	Маҳсулотлар тузилиши	Ўзгаришчан харажатлар	Донимий харажатлар
Режага кўра режалаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга: $\Sigma (B_{\text{плл}} \cdot \text{ВВП}_{\text{плл}}) + A_{\text{плл}}$	Вазифа	Вазифа	Вазифа	Вазифа
Режага кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг факт бўйича қайта ҳисобланган ҳажмига нисбатан $\Sigma (B_{\text{плл}} \cdot \text{ВВП}_{\text{плл}}) K_{\text{пп}} + A_{\text{плл}}$	Факт	Вазифа	Вазифа	Вазифа
Режалаштирилган даражада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг факт бўйича ҳисобланган ҳажмига нисбатан $\Sigma (B_{\text{плл}} \cdot \text{ВВП}_{\text{фл}}) + A_{\text{плл}}$	Факт	Факт	Вазифа	Вазифа
Режалаштирилган даражада ишлаб чиқариш учун факт бўйича белгиланган доимий харажатлар: $\Sigma (B_{\text{фл}} \cdot \text{ВВП}_{\text{фл}}) + A_{\text{плл}}$	Факт	Факт	Факт	Вазифа
Факт бўйича: $\Sigma (B_{\text{фл}} \cdot \text{ВВП}_{\text{фл}}) + A_{\text{ф}}$	Факт	Факт	Факт	Факт

Апл, Аф - бир донга тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланадиган доимий харажатлар;

Вплі. Вфі - режа вазифаси ва факт буйича бир дона тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланадиган ўзгарувчан харажатлар:

ВВплі, ВВфі - режа вазифаси ва факт буйича ишлаб чиқариш хажми:

Кпл - ишлаб чиқариш хажми буйича белгиланган режа вазифасининг фоиз миқдориди ортиги билан бажарилганини ифодалайди.

**45-жадвал**

**Корхона сарф-харажатларининг таркиби  
(умумий харажатларга нисбатан)**

	Утган (базавий) давр		Ҳисобот даври		Утган даврдаги курсаткичга нисбатан оғиш даражаси	
	Суммаси млн.сўм	Улуғи (%%)	Суммаси млн.сўм	Улуғи (%%)	Суммаси	%
Сарф харажатлар – жами	2479,6	100,0	3579,8	100,0	+1100,2	X
Шу жумладан:						
1 Ишлаб чиқариш харажатлари	1485,9	59,9	1928,3	53,9	+496,4	-6,0
Ишлаб чиқаришга сарфланадиган моддий харажатлар	208,0	8,4	257,0	7,2	+49,0	-1,2
Ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчи-ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар	748,9	30,2	993,9	27,8	+245,0	-2,4
Ишлаб чиқариш билан боғлиқ асосий фондлар ва номоддий активларнинг амортизацияси	93,6	3,8	120,3	3,4	+26,7	-0,4
Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа хил харажатлар	209,6	8,4	251,0	6,9	+41,4	-1,5
2 Даврий харажатлар	991,2	40,0	1631,3	45,6	+640,1	+5,6
Реализация билан боғлиқ харажатлар	2,0	0,001	2,1	0,06	+0,1	-0,059
Маъмурият билан боғлиқ харажатлар	121,7	4,9	150,8	4,2	+29,1	-0,7
Бошқа хил операцион харажатлар	867,5	35,1	1478,4	41,3	+610,9	+6,2
3 Моддий фаолият билан боғлиқ харажатлар	2,5	0,1	20,3	0,5	+17,8	+0,4

Ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш учун қилинадиган сарф-харажатлар таркибини ва ҳисобот даврида ушбу кўрсаткичда алоҳида олиб қараладиган харажат элементлари бўйича юз берадиган ўзгаришларни ўрганиш. шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга факт бўйича қилинган сарф-харажатларни модда(қисм)лар бўйича таҳлил қилиш таннархни таҳлил қилиш жараёнининг кейинги босқичи ҳисобланади. Таннархни сарфланган харажатларни алоҳида модда(қисм)лар ва элементлар бўйича таҳлил қилиш тамойили юқоридаги 45- жадвалда кўрсатилган.

Таннарх таркибини таҳлил қилиш жараёнида алоҳида олинадиган элементларнинг солиштирма оғирлигини режалаштирилган топшириқ-вазифа ёки бошланғич давр кўрсаткичининг динамикаси билан солиштириб кўриш керак. Юқорида айтиб ўтилган кўрсаткичлар ёрдамида алоҳида олинган ҳар бир қисмнинг абсолют ва нисбий тажамкорлик ёхуд ортиқча харажатлар суммаси ўзгаришига таъсири. шунингдек, ишлаб чиқаришга сарфланадиган моддий харажатлар ҳажми, меҳнат ва иш вақтининг ҳажми, сарфланадиган электр қуввати ва ёнилғи ҳажми, ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариш хусусиятлари, уларнинг маҳсулот таннархига кўрсатадиган таъсири ўрганилади. 45-жадвалдан кўриниб турганидек, корхона томонидан амалга оширилган жами харажатларнинг ярмидан кўпроғи айнан ишлаб чиқариш харажатларига тўғри келади. Мухими, бу турдаги харажатларнинг таркиби деярли ўзгармайди. Ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилиш учун уларда юз берадиган ўзгаришларни ва уларнинг таркибини кўриб чиқамиз. Бунинг учун қуйидаги 46-жадвалдан фойдаланамиз.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг умумий киймати ўсган бўлишига қарамай, уларнинг умумий харажатлар таркибидаги улуши 6% га камайган. Сарф-харажатларнинг таркиби деярли ўзгармаган. Иш ҳақи миқдорининг бироз ошгани туфайли меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий суғурталаш, бошқарувнинг техник воситаларини, алоқа узеллини, ҳисоблаш марказларини эксплуатация қилиш, ускуналарни ишга яроқли ҳолатда саклаш учун қилинадиган сарф-харажатлар улуши ҳам бирмунча ошган.

## Ишлаб чиқариш сарф-харажатлари таркиби ( млн.сўмда)

	Ўтган давр		Ҳисобот даври		Оғиш даражаси	
	Сум-маси	Улуши, %	Сум-маси	Улуши, %	Сум-маси	Улуши, %
Ишлаб чиқариш харажатлари	1485,9	100	1928,3	100	+442,4	0
Шу жумладан:						
Моддий сарф-харажатлар	208,0	14,0	257,0	13,3	+49,0	-0,7
Хом ашё ва материаллар	45,6	3,1	55,6	2,8	+10,0	-0,3
Бошқа таъкилотлар томонидан бажарилган иш(хизмат)лар	136,0	9,2	169,9	8,8	+33,9	-0,4
Сув таъминоти учун тўловлар	1,8	0,001	2,5	0,001	+0,7	0
Ерларни рекультивация қилиш учун сарфланган харажатлар	0	0	0	0	0	0
Ташқаридан харид қилинадиган ёнлиги материаллари	8,7	1,7	12,5	1,7	+3,8	0
Ташқаридан харид қилинадиган барча турдаги энергия манбалари	15,9	0,01	16,4	0,01	+0,5	0
Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган меҳнат учун иш ҳақи сифатида тўланадиган тўловлар	748,9	50,4	993,9	51,5	+245,0	+1,1
Ишлаб чиқаришга алоқадор бўлган ижтимоий сугурта чегирмалари	225,8	15,2	306,1	15,9	+80,3	+0,7
Асосий фондлар ва номоддий активлар амортизацияси	93,6	6,3	120,3	6,2	+26,7	-0,1
Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа хил харажатлар	209,6	14,1	251,0	13,1	+41,4	-1,0
Мажбурий сугурта тўловлари	0	0	0	0	0	0
Иш билан сафарга чиқиш учун қилинадиган харажатлар	39,4	2,7	44,7	2,3	+5,3	-0,4
Бошқарувнинг техник воситаларини, алоқа узелини, ҳисоблаш марказларини эксплуатация қилиш, ускуналарини ишга яроқли ҳолатда сақлаш учун қилинадиган харажатлар	0,5	0,03	0,9	0,05	+0,4	+0,02
Таъмирлаш ишлари билан боғлиқ тахирга қилинадиган чегирмалар	0	0	0	0	0	0
Жорий пайтдаги ижара харажатлари	1,7	0,1	2,9	0,02	+1,2	-0,08
Корхонага қаршли бўлмаган қўриқлаш, енчинга қарши кураш хизматлари	0	0	0	0	0	0
Ишлаб чиқариш жараёنларига алоқадор бўлган бошқа хил харажатлар	168,0	11,3	202,6	10,7	+34,6	-0,6

Муайян даврдаги сарф-харажатларга келсак, уларнинг улуши 5.5% га ошган (47-жадвалга қаранг).

## Муайян даврдаги харажатлар таркиби, млн.сўмда

	Утган давр		Ҳисобот лаври		Утган даврдагидан огни даражаси	
	Суммаси	Улуши %	Суммаси	Улуш. %	суммаси	°о
<b>Муайян давр харажатлари- жами</b>	<b>991,2</b>	<b>100</b>	<b>1631,3</b>	<b>100</b>	<b>+640,1</b>	<b>0</b>
Шу жумладан:						
<b>Реализация билан боғлиқ харажатлар – жами</b>	<b>2,0</b>	<b>0,2</b>	<b>2,1</b>	<b>0,1</b>	<b>+0,1</b>	<b>-0,1</b>
Маҳсулотларни ташиниш билан боғлиқ харажатлар	0	0	0	0	0	0
Маркетинг ва рекламага қилинган харажатлар	0	0	0	0	0	0
Реализация билан боғлиқ бошқа харажатлар	2,0	0,2	2,1	0,1	+0,1	-0,1
<b>Маъмурий харажатлар – жами</b>	<b>99,4</b>	<b>10,0</b>	<b>150,7</b>	<b>9,2</b>	<b>+51,3</b>	<b>-0,8</b>
Бошқарув тизими ходимларининг иш ҳақи	46,7	4,7	89,0	5,5	+42,3	+0,8
Ижтимоий сугурга билан боғлиқ харажатлар	20,4	2,1	27,4	1,8	+7,0	-0,3
Хизмат сафарлари учун қилинган харажатлар	5,8	0,6	3,6	0,2	-2,2	-0,4
Маъмурият билан боғлиқ асосий воситалар амортизацияси	6,9	0,7	8,5	0,5	+1,6	-0,2
Маъмурият билан боғлиқ бошқа хил харажатлар	19,6	2,0	22,4	1,4	+2,8	-0,6
<b>Бошқа хил операцион харажатлар – жами</b>	<b>889,8</b>	<b>89,8</b>	<b>1478,4</b>	<b>90,6</b>	<b>+588,6</b>	<b>+0,8</b>
Ўмомдий тусдаги хизматлар ва банк хизматлари учун тўловлар	48,9	4,9	60,3	3,7	+11,4	-1,2
Бюджет тўловлари, солиқлар, ийғимлар	59,6	6,0	78,5	4,8	+18,9	-1,2
Мақсадли давлат фондларига чегирмалар (ижтимоий сугурга чегирмалари бундан мустасно)	115,2	11,6	179,9	11,0	+64,5	-0,6
Ижтимоий тўловлар	2,8	0,4	3,6	0,2	+0,8	-0,2
Бошқа хил операцион харажатлар	663,3	66,9	1156,1	70,9	+515,1	+4,0

Жадвалдан кўриниб турибдики. муайян даврдаги сарф-харажатларнинг абсолют даражадаги ўсиши кўп жиҳатдан меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий суғурталаш харажатлари кийматининг ошгани билан боғлиқ. Бу ўзгаришлар ҳукумат томонидан тегишли қарор қабул қилиниши туфайли юз берган. Худди шу сабабга кўра. номоддий характерга эга бўлган хизматлар ҳамда банк хизматлари учун амалга ошириладиган тўловлар, мақсадли давлат фондларига қилинадиган чегирмалар, бюджет тўловлари. солиқ ва йиғимларнинг ҳам киймати ошган.

Ўзгаришлар динамикасини ўрганиш ва режалаштирилган топшириқ ва вазифаларни таркиби жиҳатидан ва амалга оширилган харажатларнинг даражасига қараб таҳлил қилиш белгиланган режадан оғиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаб, тегишлича чора-тадбирларни кўриш имконини беради.

Баланснинг алоҳида моддалари ишлаб чиқариладиган ҳар бир сўмлик товарлар таннархига тенг сарф-харажатларнинг шаклланишига қандай таъсир қилишини баҳолаш учун умумий харажатларнинг таркибида алоҳида модда ва элементлар қанчалигини ҳисоблаб чиқиш керак. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\begin{array}{l} \text{Ҳар бир сўмлик} \\ \text{товарлар таннархига} \\ \text{тенг сарф – харажатлар} \end{array} = \frac{\text{Ишлаб чиқаришга} \\ \text{сарфланган умумий} \\ \text{харажатлар}}{\text{Ишлаб чиқарилган} \\ \text{товарлар ҳажми}} \quad (78)$$

Ишлаб чиқариладиган товарлар бирлигига тўғри келадиган умумий сарф-харажатларнинг кийматига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар орасида ушбу кўрсаткич билан тўғридан-тўғри функционал алоқадорликда бўлган ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажми. уларнинг таркиби, товарлар нархининг ўзгариши, сарф-харажатлар айрим моддаларининг ўзгариши қабилар бирламчи аҳамият касб этади.

Сарф-харажатлар даражасини аниқлаш бўйича олиб бориладиган таҳлил жараёнлари қуйида келтирилган 48-жадвал маълумотлари асосида амалга оширилади:

**Калькуляция моддалари бўйича ишлаб чиқариш  
сарф-харажатларининг даражасини аниқлаш, млн.сўмда**

	Бошлангич (базавий) давр		Ҳисобот даври		Утган даврдагига нисбатан оғиш даражаси	
	Суммаси	Харажатлар даражаси	Суммаси	Харажатлар даражаси	Суммаси	Харажатлар даражаси
Ишлаб чиқарилган товарлар ҳажми	3472.1	X	5563.6	X	+2091.5	X
Сарф-харажатлар – жами	2479,6	0.71	3579,8	0.64	+1100,2	-0,07
Шу жумладан:						
<b>1. Ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатлар</b>	<b>1485,9</b>	<b>0.43</b>	<b>1928,3</b>	<b>0,35</b>	<b>+496,4</b>	<b>-0.08</b>
Моддий характерга эга ишлаб чиқариш харажатлари	208,0	0.06	257,0	0,05	+49,0	-0,01
Ишлаб чиқариш билан боғлиқ меҳнат учун ҳақ тўлаш	748,9	0.21	993,9	0,18	+245,0	-0,03
Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ижтимоий сугурга тўловлари	225,8	0.07	306,1	0,06	+80,3	-0,01
Асосий фондлар ва ишлаб чиқаришга алоқадор номоддий активлар амортизацияси	93,6	0.03	120,3	0,02	+26,7	-0,01
Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа хил харажатлар	209,6	0.06	251,0	0,05	+41,4	-0,01
<b>2. Даврий харажатлар</b>	<b>991,2</b>	<b>0.28</b>	<b>1631,3</b>	<b>0,29</b>	<b>+640,1</b>	<b>+0.01</b>
Реализация билан боғлиқ харажатлар	2,0	0.0006	2,1	0.0003	+0,1	-0.0003

#### 48- жадвалнинг давоми

Маъмурий харажатлар	121,7	0,04	150,8	0,03	+29,1	-0,01
Бошқа хил операциялар харажатлар	867,5	0,25	1478,4	0,27	+610,9	0,02
<b>3. Молиявий фаоллик билан боғлиқ харажатлар</b>	<b>2,5</b>	<b>0,0007</b>	<b>20,3</b>	<b>0,004</b>	<b>+17,8</b>	<b>-0,0033</b>

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархининг ўзгаришларини янада чуқурроқ ўрганиб чиқиш учун алоҳида турдаги маҳсулотлар бўйича ҳисобот калькуляцияларини таҳлил қилиш керак. Бу жараён давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бирлигига факт бўйича сарфланган харажатларни режаланган вазифа ҳамда ўтган даврлардаги маълумотлар, сарф-харажатлар моддалари билан таққослаш керак.

#### 49-жадвал

#### Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар таҳлили

	Бошланғич (базавий) давр	Ҳисобот даври илгариги даврдаги нархларда (ўзаро таққослаш мумкин бўлган нархларда)	Ҳисобот даври
Жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, млн.сўмда	3472,1	3541,6 (3472,1 / 80200* x 81640*)	5563,6
Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи, млн.сўмда	1485,9	1512,6 (1485,9 / 80200* x 81640*)	1928,3
Реализация қилинган 1 сўмлик маҳсулот харажатлари, 1 сўмлик ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан тийинларда	42,8	42,7	34,7

\* ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг натурал кўринишдаги ҳажми ҳақидаги маълумотлар 16-жадвалдан олинган.



Жадвалдан кўриниб турибдики, қилинган сарф-харажатларнинг ўтган даврлардаги кўрсаткичларга нисбатан абсолют ўсиши 469,4 (1928,3 – 1485,9) млн.сўмни, ўзаро солиштириш мумкин бўлган нархлардаги ифодаси эса 26,7 (1512,6 – 1485,9) млн.сўмни ташкил қилган. Бу вазиятларда қиймати жорий даврдаги нархларда белгиланган I сўмлик тайёр маҳсулотнинг таннархи 8,1 тийинга (42,8 – 34,7) камайган.

Ишлаб чиқариладиган I сўмлик тайёр маҳсулотларга сарфланадиган харажатларнинг қиймати ўзгаришига таъсир қилиши мумкин бўлган омилларни таҳлил қилайлик. Уларни куйидаги тартиб бўйича аниқлаймиз:

- **ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг нархи ўзгариши ҳисобига юз берадиган ўзгаришлар.** Бу ҳолатда ишлаб чиқариладиган I сўмлик тайёр маҳсулотларга сарфланадиган харажатлар қийматининг ўзгаришларини аниқлаш учун факт бўйича қилинган харажатларни илгариги (базавий) давр нархлари билан таққослаш зарур. Биз кўриб чиқаётган мисолда бу кўрсаткичлар 8,0 тийинга (34,7 – 42,7) камайган.

- **тайёр маҳсулотлар таннархи (I сўмлик тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришига сарфланган моддий харажатлар)нинг ҳисобига юз берадиган ўзгаришлар.** Бу ҳолатда илгариги (базавий) даврда ҳисоблаб чиқарилган нархларда факт бўйича аниқланган I сўмлик тайёр маҳсулотларни базавий даврдаги I сўмлик тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар қиймати билан солиштириш керак. Биз кўриб чиқаётган мисолда бу кўрсаткичлар 0,1 тийинга (42,7 – 42,8) камайган.

- **Жами сарф-харажатларнинг ўзгариши** (камайиши) 8,1 тийинни (8,0 + 0,1) ташкил қилади.

Реализация қилинган тайёр маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархини таҳлил қилиш ҳам худди шу тартиб (усул)да амалга оширилади.

### **5.6.3 Пул оқимларининг ҳаракати таҳлили**

Пул оқимларининг ҳаракати таҳлили учун ахборот сифатида 4-шакл, 7- илова маълумотлари асос бўлиб хизмат қилади.

Пул оқимлари операцион (асосий), инвестицион ва молиявий фаолият соҳаларидаги активлик – фаол жараён натижасида ҳосил бўлади. Мазкур бўлим маълумотларининг таҳлили моҳиятан бутун молиявий-иқтисодий фаолиятнинг якуний самарасини сарҳисоб қилиш демакдир. Чунки, корхонанинг молиявий - иқтисодий фаолияти давомида амалга оширилган барча кирим ва чиқимлар ҳисобот давридаги пул оқимларининг ҳаракатида ўз ифодасини топади.

Пул оқимларининг ҳаракатини таҳлил қилиш динамик тартибда амалга оширилади. У ёки бу хилдаги ўзгаришларни келтириб чиқарувчи сабабларни излаб топиш, уларнинг таъсир самарасини аниқлаш тартиблари бундан аввалги бўлимларда муҳокама этилганди.

## **6. КОРХОНАНИНГ БИЗНЕС РЕЖАСИ**

### **6.1 Бизнес-режани ишлаб чиқиш мақсадлари ва хусусиятлари**

Ишлаб чиқариш ёхуд тижорат фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай вазифани амалда бажариш учун энг аввало, иш фаолиятини пухта режалаштириб олиш зарур. Худди шу каби маълум даражада маблағ сарфланадиган ҳар қандай ишни бошлашдан аввал ҳам иш режаси, яъни *бизнес-режа* тузилади. Қайсидир маънода бизнес-режа илгариги вақтларда амал қилган лойиҳаларни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаб бериш вазифасига ўхшаб кетади, аммо ушбу икки иш ҳужжати ўртасида ўзига хос тафовутлар ҳам мавжуд.

Бизнес-режани тузиш жараёнида албатта фирманинг эгаси ёки корхона раҳбари шахсан иштирок этиши шарт.

Бизнес-режа қуйидаги талабларга жавоб бериши:

- барча маълумотлар аниқ, равшан ифодаланиши, пухта ишланиши;

- берилган маълумотлар корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолияти қандай ташкил этилиши ва амалга оширилиши. қандай натижалар бериши: корхона ўз маҳсулот (иш, хизмат)лари билан бозорда қандай ўрин эгаллаши ҳақида аниқ, батафсил маълумот бериши;

- ташкил этилаётган корхонанинг ишлаб чиқариш (иқтисодий) фаолияти билан боғлиқ асосий характеристикалар берилиши. корхонанинг функционал фаолияти барча тафсилотлари билан ифодаланиши;

- корхонанинг иш фаолиятини бошқариш қандай принципларга асосланиши ва қандай тартибда бошқарилиши билан боғлиқ маълумотлар батафсил ёритилиши;

- корхонанинг молиявий фаолиятини ташкиллаштириш ва бошқариш принциплари, услублари тўлиқ баён этилиши;

- инвестор ва кредиторларга ишлаб чиқариш истиқболлари ҳақида муфассал маълумот берилиши керак.

Бизнес-режа ишлаб чиқилган лойиҳани молиялаштириш масаласи хусусида қарор қабул қилиши лозим бўлган шахсларга лойиҳа асосчиларининг бизнес ғоясини атрофлича тушунтириб бериши даркор. Бизнес-режа қуйидаги масалаларга ойдинлик киритиши ва мутасадди шахсларга яқиндан ёрдам бериши зарур:

- корхонани шакллантириш жараёнлари давомида муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишга;

- қарзга олинадиган капитал манбаларидан фойдалана олиш учун пухта замин тайёрлаб бериши (бунинг учун потенциал кредиторларга керакли барча маълумотларни ўзида мужассам этиши шарт);

- функционал иш фаолиятининг натижаларини баҳолашга имконият туғдириб бериши;

- режаланган вазифаларнинг нечоғли асосли ва пухта ишланганлигини аниқлашга шароит яратиб бериши;

- қилинган прогнозларга тегишлича ўзгартиришлар киритиш учун шароит яратиб бериши;

- корхонанинг функционал иш фаолиятини бошлаш ва жараённинг барқарорлигини таъминлаб туриш учун зарур

бўладиган капитал ва пул маблағларига нисбатан мавжуд эҳтиёжларни аниқлашга шароит яратиб бериши:

- корхонанинг функционал иш фаолиятини бошқариш самарадорлигини оширишга имконият туғдириб бериши.

Вазият тақозо этганида, бизнес-режа стратегик режалаштириш воситаси сифатида ҳам қўлланилади. Корхона нисбатан узок вақт давомида фаолият юритиб, ўзининг рақобатбардошлигини барқарор сақламоқчи бўлса, стратегик режалаштиришдан самарали фойдалана билиш жуда муҳим. Стратегик режа моҳиятан корхонани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олиш демакдир.

Шундай қилиб, бизнес-режанинг қуйидаги иккита даражасини кўрсатишимиз мумкин:

*Биринчидан*, корхонанинг ташкилий фаолият мақсадини шакллантириш ёки ўзгартириш, корхонанинг жорий даврдаги, шунингдек, 5-10 йиллик истиқболдаги ҳолатини баҳолаш имкониятини беради. Шу билан бирга, бизнес-режа вужудга келган оғир вазиятдан чиқиб кетиш учун нималар қилиниши кераклигини аниқлаштириб олишга имконият беради.

*Иккинчидан*, бизнес-режа моҳиятан олганда, бирон-бир чора-тадбирни амалга оширишнинг пухта ишланган режасини, стратегик режанинг алоҳида олинган бирор босқичини батафсил баён қилган қисмини ифодалайди.

Бизнес-режа қанчалик пухта ишланмасин, муваффақият қозонишни кафолатлай олмайди. Режани пухта ишлаб чиққандан кейин уни амалга ошириш учун зарур чора-тадбирлар белгиланиши лозим. Жумладан, ҳар бир тадбирнинг конкрет муддатлари, уларни бажариш учун масъул қилинган жавобгар шахслар белгиланиши, режалаштирилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш, лойиҳа ижрочиларининг меҳнат фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, режани амалга ошириш жараёни давомида учрайдиган тўсиқларни бартараф этиш, режадан оғиш ҳолларини таҳлил қилиб вазиятни ўнглашга йўналтирилган чора-тадбирларни белгилаш галаб қилинади. Бир сўз билан айтганда, бизнес-режани рўёбга ошириш уни ишлаб чиқишдан кўра кийинроқ кечади.

## 6.2. Бизнес-режанинг таркибий тузилиши

### 6.2.1. Резюме

Бизнес-режа *резюме* деган бўлимдан бошланади. Бизнес-режанинг бу қисми ишнинг якуний бўлаги ҳисобланади, унда амалга оширилиши кутилаётган чора-тадбирлар ҳақида қисқача маълумотлар берилади. Режанинг қисқача мазмуни иш ҳужжатининг асосий қисми учун кириш вазифасини ўтайди.

Резюме матнининг ҳажми компьютерда ёзилган 1-2 бетдан ошмаслиги керак. Режанинг қисқача мазмуни потенциал инвесторларда яхши таассурот қолдириши лозим. Зотан, режанинг қисқача мазмуни билан танишиб чиққан потенциал инвестор лойиҳа билан танишишни давом эттириб, лойиҳа ҳақида ижобий фикр ҳосил қилади ёхуд лойиҳа билан танишишни тўхтатиб, бирданига рад жавобини беради.

Илгари айтилганидек, резюме имкони борича қисқа, лўнда ва аниқ ёзилиши керак. Бундан ташқари, резюмеда фаолият соҳасига оид махсус, илмий тушунчалар иложи борича камрок ишлатилиши даркор. Шунинг билан чиқармаслик керакки, резюмени таклиф этилаётган лойиҳани рўёбга чиқариш учун зарур маблағларни беришга қодир бўлган сармоядорлар ўқийди. Одатда, бундай одамларни иккита масала: лойиҳа муваффақиятли амалга оширилса, пировард натижада инвестор қандай манфаат топиши мумкинлиги ва лойиҳага жойлаштирилган маблағлардан умуман ёки қисман ажралиб қолиш хавфи (рисклар) қанчалик жиддийлиги қизиқтиради.

Режанинг қисқача мазмунида қуйидаги маълумотлар баён қилиниши зарур:

- лойиҳанинг қисқача мазмуни;
- лойиҳани амалга ошириш учун зарур молиявий ва бошқа хил ресурслар манбалари ҳақидаги маълумотлар;
- рақобатбардошлик афзалликлари ҳақидаги маълумотлар;
- лойиҳани амалга ошириш режалаштирилаётган даврлардаги асосий, молиявий натижалар ҳақидаги маълумотлар: жумладан, натурал бирликларда ифодаланган тайёр маҳсулотлар

реализациясининг башорат қилинаётган ҳажми, тайёр маҳсулотларни реализация қилиш ҳисобидан олиниши кутилаётган тушумлар, лойиҳани амалга ошириш учун талаб этиладиган сармояларнинг умумий ҳажми ёхуд харажатлар қиймати, олиниши кутилаётган соф фойда, капитал кўйилмаларнинг рентабеллик даражаси, қарзга олинган маблағларни қайтариш муддатлари ва ҳоказо.

### ***6.2.2. Рақобатбардошлиликни таъминлаш***

Бизнес-режанинг асосий қисмида ишлаб чиқарилиши кутилаётган товар ёхуд кўрсатилиши пазарда тутилаётган хизматлар ҳақида потенциал инвесторлар учун керакли маълумотлар жойлаштирилади. Хужжатнинг бу қисмидан кўйидаги асосий маълумотлар ўрин олиши керак:

- лойиҳада кўзда тутилган товар ёхуд хизмат(лар) потенциал истеъмолчиларнинг қандай эҳтиёжларини қондириши мумкинлиги;

- лойиҳада кўзда тутилган товар ёхуд хизмат(лар)нинг шу вақтга қадар бозорларда сотилаётган бошқа товар ёхуд хизматлардан фаркли жихатлари, афзалликлари нималарда ифодаланади,

- лойиҳада кўзда тутилган товар ёхуд хизмат(лар) қанча вақт давомида истеъмол бозорида янгилик мақомини сақлай олади;

- лойиҳада кўзда тутилган товар ёхуд хизмат(лар)ни ишлаб чиқариш учун қандай патент ёхуд лицензиялар олиниши керак;

- лойиҳада кўзда тутилган товар ёхуд хизмат(лар)нинг нусхаси, бунинг иложи бўлмаса, эскизи, расми, макети;

- лойиҳада кўзда тутилган товар ёхуд хизмат(лар) сотилганидан кейинги сервис хизмати ҳақидаги маълумотлар;

- лойиҳада кўзда тутилган товар ёхуд хизмат(лар)нинг белгиланадиган нархлари ҳақидаги маълумотлар;

- лойиҳада кўзда тутилган товарларни ишлаб чиқариш ёхуд хизмат(лар)ни йўлга қўйиш учун талаб этиладиган сарф-харажатлар ҳақидаги маълумотлар;

- лойиҳада кўзда тутилган товарларни ишлаб чиқариш ёхуд хизмат(лар)ни кўрсатиш амалга ошгач, бир дона тайёр маҳсулотга ёки кўрсатиладиган хизматга тўғри келадиган соф фойда киймати ҳақидаги маълумотлар.

У ёки бу турдаги товар (хизмат)ларни ишлаб чиқаришни бошлашдан аввал ушбу турдаги товар (хизмат)ларга нисбаган мавжуд эҳтиёжни ўрганиб чиқиш керак. Бозор учун ишлаб чиқариш негизида аниқланган эҳтиёж, аниқроқ қилиб айтганда, гўлов лаёқати билан кафолатланадиган эҳтиёж ётади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот бозорда мавжуд бўлган товарлардан фарқ қилиши зарур. Янги ишлаб чиқарилаётган товарларнинг шу вақтга қадар бозорда мавжуд товарлардан минимал даражадаги фарқи, ҳеч бўлмаса, уларнинг нархида кўринади. Бундан ташқари, янги товарларни сотиш учун янги бозор ёки янги сегментлар танланиши мумкин.

Янги ишлаб чиқариладиган товарнинг намунавий нусхасини кўрсатиш мумкин бўлмаса, уларнинг фото сурагини, эскизини тақдим этиш керак. Янги товарларнинг нусхаси билан танишиш вақтида уларнинг ташқи кўринишига, дизайнига, ўрамига, транспортировка қилиш ва омборхонада сақлаш шарт-шароитларига эътибор қаратиш зарур.

Янги ишлаб чиқариладиган товарларнинг реализациясидан кейин кўрсатиладиган сервис хизматлари тартибларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бу масала ҳам пухта ўйланган ҳолда ташкиллаштирилиши даркор. Шубҳасиз, масаланинг бу жиҳатларига эътибор қаратилиши бир томондан лойиҳанинг кийматини оширса, иккинчи томондан, фирманинг имиджи (обру-эътибори)нинг ортишига ёрдам қилади.

Ўз-ўзидан равшанки, бизнес-режанинг бу қисмида келтириладиган маълумотлардан ишлаб чиқаришнинг нархлари, харажатлари, олинadиган даромадлар ҳақида ҳеч қандай тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди. Бу ҳақидаги маълумотлар бизнес-режанинг кейинги бўлимларида келтирилади.

### 6.2.3 *Товарлар сотиладиган бозорларни баҳолаш*

Бу бизнес-режанинг жуда муҳим бўлимларидан биридир. Уни тайёрлаш учун мутахассис – маркетингларни таклиф этишга тўғри келади. Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчимизки, жуда кўп тижораг лойиҳалари бозорларни яхши ўрганмаганлик туфайли муваффақиятсизликка учраган.

Бизнес-режанинг ушбу бўлимида натурал бирликларда ифодаланган қанча товар бозорга чиқарилиши мумкин, деган масаланинг ечими ўз аксини топиши лозим. Ушбу саволга бериладиган жавоб мазмунидан келиб чиқиб, кейинчалик корхонанинг ташкилий тузилиши, хом ашё ва материаллар, ишчи-хизматчиларнинг умумий сони, лойиҳани амалга ошириш учун талаб этиладиган капитал маблағлар ҳажми аниқланади. Одатда, бозорни ўрганишга оид тайёр маълумотлар бўлмайди. Бу масала билан шуғулланувчи одамлар жуда кўп маълумотларни йиғиб, уларни таҳлил қилиши зарур. Аксарият ҳолларда керакли маълумотларни тўплаш ҳам анча мушкул бўлади.

Бозорни ўрганиш жараёнининг биринчи босқичида бозорнинг потенциал *сигимини баҳолаш*, яъни у ёки бу давр мобайнида муайян ҳудуддаги харидорлар томонидан корхонада ишлаб чиқарилиши кутилаётган товарларга ўхшаш бошқа товарларнинг умумий қийматини аниқлаш керак бўлади. Бозорнинг сигими ижтимоий, иқлимий, миллий ва энг муҳими, иқтисодий омиллар таъсири остида шаклланади. Иқтисодий омиллар жумласига потенциал харидорларнинг даромадлари, бюджет маблағлари ҳисобидан қилинадиган сарф-харажатлар таркиби, инфляция суръатлари, илгарироқ бозорда ишлаб чиқарилиши кутилаётган янги маҳсулотга ўхшаш бўлган бошқа товарларнинг мавжудлиги ва ҳоказолар киради.

Жараённинг иккинчи босқичида – корхона ўзининг янги товарлари билан эгаллаши мумкин бўлган бозор сегменти баҳоланади. Шундай йўл билан янги ишлаб чиқариладиган товарларнинг бозорда сотилиши мумкин бўлган максимал ҳажми аниқланади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир ой давомида товарни харид қилиб олиши мумкин бўлган потенциал харидорларнинг тахминий миқдори аниқланиши мумкин. Бироқ,



бу таріқа олинган маълумотлар кагъий ҳисоб-китоблар учун асос бўлиб хизмат қилолмайди, чунки аслини олганда, аввал харидорларнинг диққат-эътиборини торта билиш зарур.

Потенциал харидорларни аниқлаш ва ўрганиш давомида уларни алоҳида группаларга ажратиб олиш керак. Бу хилдаги группалар бозорнинг сегментларини ташкил қилади. Бозорни сегментларга ажратиш корхона томонидан ишлаб чиқариладиган янги турдаги маҳсулотни харид қилиши мумкин бўлган харидорларнинг группасини аниқлаб олиш ва кейинчалик айнан шу тоифадаги харидорларни жалб қилишга йўналтирилган маркетинг сиёсатини ишлаб чиқиш учун керак.

Жараённинг учинчи босқичи – бозорда сотилиши мумкин бўлган товарларнинг умумий ҳажмини ва тахминий нархларини прогнозлаштиришдан иборат. Катта лойиҳаларни ишлаб чиқиш вақтида таваккаллар ҳам катта бўлади. Шунинг учун бундай ҳолларда математик моделлаштириш, экспериментлар ўтказиш услубларидан фойдаланилади. Нисбатан кичик лойиҳалар билан ишлаганда, экспертлар хулосасига асосланиб иш тутиш мумкин.

Бизнес-режанинг учинчи қисмида қуйидаги маълумотлар баён қилинади:

- товарларнинг харидорлари;
- ишлаб чиқариладиган товарларнинг мавсумийлиги;
- харидларнинг тахминий ҳажми;
- товарнинг нархи.

Юқорида айтиб ўтилган асосий маълумотларни режалаштирилган давр мобайнидаги ўзгаришларни эҳтимолдан қочирмаган ҳолда прогнозлаштириш керак бўлади.

### **6.2.4 Рақобатчилар ҳақидаги маълумотлар**

Бизнес-режанинг тўртинчи бўлими рақобатчилар ҳақидаги маълумотларга бағишланади. Улар ҳақида қуйидагиларни билиш зарур:

- қандай фирмалар ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқаради, уларнинг сотилиш ҳажми қандай;

- рақобатчилар сотаётган маҳсулотларнинг сифати ва техник параметрлари қандай;
- рақобатчилар сотаётган маҳсулотларнинг нархи ва уларнинг бу борада олиб бораётган сиёсати қандай;
- маҳсулотнинг таъминоти ва сотилиши қандай йўлга қўйилган.

Рақобатчиларни баҳолаш вақтида ишлаб чиқариш тизими ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларнинг афзаллик ва камчилик томонлари ўрганиб чиқиши керак. Рақобатчилар товарларининг афзал жиҳатларини алоҳида ўрганиш зарур, чунки шу йўл билан келгусида ўз иш тажрибасини такомиллаштириш мумкин. Рақобатчилар товарининг камчиликларини ўрганиш рақобатчилик курашида голиб чиқишга реал имконият беради.

Бозорни тадқиқ қилиш жараёни давомида унга ўз маҳсулоти билан кириб боришнинг реал имкониятлари йўқлиги аниқланса, у ҳолда бизнес йўналишини ўзгартириш керак.

Рақобатчилик курашининг йўналишлари режалаштириш жараёнидаёқ пухта ўйланган бўлиши зарур.

### *6.2.5. Маркетинг режаси*

Бизнес-режанинг бешинчи бўлими маркетинг режасининг таърифига бағишланади. Ушбу режанинг асосий элементлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- маҳсулотларни савдо тармоқларига тарқатиш схемаси;
- нархларни шакллантириш сиёсати;
- реклама;
- савдони рағбатлантириш услублари;
- маҳсулот реализациясидан кейинги даврда сервис хизматининг ташкиллаштирилиши;
- фирма ва унинг маҳсулотлари ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш.

Тўлиқ маркетинг режаси жуда муҳим иш ҳужжати ҳисобланади. Бизнес-режада бу масала қисқа, аниқ ва лўнда қилиб ифодаланиши керак.

Энди маркетинг режасининг алохида қисмларига қисқача таъриф ва тавсиф бериб кетамиз.

*Маҳсулотларни савдо тармоқларига тарқатиш схемаси.* Режанинг бу қисмида ишлаб чиқарилган маҳсулот қандай қилиб, қаерларда сотилади, деган саволларга жавоб берилиши зарур. Бу масалага оид жавобларнинг кўлами жуда кенг. Демакки, қилинадиган сарф-харажатларнинг кўлами ҳам вазиятга қараб ўзгариши мумкин. Айтайлик, корхона ўзининг маҳсус дўконларини очмоқчи бўлса, бунга анча маблағ сарфланади. Агар маҳсулот омборхонанинг ўзидаёқ улгуржи савдо билан шуғулланувчиларга сотилса, харажатлар анчагина камаяди. Маркетинг режасининг I қисмида ҳал этилиши лозим бўлган бош масала маҳсулотларни савдо тармоқларига тарқатиш схемасининг энг мақбул йўлини излаб топишдан иборат бўлади.

Маҳсулотларнинг *нархини шакллантириши* масаласига алохида эътибор қаратиш даркор. Ишлаб чиқариладиган янги турдаги маҳсулотларнинг нархини тўғри белгилай олиш анча мураккаб масала. Бундай вақтда жуда кўп омиллар таъсирини эътиборга олиш зарур. Бирок, бир нарсани ёдда тутиш лозимки, маҳсулот нархи товарнинг ҳаётий цикли давомида ўзгариб боради. Масалан, янги маҳсулот эндигина бозорга чиқарилган вақтида анча юкори нархларда сотилиши, кейинроқ, ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилиши давомида ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг камайиши ва таннархнинг аста-секин пасайиб бориши ҳисобига маҳсулот нархи тушиши мумкин. Ҳолбуки, ишлаб чиқариш ва реализация ҳажми ўсиб бориши баробарида, олинадиган даромал ҳажми ўзгармайди, аксинча ўсиб боради.

Янги турдаги маҳсулотларни бозорга чиқаришнинг илк даврида маҳсулотлар кичик партиялар билан нисбатан арзон нарҳда, аниқроқ қилиб айтганда, ишлаб чиқариш харажатларини коплайдиган даражада, чиқарилади. Бу пайтдаги бош мақсад харидорларни жалб қилиш ҳамда уларнинг маҳсулотларга нисбатан қизиқишларини кучайтиришдан иборат. Одатда, бундай сиёсат ўз натижасини беради ва потенциал истеъмолчилар орасида товарларга нисбатан эҳтиёж кескин юксалади. Бу ҳол ишлаб чиқариш кўламини кескин оширишга имконият яратиб беради. Кенг кўламли ишлаб чиқариш тез орада ишлаб чиқариш

харажатларининг анча камайишига олиб келади ва янги маҳсулотнинг рентабеллиги ҳам кескин ортади, маҳсулотнинг нархи эса аввалдагидек қолаверади.

Нархларни шакллантириш сиёсати кўп жиҳатдан корхона ўз олдига қандай мақсад қўйишига боғлиқ.

Маҳсулотларга талаб икки хил бўлади: эластик ва ноэластик. Биринчи ҳолатда маҳсулотларнинг нархи ўзгариб турса ҳам, уларнинг сотилиш ҳажми ўзгармай қолаверади. Иккинчи ҳолатда эса, нархлар ўсганида савдо ҳажми пасайиб боради.

Маҳсулотларнинг нарҳини тўғри белгилаш учун тайёр маҳсулотларни реализация қилиш натижасида олинадиган тушум билан унинг нархи ўртасидаги тафовутни ҳисоблаб чиқиш керак. Шунда ишлаб чиқаришнинг мақбул бўладиган даромадлилик даражаси белгилаб олинади.

Савдо ҳажмини ошириш ва потенциал харидорларни янги маҳсулотлар ҳақидаги маълумотлар билан яхшироқ таништириш учун рекламадан фойдаланилади.

Бизнес-режанинг бешинчи бўлимида рекламани ташкиллаштириш ва ушбу ишга сарфланадиган харажатлар кўлами ҳақидаги маълумотлар берилади. Рекламани ташкил қилишда минимал даражада сарф-харажатлар қилиб, максимал даражадаги потенциал харидорларга маҳсулот ҳақидаги маълумотларни етказиб бериш керак бўлади.

Маҳсулот реализациясидан кейинги даврда сервис хизматини ташкиллаштириш, жумладан, персонални тайёрлаш ва ишни ташкиллаштириш учун кўшимча равишда сарф-харажатлар қилиниши керак. Қилинадиган харажатлар кўлами сервис хизматини ташкил қилиш қандай амалга оширилишига боғлиқ. Нима бўлганида ҳам, потенциал истеъмолчиларнинг манфаатлари устувор бўлиши зарурлигини унутмаслик даркор.

Сервис хизматини ташкиллаштириш билан боғлиқ сарф-харажатлар сотиладиган маҳсулотларнинг нархи ишлаб чиқариш таннархига нисбатан анча фарқланиши ҳисобига қопланади.

Маркетинг стратегияси потенциал истеъмолчилар онгида фирма ва унинг маҳсулотлари ҳақида ижобий фикр ҳосил қилишга йўналтирилади. “Паблик рилейшенз” (“Public relations”) деб ном олган ушбу фаолият йўналишига катта эътибор

берилиши лозим. Бизнес-режада шу хилдаги чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар берилиши мумкин.

“Паблик рилейшенз” моҳият-негизига кўра реклама эмас, бироқ у ҳам фирманинг обрўсини оширишга хизмат қилади.

### **6.2.6 Ишлаб чиқариш режаси**

Бизнес-режанинг мазкур бўлимида келтириладиган маълумотлар 2 йилдан 4-5 йилгача бўлган даврга мўлжаллаб берилган бўлиши лозим. Бу бўлимдан қуйидаги маълумотлар жой олиши керак:

- ишлаб чиқариш қаерда ташкил этилади: ишлаб чиқариш тизими ҳозирда амал қилиб турган жойдами ёхуд бунинг учун янги бино қуриладими;

- ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун қандай ишлаб чиқариш қувватлари керак бўлади, уларнинг йиллар давомидаги ўсиши қандай бўлади;

- ишлаб чиқариш учун қандай хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар керак; уларни қаердан, қандай ва неча пулга сотиб олиш мумкин; ишлаб чиқаришни кооперация асосида олиб бориш мумкинми, мумкин бўлса, кимлар билан ва қандай шартларда кооперацияланади;

- ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун қандай ускуналар керак бўлади; уларни қачон, қаердан, қандай нархларда сотиб олиш мўлжалланмоқда;

- ишлаб чиқариш суръати ва сифатини назорат қилиш пунктлари қандай схема бўйича ташкил қилинади.

Юқорида санаб ўтилган ҳар бир бўлимда ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ сарф-харажатлар қиймати акс эттирилади. Ишлаб чиқариш суръатининг схемасига жиддий эътибор бериш даркор, чунки ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларида зарур ускуналарни ўринли ва оқилона ўрнатиш пировард натижада транспортда юк ташиш харажатларини, меҳнат ва вақт сарфини анчагина камайтиришга имкон беради. Бундан ташқари, бозор шарт-шароитларининг ўзгаришига мос равишда ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотларнинг

ассортиментига тезлик билан ўзгартиришлар киритиш имкониятларини яратиш зарурияти туғилиши мумкинлигини ҳам ҳисобга олиш керак.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш тартиби шундай бўлиши лозимки, токи технологик жиҳатдан талабга жавоб бермайдиган сифатсиз маҳсулот чиқаришга мутлақо йўл қўйилмасин. Маҳсулотларнинг сифатини текширишни ишлаб чиқариш жараёнларининг сўнгги босқичларида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу ҳилдаги ишларни ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида амалга ошириш керак. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиб бориш учун, энг аввало, сифатли ва сифатсиз маҳсулотларни характерловчи стандартлар ишлаб чиқилиши даркор.

Янги ташкил этилаётган корхона раҳбарлари аввалдан ташкилотнинг *қарда жойлаштирилиши* назарга олиб иш тутиши зарур. Корxonанинг жойлашадиган ери шунинг учун ҳам муҳимки, ишлаб чиқариш жараёни атроф-муҳит, яқин атрофда яшайдиган одамларнинг сийхат-саломатлигига зарар етказмайдиган бўлиши керак. Қолаверса, ишлаб чиқариш тизими амалдаги қонунчилик бўйича махсус белгиланган жойлардагина ташкил қилиниши мумкин.

Ишлаб чиқариш режасини тузиш вақтида ишлаб чиқариш жараёнининг чиқиндиларини йўқ (утилизация) қилиш ва экология билан боғлиқ бўлган бошқа шу каби масалаларнинг ечимини ҳисобга олиш зарур. Акс ҳолда, корхона экологик талабларнинг бузилиши учун жарималар тўлашига тўғри келади.

Ишлаб чиқариш режасига асосан, ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришга қилинадиган сарф-харажатлар баҳоланади ва уларнинг йиллар давомидаги ўзгариши баҳоланади.

### ***6.2.7. Ташкилий фаолиятни режалаштириш***

Бизнес-режанинг бу қисми *ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва кадрлар билан ишлаш тизимини ташкиллаштиришга* бағишланади.

Режанинг бу қисмида қуйидаги маълумотлар ўз аксини топиши даркор:

- Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун қандай мутахассислар керак; уларнинг маълумоти, касбий малакаси, иж тажрибаси қандай бўлиши керак:

- Меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат ва ишга қабул қилиш шарт-шароитлари қандай бўлиши керак;

- Мутахассисларни корхонага жалб қилиш услублари қандай бўлиши керак.

Корхонанинг юқори бўғинидаги раҳбарларга иш ҳақи тўлаш тамойилларини алоҳида келишиб олиш зарур. Бу борада раҳбар(лар)га ишлаб чиқаришнинг якунида олинadиган соф фойдадан улуш ажратиладими ёки йўқми, шунингдек, уларнинг иш ҳақи корхонанинг иқтисодий фаолияти якунларига (масалан, савдо-сотик ҳажми, тайёр маҳсулотларнинг сифати, тежамкорлик ҳисобига харажатларнинг камайишига эришиш ва ҳоказо) боғлиқ бўладими ёки йўқми, деган масалалар ҳал этилиши лозим.

Катта корхоналарнинг бизнес-режасини тайёрлаганда, турли хил хизматларнинг биргалиқда ишлаш тартибларини белгилаб олиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш, иш ҳужжатлари оборотини ва ахборот алмашув тизимларининг амал қилишини назарда тутиш керак.

### ***6.2.8. Юридик режа***

Бизнес-режанинг бу бўлими корхона фаолиятининг юридик жиҳатларига бағишланади. Бу бўлимни тайёрлашга профессионал мутахассисни жалб этган маъқул. Бу бўлимда мулкчилик шакли, корхонанинг ҳуқуқий мақоми белгиланади, нима сабабдан мулкчиликнинг конкрет шакли танлангани асослаб берилади.

Корхонанинг ташкилий шаклини эътиборга олиб, акционерлик капиталининг тақсимланиши, дивидендларни тўлаш тартиблари ва ҳоказолар келишиб олинади. Танлаб олинган мулкчилик шакли солиққа тортиш, фойда ва масъулиятни тақсимлаш масалаларига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳам албатта ҳисобга олиш зарур.

### **6.2.9. Иқтисодий хатарларни (рискларни) баҳолаш ва суғурта масалалари**

Корхонанинг иқтисодий-молиявий фаолияти турли хатарлар (масалан, пул маблагларининг етишмай қолиши, мулкдан махрум бўлиш, ишчи-ходимларнинг меҳнат лаёқатини йўқотиши ва ҳоказо) таъсири остида кечади. Чуқурлаштирилган таҳлил жараёнларини амалга ошириш чоғида математик моделлаштириш ва мураккаб ҳисоб-китоблардан фойдаланилади.

Бизнес-режанинг тўққизинчи бўлимида янги ташкил этилаётган корхона фаолияти қандай хавф-хатарларга дучор бўлиши, фавқулодда қутилмаган нохуш воқеалар таъсири қандай оқибатларга олиб келиши, улар қачон, қандай шарт-шароитларда рўй бериши мумкинлиги ўз аксини топиши даркор.

Рўй бериши мумкин бўлган хавф-хатарларни икки тоифага ажратиш мумкин: жуда катта (жиддий) ва нисбатан енгил зарар етказиши мумкин бўлган хатарлар.

Биринчи тоифага мансуб бўлган хатарлардан албатта суғурталаниб, ҳимояланиш даркор. Бунинг учун нохуш ҳодиса рўй бериш эҳтимоли бор вақтни аниқлаш зарур. Суғурта шартномаларининг тузилгани ёхуд тузилмагани бизнес-лойиҳанинг қийматини белгилаш вақтида эътиборга олинади. Иккинчи тоифага мансуб бўлган хатарлар оқибатида қўриладиган зарарларни профилактик чора-тадбирларни қўллаш ёрдамида камайтиришни назарда тутмоқ керак.

Мазкур бўлимнинг якуний қисмида суғурта шартномаларининг рўйхати ҳамда суғурта шартномаларининг умумлаштирилган қиймати келтирилган.

### **6.3. Бизнес-режанинг молиявий қисми**

Бизнес-режанинг бу қисмида қуйидаги маълумотлар берилиши керак:

- Реализациянинг прогнозлаштирилаётган (тахмин қилинаётган) ҳажми;
- Пул маблагларининг кирими ва чиқими баланси;



- Даромадлар ва сарф-харажатлар жадвали;
  - Корхона активлари ва пассивларининг прогнозлаштирилаётган (назарда тутилаётган тахминий) баланси:
  - Безарар ишлаш нуктасини ҳисоблаб чиқиб аниқлаштириш.
- Бизнес-режанинг молиявий қисми режанинг аввалги барча қисмларини умумлаштириб, уларни киймат кўрсаткичларида ифодалашга имкон беради.

### ***6.3.1. Реализация ҳажмини тахминий белгилаш(прогнозлаштириш)***

Ҳужжатнинг жадвал тарзида ифодаланган ушбу қисми корхонада ишлаб чиқариладиган янги турдаги маҳсулот билан истеъмол бозорининг қайси бир сегментини эгаллаш режалаштирилаётгани ҳақидаги маълумотларни жамлаган. Одатда, бу ҳужжатни уч йиллик истиқболни кўзлаб тузишади. Уч йиллик прогнознинг биринчи йилида барча маълумотлар ойлар бўйича, иккинчи йилида эса чораклар бўйича, учинчи йилида эса йиллик ўлчамларда берилади.

Реализация ҳажмини прогнозлаштириш, шартли равишда белгилаш вақтида янги турдаги маҳсулотнинг нархи аниқ белгиланган бўлади, деган тахминлар мавжуд. Баъзи вақтларда реализация ҳажмини прогнозлаштириш натурал birlikларда берилади. Бу молиявий кўрсаткичлар ҳисоб-китобини бир неча вариантда гайёрлашга имконият яратиб беради. Шунинг тариқа олинadиган маълумотларга асосланиб, ишлаб чиқариш ускуналари харид қилинади, реклама учун маблағлар ажратилади, ишчи ва ходимлар ишга ёлланади. Реализация ҳажмини прогнозлаштириш аввалроқ олиб борилган маркетинг тадқиқотларининг натижаси (бизнес-режанинг учинчи қисми)га кўра аниқланади.

### ***6.3.2. Пул маблағларининг кирими ва чиқими баланси***

Бу ҳужжат молиявий режанинг энг катта қисми. У янги тайёрланган лойиҳани амалга ошириш учун қанча маблағ

сарфланиши лозимлигини баҳолашга имкон беради. Бу ҳақдаги маълумотлар лойиҳанинг бошланиш вақтидан то якунигача бўлган алоҳида даврларга бўлинган ҳолда тузилади. Балансининг асосий мақсади керакли пул маблағларининг кирими ва чиқимини режалаштирилган ишлар билан бир вақтда амалга оширилишини, бошқача қилиб айтганда, **балансининг ликвидлигини таъминлашдан** иборат. Бу ўринда “**ликвидлик**” тушунчаси хўжалик юритувчи субъектнинг зиммасидаги мажбуриятлар бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш имкониятларини англатади. Ликвидликка эришиш ниҳоятда муҳим. Дейлик, корхона иқтисодий фаолияти натижасида жуда катта миқдорда соф фойда олади, корхона ихтиёридаги пул маблағлари истикболли режалар ижросига самарали тарзда жойлаштирилади, аммо амал қиладиган солиқлар ва бошқа хил мажбурий тўловлар ўз вақтида тўланмай қолса, корхона таназзулга учраган (банкрот) деб эълон қилиниши мумкин. Демак, келажакка қаратилган барча орзу-умидлар пучга чиқади.

Пул оқимларининг ҳаракатини режалаштириш чоғида муҳим бир нарсани эътибордан қочирмаслик керак, ишлаб чиқариш цикли анча узоқ вақт давом этадиган ёки потенциал харидорлар билан олди-сотди муносабатлари анча узоқ вақтгача чўзилиш эҳтимоли мавжуд (дебиторлик қарзи) бўлса, у ҳолда иш жараёни тўхтаб қолмаслиги учун қўшимча равишда капитал маблағларни жалб этишга тўғри келади. Ўз-ўзидан аёнки, бу хилдаги лойиҳанинг қиймати анча юқори бўлади, чунки лойиҳага жойлаштирилган активлар улардан кутилаётган самарани бера бошлаши учун анча узоқ вақт талаб этилади.

Пул қиримлари ва чиқимлари балансини баъзида **пул оқимларининг баланси** деб ҳам аташади. Жадвал кўринишидаги бу маълумотлар реализация ҳажмини прогнозлаштириш каби тузилади. Жадвалнинг бошида дастлабки даврда аниқланган нақд пул маблағларининг ҳажмини кўрсатиш зарур. Вертикал йўналишда пул маблағларини жалб қилиш мумкин бўлган барча манбалар келтирилади. Шундан кейин белгиланган давр мобайнида жами қанча маблағ тўплангани кўрсатилади. Ва ниҳоят, режага кўра сарфланиши лозим бўладиган харажатларнинг қўлами кўрсатилади.

